

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.30.05.2018.Fil.70.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ**

---

*Кўлёзма ҳуқуқида*  
**УДК: 821.512.133.09 (043.3)**

**БОТИРОВА ШАХЛО ИСАМИДДИНОВНА**

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК РОМАНЛАРИДА БАДИЙ ПСИХОЛОГИЗМ**  
(Улугбек Ҳамдамнинг “Мувозанат”, “Исён ва итоат”,  
“Сабо ва Самандар” романлари мисолида)

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
илмий даражасини олиш учун ёзилган  
**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:** Пардаева Зулфия Жўраевна  
филология фанлари доктори, профессор

## **МУНДАРИЖА**

КИРИШ ..... 3

### **I. БОБ. БАДИЙ ПСИХОЛОГИЗМ КРИТЕРИЙЛАРИ ВА ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ**

1.1. Бадий психологизм ва унинг илмий-назарий қритерийлари.....	12
1.2. У.Ҳамдамнинг илк романида бадий психологизм омиллари.....	40
Боб бўйича холоса.....	64

### **II БОБ. ИНСОН ВА ҲАЁТ ВОҚЕЛИГИНИ МЕТАФОРИК УЙҒУНЛАШТИРИШ БАДИЙ ПСИХОЛОГИЗМНИНГ БИР КЎРИНИШИ СИФАТИДА**

2.1. “Исён ва итоат” романи сюжети ва композициясида бадий психологизмнинг ўзига хослиги.....	66
2.2. Образ, характер ва портретлар тасвирида бадий психологизмнинг ўрни .....	87
Боб бўйича холоса.....	96

### **III. БОБ. “САБО ВА САМАНДАР” РОМАНИДА УСЛУБ ВА БОТИН ПСИХОЛОГИЯСИ ТАСВИРИ**

3.1. “Сабо ва Самандар” романининг услубий хусусиятлари.....	99
3.2. Романда қаҳрамонлар ички дунёсининг психологик тасвири.....	119
Боб бўйича холоса.....	139
Умумий холоса.....	141
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	145

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигига роман – инсонни ўзлиги, ижтимоий муҳити ва олам муаммолари билан фаол муносабатда тасвирловчи, одамлар қисмати орқали жамият жорий ҳолатини поэтик тадқиқ этувчи сертармоқ сюжет, залворли мазмунга эга бўлган эпик турнинг мураккаб жанри сифатида талқин қилинади. Айни масалаларни илмий асосда ўрганиш, роман жанрида башариятга дахлдор мавзулар поэтик идрок этилаётгани, истеъдодли адиблар тажрибаси, бадиий ижод лабораторияси асрорини англаш баробарида, бадиий сўзнинг қудрати ва поэтик ифода имкониятлари инсон руҳиятини тафтиш этишга йўналтирилганини англатишга хизмат қилиши билан ҳам долзарблик касб этади.

Дунё халқлари романчилигига инсон тақдири унинг ички “мен”и, жамият ва оламни англаш мақоми негизида бадиий таҳлил этилади. Романда инсон мавжудлиги ва дунё яхлитлиги асл моҳиятини англаш ва англатишга интилиш кузатилади. Роман қаҳрамони нафақат ўз индивидуаллигини бир бутун олам сифатида чукур идрок этиш жараёнида, балки ижтимоий муҳит ва олам билан зиддиятга киришиб, борлиқни бадиий-фалсафий, ижтимоий-концептуал йўсинда идрок этишга интилевчи илоҳий ва биоижтимоий мавжудот, фаол фикрий-ҳиссий ҳаракатдаги шахс сифатида очилади. Шу тариқа ижодкор йўқотилган эпик бутунликни қайта тиклайди.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг бой маданий меросини қайта тиклаш, юксак маънавият, миллий ўзига хослик ва халқ анъаналарининг кўп асрлик сарчашмаларини ривожлантириш, нафақат жисмонан соғлом, айни кезда маънан етук ва ҳар томонлама баркамол шахслар жамиятини барпо этиш учун зарур шарт-шароит яратишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. «Аҳолининг маданий ва эстетик эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, театр, мусиқа, тасвирий санъат ва бошқа санъат турларини ривожлантиришга, халқимиз тарихи ва бугунги ҳаётининг энг ёрқин

саҳифаларини, мамлакатимизнинг эркин демократик тараққиётини акс эттирувчи асарлар яратиш»<sup>1</sup>га даъват этилди. Демак, ҳар бир ёзувчининг бадиий-эстетик дунёси ўзига хос бўлиб, унинг асарларидағи психологик таҳлил усусларининг янги қирраларини қиёсий ўрганиш муаммонинг муҳим ва долзарблигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон, «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишлариiga мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион гоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

---

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. [www.http://prezident.uz/uz/lists/view/137](http://prezident.uz/uz/lists/view/137).

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Бадий психологизм ва психологик таҳлил муаммоси И.В.Страхов, С.Г.Бочаров, А.Н.Иезуитов, Л.Я.Гинзбург, В.В. Компанейц, М.Б.Храпченко, А.Б.Есин, М.М.Бахтин, Р.Уэллек ва О.Уоррен, П.Рикёр, Р.Брат, В.В.Виноградов, Л.Колобаева, В.М.Жирмунский, А.Зись, Д.Затонский, Д.Лукич, А.В.Ковалев каби америка ва рус олимлари томонидан атрофлича ўрганилган<sup>2</sup>. Бадий асарда психологизм муаммоси бўйича ўзбек адабиётшунослигида ҳам муайян тажрибалар тўпланган, назарий тадқиқотлар амалга оширилган. Адабиётшунос Ҳ.Умуроғодиши бадий психологизмнинг миллий романчиликда, А.Холмуродов эса қиссачиликда қарор топишини маҳсус тадқиқ этишган. Бундан ташқари, XX аср сўнгги чораги ва ундан кейинги даврда яратилган ўнлаб романлар илмий-адабий жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотиб, баҳс ва мунозараларга сабаб бўлган. Бу ҳақда И.Султонов, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, С.Мирвалиев, У.Норматов, Ҳ.Умуроғодиши, И.Мирзаев, Б.Назаров, Н.Каримов, Б.Саримсоқов, А.Расулов, Й.Солижонов, Ҳ.Болтабоев, Т.Жўраев, Д.Тўраев, С.Мелиев, З.Пардаева, У.Жўрақулов, И.Ёқубов, Д.Қурунов, Ш.Дониёрова каби адабиётшуносларнинг салмоқли тадқиқотлари мавжуд<sup>3</sup>. Аммо ҳозирги ўзбек романчилиги, хусусан, Улуғбек

<sup>2</sup> Страхов И.В. Психологический анализ в литературном творчестве: пособ. для студ. /В 5 ч./ – Саратов: Изд. Саратовского университета, 1973. – Ч. 1. – С. 14; Бочаров С.Г. Л.Н.Толстой и новое понимание человека // Литература и новый человек. – М.: 1963. – С. 17; Иезуитов А.Н. Проблемы психологизма в эстетике /литературе // Проблемы психологизма в советской литературе. – Л.: 1970. – С. 18; Гинзбург Л.Я. О психологической прозе. – Л.: 1971. – С. 300; Компанеец В.В. Художественный психологизм в советской литературе. (1920-е годы) – Л.: Наука, 1980. – С. 47; Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – М.: Наука, 1970. – С. 266; Есин А.Б. Психологизм русской классической литературы. – М.: 1988; Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: Наука, 1979. – С. 85; Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: Наука, 1973. – С. 207; Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. – М.: Наука, 1979. – С. 422; Р.Уэллек и О.Уоррен. – М.: Прогресс, 1978. – С. 95-107; Рикёр П. Герменевтика. Этика. Политика: Московские лекции и интервью. – М.: 1995. – С. 78-196; Барт Р. Введение в структурный анализ повествовательных текстов// Зарубежная эстетика и теория литературы XIX–XX вв.: Трактаты. Статьи Эссе. – М.: 1987. – С. 407; Виноградов В.В. Поэтика русской литературы. – М.: Наука, 1976. – С. 484; Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Л.: Наука, 1977. – С. 404; Лукич Д. Теория романа. – Варшава, 1963, – С. 229; Ковалев А.Г. Психология литературного творчества. – Л.: ЛГУ, 1960. – С. 214.

<sup>3</sup> Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1986. – Б.408; Қўшжонов М. Ўзбек романчилигининг ривожланиш босқичлари ва жанр хусусиятлари // Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент: «Фан», 1991. – Б. 299-382; Шарафиддинов О. Ҳаёт билан ҳамнафас. – Тошкент: «Ёш гвардия», 1983; Мирвалиев С. Ўзбек романи. – Тошкент: «Фан», 1969; Норматов У. Насримиз тамойиллари. – Тошкент: «Адабиёт ва санъат», 1978; Ўша муаллиф. Умидбахши тамойиллар. – Тошкент: «Маънавият», 2000; Мирзаев И. Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси. – Тошкент: «Фан», 1977; Мирзаев И. Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услубий ранг-баранглиги. – Тошкент: «Фан», 1983; Умуроғодиши Ҳ.

Ҳамдам романларида бадий психологизмнинг намоён бўлиши масаласи монографик аспектда маҳсус ўрганилмаган.

Замонавий ўзбек романи кўз ўнгимида янгиланиб бормоқда, янги-янги поэтик қирралари билан намоён бўлмоқда. Мустақиллик даврида роман жанрида қалам тебратаб бошлаган ёш адаб Улуғбек Ҳамдам романлари кўплаб баҳс ва мунозараларга сабаб бўлмоқда. М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, У.Норматов, А.Расулов, Д.Тўраев, С.Содик, К.Хусанбоева, Қ.Йўлдошев, Д.Қуронов, И.Ёқубов, З.Пардаева, Ш.Дониёрова, М.Пирназарова, М.Қўчқорова, Х.Тулибаев каби таникли олим ва тадқиқотчилар адаб ижодини турли нуқтаи назардан тадқиқ этишган. Аммо адаб ижодида бадий психологизмнинг зухур бўлиши монографик тарзда илк бор маҳсус тадқиқ этилмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Янги ўзбек адабиёти ва адабий танқид» мавзусидаги йўналиш доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Улуғбек Ҳамдам насирида бадий психологизмнинг намоён бўлиш принциплари, восита ва усулларини аниқлаш, ёзувчининг адабий анъанага ижодий ёндашув йўсини ва услубий индивидуаллигини умумлаштиришдан иборат.

---

Бадий психологизм ва ҳозирги замон ўзбек романчилиги. – Тошкент: «Фан», 1983; Ўша муаллиф. Бадий ижод асослари. – Тошкент: «Ўзбекистон» 2001; Назаров Б. Бу сеҳрли дунё. – Тошкент: «Адабиёт ва санъат», 1980; Каримов Н. Ойбек. – Тошкент: «Ёш гвардия», 1985; Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004; Расулов А. Бадийлик – безавол янгилик. – Тошкент: «Шарқ». 2007; Солижонов Й. Нутқ ва услуб. – Тошкент: «Чўлпон», 2002; Болтабоев Х. Наср ва услуб. – Тошкент: «Фан», 1992; Жўраев Т. Онг оқими ва тасвирийлик. – Тошкент: «Фан», 1994; Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек романларида бадий тафаккур ва маҳорат муаммоси (60-80-йиллар). Филол. фан. док. дисс. ...автореф. – Тошкент, 1994; Мелиев С. Шеърий матннинг поэтик хусусиятлари. Филол. фан. номз. дисс. ...автореф. – Тошкент, 2001; Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романларининг тараққиёт тамойиллари. Филол. фан. док. дисс. ...автореф. – Тошкент, 2003; Жўракулов У. Ҳудудсиз жилва. – Тошкент: «Фан», 2006; Жўракулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Тошкент: «Ғ.Ғулом нашриёти» НМИУ, 2015; Тўраев Д. Давр ва ижод масъулияти. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2004; Ёқубов И. Мустақиллик даври романлари поэтикаси. Филол. фан. док. дисс. ...автореф. – Тошкент, ЎзТА ва ФИ, 2018; Қуронов Д. Чўлпон насири поэтикаси. – Тошкент: «Шарқ», 2004; Дониёрова Ш. Истиклол даври ўзбек романларида миллий рух ва қаҳрамон муаммоси. Филол. фан. док. дисс. ...автореф. – Тошкент, 2012 ва б.

## **Тадқиқотнинг вазифалари:**

замонавий ўзбек романчилигига бадиий психологизмнинг ўрни ва илмий-назарий критерийларини аниқлаш;

Улуғбек Ҳамдамнинг ilk романи – “Мувозанат”нинг миллий, маънавий-маърифий, бадиий-эстетик, индивидуал-психологик омилларини белгилаш;

“Исён ва итоат” романи сюжети ва композициясида ҳаёт воқелигининг метафориклаштирилган бадиий-психологик талқин усулларини ёритиб бериш;

“Исён ва итоат” романидаги образ, характер, портретлар тасвирида инсон феноменининг бадиий-психологик асосларини далиллаш;

“Сабо ва Самандар” романи услубида бадиий-психологик тасвир доминантлигини асослаш орқали роман концепциясида қаҳрамон ботиний олами тасвири етакчилигини асослаб бериш;

Улуғбек Ҳамдам романларида бадиий психологизмнинг ўзига хослиги, мустақиллик даври миллий адабиётшунослигимиз учун аҳамияти ҳақида назарий умумлашмалар чиқариш.

**Тадқиқотнинг обьекти** Улуғбек Ҳамдамнинг «Мувозанат», «Исён ва итоат», «Сабо ва Самандар» романлари тадқиқот обьекти вазифасини бажарди. Бадиий психологизм ва композицион бадиий яхлитлик муаммолари негизида ўрни билан адебнинг айрим ҳикоя ва қиссалари, таржималари ҳам таҳлил доирасига жалб этилди.

**Тадқиқотнинг предмети** замонавий ўзбек романчилигига бадиий психологизм чуқурлашувидағи ўзига хосликнинг миллий-адабий анъана, ижодий ўзлаштириш, ижодкор индивидуаллиги ва жаҳон насри таъсирида пайдо бўлган поэтиқ ўзгаришлар эканини таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацион тадқиқотни бажариш учун қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, аналитик, герменевтик ва биографик методлардан фойдаланилди. Бадиий психологизм принциплари ва назарий

қонуниятлари ўрганилган тадқиқотларнинг илмий-назарий умумлашмаларига таянилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:**

Улуғбек Ҳамдам романларидағи бадиий психологизмни юзага чиқарувчи тасвир воситалари ва поэтик усуллар, ижодий индивидуаллик, бадиий шакл ва услуб ўзига хослиги сингари масалалар ўзбек ҳамда жаҳон адабиётшунослиги назарий тушунча ва тамойилларига таяниб асосланган;

ёзувчининг бадиий психологизмдан фойдаланишдаги ижодий маҳорати, адабий қаҳрамон яратиш ва характерлар руҳиятини бадиий далиллаш йўсини, қаҳрамонларга ҳиссий таъсир этадиган табиат манзаралари антитета принципида ифодалангани, портретга хос характеристикаларда хатти-ҳаракат, ички динамика кузатилиши, қаҳрамонлардаги “ички фаоллик”ка катта эътибор берилгани бадиий матнга асосан ёритилган;

“Мувозанат” романида бадиий психологизмнинг намоён бўлиш ижодий тамойиллари адибнинг шаклий-услубий изланишлари, поэтик ифода тарзи контекстида “Исён ва итоат” романига хос “ички монолог” ва “онг оқими” ифода усулларининг персонаж нутқини индивидуаллаштириш ва психологик асослашдаги роли аниқланган;

“Сабо ва Самандар” романи эпик баён тарзи орқали У.Ҳамдам насира поэтик анъананинг ўрни, психологик таҳлил уларда инсон маънавий-психологик ҳаётини талқин этишнинг синтезлашган усуллари билан уйғунлашиб кетганлиги ёритиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

роман жанрининг поэтик қонуниятлари ва психологик лавҳаларнинг бадиий яхлитликда тутадиган ўрни ва аҳамияти композицион узвийликда ўрганилган;

макон ва замонда кечаётган инсон ҳаётини бадиий талқин этишда фалсафий фикр такомили, давр руҳияти ва ижодкор шахсияти муштараклиги белгилаб олинган;

мустақиллик даври ўзбек романларида бадиий психологизмнинг янгича тамойиллари шакллангани асосланган;

Улуғбек Ҳамдам романларини талқин ва таҳлил қилиш жараёнида услубий психологик манералар индивидуаллигига қаратилган;

портрет, пейзаж, нутқ, ички монолог, психологик деталь, туш мотиви, мулки борлиқ тасвири, қистирма эпизод каби психологик таҳлил воситалари маъно ва вазифаларига кўра тасниф этилган;

роман хронотопида муҳимлик касб этган асосий психологик усул ва воситалар ижодкорнинг субъекти билан ўрганилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республикамиз ҳамда хорижлик олимларнинг фикр ва қарашларига асосланилганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб борувчи тадқиқот методлари қўлланилганлиги; адабиётшунослик методологияси ёрдамида таҳлил ва талқин қилинганлиги билан ўзини оклаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган концептуал гоялар «Адабиётшуносликка кириш», «Ҳозирги адабий жараён», «Адабиётшунослик назарияси», «Бадиий таҳлил асослари» ва «Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи» фанлари бўйича ўтказиладиган тадқиқотлар ҳамда методологик ёндашувларни такомиллаштиришга хизмат қиласи.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда баён қилинган ёндашувлар ҳозирги ўзбек романчилигига бадиий психологизм хусусиятлари, бадиий шакл унсурларининг бадиий мазмунни шакллантириш ва ифодалаш учун энг қулай тарзда уюштирилиш тамойиллари ҳақидаги назарий хulosалардан таълим тизимида ўқитилаётган «Адабиётшуносликка кириш», «Ҳозирги адабий жараён», «Адабиётшунослик назарияси», «Бадиий таҳлил асослари» ва «Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи» фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш, маъruzалар ўқиш, шунингдек, академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчиларига мустақиллик даври романчилиги бўйича машғулотлар олиб боришда, жанр бадиияти,

ижодкорлар поэтик маҳоратига оид маҳсус курс ва семинарлар ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ҳозирги ўзбек романларида бадиий психологизмни тадқиқ этиш ҳамда унинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш асосида:

жанр ички шаклларининг юзага келишининг тадрижий такомилига оид назарий қарашлари ва илмий хулосаларидан ФА-Ф1-ГОО2 рақамли «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг илмий масалаларини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал давлат лойиҳасини бажариш жараёнида фойдаланилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил 6 мартағи 89-03-938-маълумотномаси). Натижада, ихтисослик фанларини ўқитиши, малака ошириш курслари, шунингдек, она тили ва адабиёти фани ўқитувчиларининг дарс самарадорлигини оширишга эришилган;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Жиззах вилояти телерадиокомпаниясининг телевиденияси “Ижоднинг сехрли олами” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Жиззах вилояти телерадиокомпаниясининг 2019 йил 11 апрелдаги 01-08/434-маълумотномаси), ҳамда “Ассалом, Жиззах” тонги дастури сценарийсини тайёрлашда ҳозирги ўзбек романларида бадиий психологизмнинг такомиллашиб бориши хусусидаги назарий фикр-қарашлардан фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Жиззах вилояти телерадиокомпаниясининг 2019 йил 11 апрелдаги 01-08/434-маълумотномаси). Натижада, ушбу кўрсатув ёшлар орасида китобхонлик маданиятининг шаклланишига, уларнинг маънавий оламини бойитиш ва дунёқарашини кенгайтиришга замин яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 20 та, жумладан, 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилиниб, муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 20 та илмий иш эълон қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

# **I. БОБ. БАДИЙ ПСИХОЛОГИЗМ КРИТЕРИЙЛАРИ ВА ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ**

## **1.1. Бадий психологизм ва унинг илмий-назарий критерийлари**

Сўзниг ҳар қандай бадийлаштирилган шакли, у оғзаки ёки ёзма бўлишидан қатъий назар, инсон маънавий-психологик оламига таъсир ўтказиши жиҳатидан муҳимдир. Бадий асар тайёр ҳолга келган тақдирда ҳам, ўқувчисини топмагунига қадар, ўзининг етакчи эстетик вазифасини бажара олмайди. Фақат бадий асарнинг ўқувчи билан “мулоқоти” бошланган нуқтада у жонланади, рецептив моҳият касб этади. Худди шу нуқтада бадий психологизм механизми ишга тушади. Сўзловчи ёки ёзувчи бадий баёни, тасвир усули, психологик ифодалаш услуби жонланади.

Сўз илмининг етакчи намоёндалари асарларида қайд этилишича: «образли қилиб айтилган сўз киши руҳини ўзига бўйсундирадиган бир ҳолат касб этади. Бу шундайки, маълум бир ишлар кишига кўринмасдан, улар ҳақида бирор фикр юритилмасдан ва уни эътироф этилмасдан туриб, улар кишига хуш келади, баъзиларидан эса киши ўзини тияди. Бир сўз билан айтганда, бундай нарсадан одам безовталанади, лекин бу безовталик онгли равишда бўлмай, балки нафсоний – психологик таъсирланганлик натижасида бўлади»<sup>4</sup>. Ибн Синонинг ушбу фикрида сўзниг тингловчи ва ўқувчига таъсири ундаги маънавий-психологик таъсирланиш билан боғлиқлиги, яъни рецептив жараён эканига алоҳида диққат қаратилган.

Бадий сўз ҳодисаси инсонлар жамиятига айнан уларнинг ўзларини ўзларига тавсифлаш, таърифлаш, тасвирлаш, кўрсатиш орқали таъсирлантириш санъатидир. Бу церкульятив жараён бўлиб, ижтимоий-тарихий, майший-биографик, индивидуал-психологик ҳодиса ва ҳолатларни кузатиш, улардан таъсирланиш, шу таъсир доирасидан чиқмаган ҳолда ёки шу ҳолатга тушиб тасвирлаш, баён этиш, пировард натижада бошқаларни ҳам таъсирлантириши каби мураккаб босқичлардан ташкил топади. Айни

<sup>4</sup> Абу Али ибн Сино. Шеър санъати. <http://www.e-adabiyot.uz/adabiyotshunoslik/392.html>

церкульятив жараённи илмий-назарий түшүнчалар тарзида қайд этадиган бўлсак, биринчиси “ижодий жараён”, иккинчиси “рецептив жараён” деб номланади. Бадиий психологизм диалогик ҳодиса бўлиб, шу икки жараён ўртасида содир бўлади. Профессор Абдурауф Фитрат бу жараённи қуйидаги жумлада қисқа ва аниқ тарзда шундай ифодалайди: “Адабиёт – фикр, туйғуларимиздағи тўлқунларни сўзлар, гаплар ёрдами билан тасвир қилиб, бошқаларда ҳам худди шу тўлқунларни яратмоқдир”<sup>5</sup>.

А.Фитрат бундай шаклан лўнда, услубан содда, илмий жиҳатдан аниқ таърифга тасодифан келиб қолган эмас, албатта. У бир мутафаккир сифатида Шарқ назарий адабиётшунослигига оид билимларни ўзига сингдирган, уларни замонавий ғарб адабиётшунослиги билан уйғунлаштирган эди. Дарҳақиқат, бадиий сўз ҳодисаси, ижодий жараён ўзбек мумтоз адабиётида азалдан мавжуд ҳодиса эди. Энг қадимги туркий тошбитиклардаги монологик нутқ орқали персонажлар психологиясидаги ватантарварлик, ҳаётсеварлик, курашчанлик ғоялари бадиий воситалар орқали кўтаринки пафосда баён этилган. Масалан, Кул тегин эпитафиясида ўз даврининг эпик тасвири билан бирга, қадим аждодларимизнинг оламни қандай тасаввур қилганлари, бундаги психологик ҳолатларнинг ўзига хос бадиий тасвирига дуч келамиз<sup>6</sup>. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луготит турк” асаридаги шеър, мақол, қўшиқлар, қасида, мунозара каби шеърий парчаларда ҳам ўша давр кишилариинг индивидуал-психологик ҳолатлари, хатти-ҳаракатлари, идроклаш ва муносабатлари ўзига хос тарзда акс эттирилганига гувоҳ бўламиз<sup>7</sup>.

Ўзбек халқининг “Алпомиш”, “Гўрўғли” каби туркум эпосларида образлар ички оламини ёритиш учун қўлланган психологик усуллар асар бадииятини таъминлаши билан бирга, бадиий психологик тасвир такомили

<sup>5</sup> Фитрат А. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт ҳаваслилари учун. Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изохлар муаллифи Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1995. – Б. 21-22.

<sup>6</sup> Қаранг: 2) Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. – М.: Академии наук, 1951, - 96 стр. 2) Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 1-жилд, – Тошкент: «Фан», 2003. – 332 б.

<sup>7</sup> Қаранг: Фитрат А. Энг эски турк адабиёти намуналари (Адабиётимизнинг тарихи учун материаллар). – Тошкент: «Mumtoz so'z», 2008.

учун бир муҳим босқич вазифасини ўтаган. “Гўрўғли” туркум достонларида бу жиҳат жуда очик кўринади. Ҳар бир образ бошқа образлар билан мулоқот жараёнида характер хусусиятларини янада кенгроқ намоён этади. Уларнинг кескин бурилишлар, фавқулодда вазиятлардаги ҳолатларини акс эттиришда бу жиҳат яққол кўринади. Айниқса, “Гўрўғлининг туғилиши” достонида қаҳрамонинг чилтонлар ғорида Хизр алайҳиссалом билан учрашуви, “антахур шароби”ни ичиши, халқ қаҳрамонига айланишига оид эпизодидаги психологик тасвир ҳар қандай ёзувчига намуна бўларлик даражада мукаммаллиги билан ўқувчини ҳайратга солади<sup>8</sup>. Хусусан, “Алпомиш” эпосидаги қатор бадий психологик унсурлар Бойбўри, Бойсари, Алпомиш, Барчиной, Қалдирғоч, Қоражон, Мастон кампир, Тойчахон каби образларнинг руҳиятини, ички оламини ифодалашга хизмат қилган<sup>9</sup>. Жумладан, Алпомишнинг муродтепага чиқиш олдидан ўз-ўзига айтган монологида унинг психологик ҳолати, иккиланиши тасвирланган. Фольклоршунос олим, филология фанлари доктори Ш.Турдимовнинг қуидаги хulosаси ушбу фикримизни яна бир бор тасдиқлайди: “Эпос сюжети халқнинг кўнгил мулкида пишиб етилади. Тилга кўчади. Бу ерда ҳукмбардор – халқнинг руҳи. “Алпомиш” бунинг тасдиги”<sup>10</sup>.

Демак, бадий психологизмнинг келиб чиқиши адабиёт инсон образини тасвирлай бошлаган даврларга бориб боғланади. Айнан ўша даврлардан бошлаб адабий қаҳрамон хатти-харакатларининг асосини ташқи ҳолатларигина эмас, балки унинг ички ҳолатлари, интилиш ва эҳтиёжлари ташкил эта бошлаган.

Ғарб адабиётшунослигига бу ҳодиса психопоэтика (бадий психология) деб аталади. Замонавий дунё адабиётшунослигига бадий адабиётни психопоэтик нуқтаи назардан таҳлил ва талқин қилувчи бир қанча назарий қарашлар, усул ва методлар ишлаб чиқилган. Улар орасида

<sup>8</sup> Қаранг: Гўрўғлининг туғилиши. – Тошкент: F.Фулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1967.

<sup>9</sup> Alpomish: O‘zbek xalq qahramonlik dostoni/Aytuvchi: F.Yo‘ldosh o‘g‘li. Yozib oluvchi: M.Zaripov. – Тошкент: «Sharq», 2010, – 400 b.

<sup>10</sup> Турдимов Ш. Этнос ва эпос. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2012. – Б. 29.

А.А.Потебня, Д.И.Овсянико-Куликовский, З.Фрейд, Ж.Лакан, К.Юнг қарашлари кенг тарқалган. А.Потебнянинг фикрича, бадий асарларда образлар муҳим бўлиб, ҳар қандай образ ўзига хос индивидуал психологик хусусиятларга эга бўлади<sup>11</sup>. Зигмунд Фрейд шахснинг индивидуал ҳаракатлари унинг фаолиятини психологик таҳлилига асос бўлиши ҳақидаги гояни илгари сурган. Жак Лаканнинг “психоанализ структура”сида эса бутун асар яхлит психологик тузилма деган қарашлар етакчилик қиласди. Бундан ташқари Алфред Адлер, Карл Юнг, Рене Уэллек, Остин Уррен каби олимлар бадий асар ва ундаги поэтик образлар яратилишида психологик механизмларнинг ўрнига алоҳида эътибор қилишган. Олимларнинг фикрича, психологизм «ёзувчи шахсини тип ва бетакрор индивидуаллик сифатидаги психологик таҳлили ижодий жараёни бўлиб, у ёки бу бадий асарнинг яратилиш қонуниятлари ва типологияси, ниҳоят, адабиётнинг ўқувчига таъсирини ўрганади»<sup>12</sup>.

Демак, бадий психологизм уч асосий йўналишда ривожланувчи назарий масалаларнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, бу масалаларга эътибор бадий адабиётда, хусусан, насрда сўнгги йилларда анча фаоллашди. Бунинг бир қанча ижтимоий, бадий-фалсафий ҳамда психологик омиллари мавжуд. Биринчидан, ижтимоий ҳаётимизда рўй берган қатор ўзгаришлар, мустақил ўзбек жамиятининг шаклланиши, инсон омилига, аввалгидек улкан механизмнинг битта винти деб эмас, балки индивидуал субъект, шахс сифатида қараш кучайди. Иккинчидан, бадий-эстетик қарашларимизда янги эстетик идеални шакллантиришга интилиш, дунёни янгича кўриш эҳтиёжи пайдо бўлди. Учинчидан, глобаллашув жараёнини бошдан кечираётган инсон омилига муносабат масалалари, жаҳон адабиётида бўлгани каби, ўзбек насирида ҳам қатор ўзгаришларнинг юзага келишига асос бўлди.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, диссертациямизнинг ўзак муаммоси сифатида тадқиқ этилаётган бадий психологизм масаласи

<sup>11</sup> Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – М.: Искусство, 1976. – С. 614; Потебня А.А. Теоретическая поэтика. Из записок по теории словесности. [www.gumer.ru/povertebnya](http://www.gumer.ru/povertebnya)

<sup>12</sup> Рене Уэллек, Остин Уоррен. Теория литературы. – М.: Прогресс, 1978. – С.95 (328 стр.).

маданий-тариҳий, фалсафий-психологик, бадиий-эстетик моҳият касб этиши билан бирга, муҳим назарий тушунча сифатида замонавий ўзбек адабиётшунослиги такомили учун хизмат қилади. Шунингдек, замонавий ўзбек адабиёти материаллари асосида айни бадиий ҳодисага хос назарий критерийларни умумлаштириш, янги қирраларини аниқлаш заруратини кўрсатади.

Замонавий адабиётшунослик илмидаги “бадиий психологизм” тушунчаси бугунги кунда семантик жиҳатдан етарлича аниқ эмасдек таассурот уйғотади. Тадқиқотчилар умумий ва амалий характердаги ишларида бу терминни бот-бот қўллайдилар. Аммо унга хос критерийларни белгилашда фикрлар мазмуни баъзан қарама-қарши келиб қолган ҳолатлар ҳам учраб туради. Чунки бадиий психологизм адабиётшунослар диққат марказида турган нисбатан мураккаб ҳодисалардан бири ҳисобланади: унинг ўзига хос хусусиятлари ва кўп жиҳатлилиги, бир томондан, муаммони ўрганиш жараёнида кўпгина фанларга оид билимларни талаб этишида (психология, фалсафа, эстетика, адабиётшунослик фанлари сарҳадларини қамрашида) намоён бўлса, бошқа томондан – адабиётшуносликнинг барча асосий муаммолари билан бевосита алоқадорлигига кўринади.

Мумтоз ва замонавий адабиётшунослика бадиий ижоддаги психологизм масаласи кўп марта кўтарилиган. Мазкур муаммо юзасидан олиб борилган тадқиқотларнинг сероблиги ва уни кўп жиҳатдан (назарий, адабий-тариҳий, аналитик нуқтаи назарлардан) ўрганиш мумкин эканлигигига қарамасдан, бугунги кунда қуидагиларнинг етишмаслиги яққол сезилиб қолмоқда:

- бадиий психологизмга хос назарий критерийлар тўла-тўқис аниқланмаган;
- бадиий психологизм принципларининг ўзгариб бориши, ҳар бир давр, адабий муҳит, индивидуал ижодкор асарларида унинг нисбатан фарқли кўринишларда намоён бўлиш табиати эътибордан четда қолиб келади;

- терминологик аниқлик етишмайды. Турли тадқиқотларда бу терминнинг хилма-хил шакл ўзгаришларига учраши кузатилади;

- методологик жиҳатдан бадий психологизм ҳодисасига нисбатан турли таҳлил методларининг умумлаштирилган комплекс талқин шакли мавжуд дея олмаймиз.

Демакки, конкрет ижодкор, конкрет бадий асар психологик таҳлилини амалга ошириш учун дастлаб ушбу назарий-методологик муаммолар хусусида бир тўхтамга келиб олиш зарурати бор.

А.Б.Есин: “Психологизм – бу адабиётнинг ўзига хос воситалари кўмагида хаёлий (тўқилган) шахс (адабий персонаж) ҳис-туйғу, фикр ва кечинмаларини етарлича тўлиқ, батафсил ва чуқур қилиб тасвирлаш”<sup>13</sup>, деган таърифни беради. Л.Я.Гинзбургнинг таъкидлашича, психологизм персонаж ички дунёсининг рационал, соддалаштириб тасвирланиши билан бақамти эмас, балки: “Бадий психологизм қаҳрамоннинг ўзини тутишидаги хаёлга ҳам келмаган, ногаҳоний, тасодифий қарама-қаршиликлардан бошланади”<sup>14</sup>.

В.В.Компанеец томонидан психологизм тасвир усулидан кўра, муаллиф психологиясини бадий акс эттириш воситаси деб тушунилади. “Асада психологик таҳлилнинг пайдо бўлиши, – дея қайд этади В.В.Компанеец, – унинг шакли ва типологияси кўпинча ёзувчи дунёқарашига, мақсадига, истеъоди ва шахсий фазилатларининг характерига, асардаги вазиятга қарамдир. Айни чоғда, афтидан, психологик таҳлилни онглиликка асосланган эстетик принцип сифатида баҳолай туриб, унинг у ёки бу хусусиятлари сўз рассоми томонидан атай танланганлигини нисбийлаштириш шарт эмас”<sup>15</sup>.

А.Иезуитов эса адабиётда психологизм муаммосини ўрганар экан, мазкур тушунчанинг кўп маъноли эканлигини қайд этади. Уларни учга бўлиб таърифлайди: “1) сўз санъатининг туғма белгиси, унинг узвий хусусияти, бадииятининг исботи...; 2) бадий ижод маҳсули, муаллиф, унинг

<sup>13</sup> Есин А.Б. Психологизм русской классической литературы: Книга для учителя. – М.: Просвещение, 1988. – С. 18.

<sup>14</sup> Гинзбург Л.Я. О психологической прозе. – Л.: Советский писатель, 1971. – С. 300.

<sup>15</sup> Компанеец В.В. Художественный психологизм в советской литературе. (1920-е годы) – Л.: Наука, 1980. – С. 47.

персонажлари ва янада кенгроқ – ёзувчи шахсияти ва у яратган қаҳрамонлар образи орқали очиладиган жамият психологиясининг (синф, табака, ижтимоий гурӯҳ, давр ва ҳ.к.) ифодаси ва акси...; 3) онгли ва белгиловчи эстетик тамойил”<sup>16</sup>. Р.Уэллек ва О.Уорренларнинг “Адабиёт назарияси” китобида: “адабиёт психологияси” термини остида, асосан, “у ёки бу бадиий асар яратилишининг психологик типологияси ва қонуниятларини ўрганишни тушуниш мумкин”<sup>17</sup>. Бинобарин, “Бадиий психологизм бу қаҳрамонларнинг гоявий-психологик изланишларини ўзида мужассам этган бадиий шакл, инсон характерининг шаклланишини, шахс дунёқарашидаги асосларни адабиёт томонидан ўзлаштирилиш шаклидир. Психологизмнинг маърифий-муаммовий ва бадиий қиммати, энг аввало, шунда кўринади”<sup>18</sup>. Баъзи тадқиқотчилар: “қаҳрамонлар психологик ҳаётини унинг чуқур зиддиятлари фонида текшириш”ни тушунган ҳолда, муаллиф, китобхон ва қаҳрамон психологиясини бир-биридан фарқлаш зарур” лигини таклиф қилишади<sup>19</sup>.

Келтирилган иқтибослар масалани изоҳлашдаги хилма-хилликни, адабиётшунослиқда психологизм муаммосига ёндашувлар ҳар томонлама кечеётганини ва бу терминнинг кенг ва тор маънолари борлигини кўрсатади. Бизнингча, психологик таҳлил бобидаги маҳоратни белгилашда мазкур таърифлардан бадиий асар табиатидан келиб чиқувчиларигина энг муҳимлари ҳисобланишга лойиқ. Айнан шу хусусият ва критерийларни белгилаб олиш ва уларни бадиий психологизмга хос янги хоссалар билан бойитиш у ёки бу бадиий асар яратилишининг қонуниятларини ўрганишда қўл келади.

Масала моҳиятини узил-кесил белгилаб олишнинг мураккаблиги психологизмнинг мазмуний-шаклий сифатлари билан изоҳланади. Агар адабиётшуносларнинг аксарияти (А.И.Павловский, Ф.М.Хатипов, А.Б.Есин)

<sup>16</sup> Иезуитов А. Н. Проблемы психологизма в эстетике /литературе. // Проблемы психологизма в советской литературе. – Л.: 1970. – С. 30.

<sup>17</sup> Уэллек Р. и Уоррен О. Теория литературы. – М.: Прогресс, 1978. – С. 95.

<sup>18</sup> Есин А.Б. Психологизм русской классической литературы. – М.: 1988. – С. 176.

<sup>19</sup> Андреев А.Н. Целостный анализ литературного произведения: учеб. пособие для студ. вузов. – Минск: НМЦентр, 1995. – С. 81.

қаҳрамонлар ички оламини бадиий тасвирилаш усулини психологизм деб ҳисоблашса, унинг бугунги адабий-назарий тушунчалар ва асар кўп қатламлилиги тизимида тутган ўрнини белгилашга бўлган уринишлар етарли самарани бермайди. Модомики, муҳокама доирасига бадиий тасвир ва ифода воситалари (портретлар, психологик пейзаж ва деталлар) ҳамда “предметлар олами билан боғланмаган, тасвирийлиги яққол кўриниб турмайдиган нарсалар – персонажлар руҳиятини ифодалаш”<sup>20</sup> ҳам киради. Персонажлар руҳиятини ифодалашнинг ўзини баъзилар услугга (А.Б.Есин), айримлар образли мазмунга (И.И.Виноградов), бошқа бирорлари шаклий-мазмуний сифатга хос хусусият дея тушунишгани учун ҳам бу борада аниқ бир тўхтамга келиш мураккаблашади.

Шундай қилиб, бадиий психологизмнинг аниқ критерийларини яратишдаги қийинчиликлар (1) “психологизм”, “психологик таҳлил”, “психологик тасвир” тушунчаларининг қоришиб кетиши<sup>21</sup>; (2) психологизмни бадиий асарнинг таркибий қисми, аслий сифати ёки даражаси сифатида қатъий белгилаш; (3) психологизм ва риторик учбурчак (муаллиф – қаҳрамон – китобхон) ўртасидаги ўзаро муносабатни аниқлашдаги ноаниқликлар билан шартланади.

Адабиётшуносликдаги психологизм муаммосига бағишлиланган ишларни бир-бирига чоғишириш: назарий ёндашувларда яқдиллик йўқлигини; асарлардаги индивидуал-муаллифлик психологизми масалалари юзасидан ишларнинг сероблигини; XIX адабий психологизмининг энг кўп ишланганлигини; XX аср психологизми ва унинг жаҳон адабиётидаги динамикасига бағишлиланган қиёсий-тариҳий ишларнинг мавжуд эмаслигини кўрсатди.

<sup>20</sup> Кормилов С.И. Теоретическая система Г.Н.Поспелова и проблема современной системы теоретико - литературных понятий // Вестник Московского университета. Сер. 9. Филология. – 1995. № 3. – С. 8.

<sup>21</sup> Ф.М.Достоевский ҳақидаги тадқиқотида О.Н.Оスマловский тубандаги дифференциацияни таклиф қилади: психологик таҳлил (“руҳиятни бадиий-мантикий ажратиш ва тушунтириш”), руҳий тасвир (“қаҳрамонларнинг хис-туйғу ва кечинмаларини образли тасаввур этиш”), психологизм (“инсон психологияси, уни англаш ва ифодалаш методлари тўғрисидаги назарий тушунча”) // Оスマловский О.Н. Достоевский и русский психологический роман. – Кишинев: Штиинца, 1981. – С. 160.

Психологизмнинг янги қиёфасини унинг алоҳида ёзувчилар ижодидаги варианларини ўрганиш, сўнгра уларни солиштириш (мазкур ҳолатда XX аср адабиётидаги психологизм феноменига алоҳида эътибор қаратилиши лозим) орқалигина тушуниб етиш мумкин. Ўйлашимизча, муаммони ишлашда XX аср адабиёти тараққиётидаги сифат ўзгаришлари ва бошқа қонуниятларни ҳисобга олиш ҳамда матндаги психологик мазмунни талқин қилишнинг янги амаллари мажмуи ишлаб чиқилиши зарур.

*Демак, умумлаштириб айтганда, бадий психологизм – инсон ички ҳаётининг муаллиф таянадиган тушунчалар, унинг шахс ҳақидаги масаввурлари ва коммуникатив стратегияси билан шартланган бадий – образли, тасвирий – ифодавий тикланиши ва ижодий қайта ишланишидир. Психологик тасвир деганда эса, персонаж жисмоний жиҳатлари (ҳистийгулари, кечинмалари, ҳолатлари) ва унинг маънавий-психологик оламидан чиқиб келадиган шахсий тажрибасининг бадий тадқиқини тушунамиз.*

Шу ўринда, тадқиқотимизнинг методологик талабларидан келиб чиқиб, психологик таҳлил масаласига ҳам тўхталиб ўтиш зарурати бор. Чунки психологик таҳлил ҳам ижодий методга, ҳам адабиётшунослик методологиясига тегишли категория ҳисобланади. Психологик таҳлил моҳият эътибори билан комплекс характерга эга бўлиб, ундан ёзувчи қаҳрамон руҳиятини очиш учун фойдаланиши, талқинчи (синчи, тадқиқотчи) эса бадий асарни текширишда психологик таҳлил методи ёки психоанализдан фойдаланиши мумкин.

Француз психологик романи тадқиқотчиси Н.В.Забабурова психологизмни ўрганишда асарни даражама-даражада таҳлил қилишни кўзда тутувчи комплекс ёндашувни таклиф қиласди<sup>22</sup>:

1) психологик муаммо тури. У муаллиф дунёқараши ва бадий тафаккурини белгиловчи ноадабий (тарихий-ижтимоий, фалсафий, илмий) ва

<sup>22</sup> Забабурова Н.В. Французский психологический роман (эпоха Просвещения и романтизм). – Ростов-на-Дону: Изд. Ростовск. Ун-та, 1992. – С. 11.

адабий (адабий анъаналар, ёзувчи мансуб муайян адабий оқимнинг эстетик концепцияси ва бошқ.) омилларнинг таъсирини акс эттиради. Мазкур проблематика психологизм учун жиддий аҳамият касб этадиган масала – асарнинг қайси жанрда ёзилиши мақбуллигини кўп жиҳатдан таъминлайди;

2) муайян давр ва ижтимоий муҳитга мансуб шахс концепциясини вужудга келтиради (бадиий мазмунда ва ичкини рӯёбга чиқариш шаклларида амалга ошади);

3) бадиий тизим ва ижодий метод муносабати юзага келади (бадиий психологизм усулларининг тарихий типологияси ижодий методлар тадрижий тараққиёти билан ўзаро таққосланади);

4) поэтика даражаси (бадиий савия) эътиборга олинади.

Бундай ёндашувнинг алгоритмик жиҳатдан мақсадга мувофиқлигига эътиroz билдириш мумкин, албатта. Лекин шуниси аёнки, у ёки бу асардаги психологизм таҳлилиниң маҳсулдорлиги бадиий матн ва уни кўриб чиқишининг яхлитлигига йўналганлиги (А.П.Скафтиков, Ю.М.Лотман, М.М.Гришман, А.Н.Андреев) билан боғлиқ. Психологизмнинг тизимли табиати уни фрагментар тарзда ўрганишга йўл бермайди. Шунинг учун ҳам “бадиий матнни унинг барча томонлари, компонент ва даражалари билан жамулжамлиқда кўриб чиқиши тусмолловчи”<sup>23</sup> филологик таҳлил унинг муқобили сифатида таклиф қилиниши мумкин. Бундай таҳлилнинг вазифасини В.А.Маслова шундай белгилайди: 1) асар алоҳида унсурларининг ўзига хослиги ва уларнинг яхлитлигини аниқлаш; 2) матнга ҳам адабиётшунослик, ҳам лингвистик жиҳатдан ёндашувларни бирлаштириш; 3) унинг “шу матнни яратган муаллиф билан ҳам, уни ўқиши мўлжалланган китобхон билан ҳам ўзаро муносабатини аниқлаш”<sup>24</sup>.

Янги замон психологизмининг сифат жиҳатдан ўз кўринишини ўзгартирганлиги ғоясидан (қаҳрамон психологиясини аниқлашнинг характер инқирози, хронотоп, рамзий, мифологик йўсинлари) келиб чиқиб, эндиликда

<sup>23</sup> Маслова В.А. Лингвистический анализ экспрессивности художественного текста. – Минск, 1997. – С.

<sup>24</sup> Маслова В.А. Ўша асар. – С. 5.

асарнинг турли-туман маъно қатламлари ўзаро нисбатининг психологик ўзига хослигини тизимли бир тарзда аниқлаш имконини берадиган йўлни танлаш зарур бўлади. Масаланинг бу тарзда қўйилиши ўз-ўзидан ижодий метод ва адабий жанрлар муносабатининг бадиий психологизмда намоён бўлиши ҳақидаги дастлабки хulosани келтириб чиқаради.

Романтизм даврида психологизм алоҳида намоён бўла бошлаган бўлса, кейинчалик роман жанрида шахс мустақил, ривожланувчан, ўзининг ички қонунларига биноан ҳаракатланадиган бўлди. Бора-бора романларда Н.Чернишевский томонидан Л.Толстой ижодига нисбатан таърифланган “қалб диалектикаси” бўй кўрсатди. Бу билан ёзувчи томонидан қаҳрамон психологик эволюциясининг нафақат ибтидо ва интиҳоси, балки бир ҳиснинг бошқасига драматик тарзда кўчиб юришининг тасвирланиши ҳам назарда тутилган эди. Бадиий адабиётда психологизм ёзувчи маҳоратини юзага чиқарадиган асосий услугга айланиб боргани учун ҳам адабиётшунослар томонидан атрофлича ўрганила бошланди ва муайян методологик асосни ташкил этувчи назарий тадқиқотлар яратилди. В.М.Жирмунский, Л.Я.Гинзбург, И.В.Страхов, А.Б.Есин, Б.А.Успенский каби рус адабиётшунослари кўплаб тадқиқотлар яратишиди.

Л.Я.Гинзбург “Психологик таҳлил тўғридан-тўғри муаллиф ёки қаҳрамонлар ўз-ўзини тафтиш қилиши шаклида ёки билвосита – қаҳрамонлар хатти-ҳаракатини, кечмишларини тасвирлаш орқали амалга оширилади”<sup>25</sup>, дея фикр билдирса, И.В.Страхов психологик таҳлилни характерларни тасвирлашнинг “ботиний” (ҳаракатдаги шахсларнинг ички нутқ, хотира образлари ва тасаввурлари орқали ифодаланадиган ички оламини кашф этиш) ва “зоҳирий” (нутқ, нутқий ўзини тутиш, мимика ва психиканинг ташқида акс этадиган бошқа воситалари ифодавий ўзига хослигининг ёзувчи томонидан талқин этилиши) турларига ажратади<sup>26</sup>. И.В.Страховнинг фикрига кўшилган ҳолда, адабиётшунос А.Б.Есин психологик таҳлилнинг учинчи –

<sup>25</sup> Гинзбург Л.Я. О психологической прозе. – М.: Intrada, 1999. – С. 347.

<sup>26</sup> Страхов И.В. Психологический анализ в литературном творчестве: пособ. для студ. /В 5 ч./ – Саратов: Изд. Саратовского университета, 1973. – Ч. 1. – С. 4.

“жамловчи-белгиловчи” (суммарно-обозначающей) шакл билан тўлдиришни таклиф қиласи (персонаж фикрлари ва туйғулари ҳақида ички оламда кечеётган ўша жараёнларни қисқача тавсифлаш, белгилаш орқали китобхонга хабар бериш усули)<sup>27</sup>. Эътибор берсак, адабиётшунослар психологик таҳлилнинг уч асосий – бевосита, билвосита ва “жамловчи-белгиловчи” шаклини таснифлашади.

Бадиий психологизмнинг XIX ва XX асрдаги жаҳон насли намуналари тадқиқи, баъзи ҳолларда ижтимоий тузумлар, инқилобий қарашлар, концерватив кўрсатмалар асосида шаклланган назарий критерийлари замонавий ўзбек адабиёти намуналарида ҳам муайян даражада ўз аксини топган. Хусусан, Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Ойбек романларида психологик тасвирнинг нисбатан анъанавий – диалогик зидлов, чоғиштирма, монологик таҳлил шакллари, Абдулла Қаҳҳорда адабий қаҳрамоннинг ботин коллизияси, Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодировлар наслида реал тарихий вазият ва инсон ботинининг муштарак бадиий таҳлили, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам ва Аҳмад Аъзамларда шахс психологиясининг дифоник ва полифоник тасвирлари, Назар Эшонқул, Исажон Султонларда эса метафоризациялаштирилган психологик тасвир тамойиллари кўзга ташланади. Буларнинг барчаси замонавий ўзбек наслида бадиий психологизм тамойилларининг ўзгариб, ривожланиб борганини кўрсатиши билан бир қаторда, ўз адабий муҳити доирасида бадиий психологизм принципларига сезиларли янгиликлар қўшганидан далолат беради. Тадқиқотимиз обьекти бўлган ёзувчи Улуғбек Ҳамдам романларида эса қайд этилган анъаналарнинг синтезлашуви билан бирга, кенжা авлод вакилларига хос психологик тасвир серқирралилиги, жаҳон тажрибалари воситасида янгиланиш тамойиллари кузатилади.

Улуғбек Ҳамдам “Ёлғизлик” (1998), “Узокдаги Дилнурा”(2010) каби қисса ва ҳикоялар тўпламлари, “Мувозанат”(2002), “Исён ва итоат”(2004),

<sup>27</sup> Есин А.Б. Принципы и приёмы анализа литературного произведения. Учебное пособие. – 3-е изд. – М.: Флинта-Наука, 2000. – С. 126.

“Сабо ва Самандар” (2008), “Йўл” (2017) сингари романлари билан кенг китобхонлар, адабиётшунос олимлар эътиборини жалб қилаётган адибдир. Ёзувчининг романчиликдаги илк тажрибаси – “Мувозанат” романнда миллий тарихнинг муайян даври кесимида халқимиз ҳаётида юз берган бурилиш паллалари, тақдир йўли мураккаб замонда кечган одамлар руҳиятидаги эврилишлар мустақиллик даврининг қайноқ кайфияти билан уйғунлашиб, эпик кўламдорлик ва бадиий-публицистик йўсинда эпик тасвир этилди. Муаллиф номи Л.Бўрихон, И.Султон, А.Йўлдош сингари ўз замондошлари билан бир сафда саналиб, айрим насрий асарлари, хусусан “Мувозанат”нинг саҳна варианти ҳам юзага келди. Адиб романлари монографик тадқиқотлар доирасида илмий-назарий таҳлилга жалб этила бошлади.

Бизнингча, ёзувчи битикларини ижодий индивидуаллик, поэтик шакл ва услугуб ўзига хослиги, адабий қаҳрамон яратиш ҳамда характерлар руҳиятини бадиий таҳлил ва тадқиқ этиш маҳорати – “бадиий психологизм” нуқтаи назаридан яхлит адабий жараён негизида монографик планда ўрганиш фоят муҳимдир. Чунки тўлақонли инсон образини яратишнинг муҳим воситаларидан бири бўлган бадиий психологизм иккита муҳим мақсаднинг бевосита (муаллиф баёни) ёки билвосита (“ички монолог”, “онг оқими”) тарзда юзага чиқади. Бадиий психологизмнинг барча усул ва воситалари орқали: а) қаҳрамон руҳияти очиб берилади; б) персонаж фикр-ўйлари, ҳистойғулари, хатти-ҳаракатлари ва нутқи индивидуаллаштирилади, психологик асосланади. Бадиий психологизм муайян персонаж руҳияти тасвирида ўзаро қоришиқ ҳолда намоён бўлса-да, улардан бири доминантлик қилиб, бошқалари эса шу етакчи тамойилни тўлдириб, конкретлаштириб келади.

Кейинги йиллар ўзбек романларида бадиий психологизм ва психологик талқинлар нисбатан қуюқлашди. Бинобарин, У.Ҳамдам романларидаги руҳият тасвири масаласини тадқиқ этиш жорий адабий жараёнда намоён бўлаётган инсон психологиясини очиб бериш, шахсни турли фалсафий мезонлар асосида таҳлил қилиш восита ва усуllibарини теранроқ тушунишга

хизмат қилади. Бу жиҳатлар бадиий психологизм критерийлари асосида кузатилганда қуидагича намоён бўлади:

1. Муайян ҳаётий вазият-ҳолатларда персонажнинг ўзини тутиши драматик асарлардаги сингари унинг хатти-ҳаракат ва гап-сўзлари орқали очилса, динамик принцип (драматургик усул) амал қилади. Бу хусусият ёзувчининг илк романи – “Мувозанат”да яққол кўринади.

2. “Исён ва итоат” типидаги романларда типологик принципга асосланилгани учун персонажлар руҳияти улар шаклланган ва ҳаракатланаётган муҳит, шарт-шароит билан боғлиқликда тасвирланади. Воқеликнинг муаллиф ва асар қаҳрамони тасаввурида метафорик қабул қилиниши ва бадиий ифода этилиши фаол кузатилади.

3. Персонаж кўнглидаги ҳис-туйғулар, онгидаги фикр-ўйларнинг табиий, ижтимоий-генетик илдизлари – “қалб диалектикаси” изчил ва атрофлича тасвирланган ҳоллар: масалан, “Сабо ва Самандар”, “Йўл” романларида аналитик принципга амал қилинади. Зотан, барча ҳис-туйғу ва фикр-ўйлар бири иккинчисидан тадрижий ўсиб чиқиб, бир-бирини тўлдириб, изоҳлаб, сифат жиҳатидан ўзгартириб, кучайтириб боради. Бунинг натижаси ўлароқ, роман қаҳрамонининг кўнгил ҳоллари ҳамда дунёқарашига монанд қилмиши ва қисматидаги кескин бурилишларни тайёрлаш, ишончли, холис тасвирлаш имконини юзага келтиради.

XX аср адабиётида психологик тасвирнинг ўтган аср адабиёти томонидан ўзлаштирилган усул ва йўсинларидан кенг фойдаланилди. Хусусан, персонажнинг ташқи белгилари унинг портрети ёки макон, интерьер билан муносабати орқали тасвирланган ҳолатлар тасвири бугунги ўзбек романларида ҳам изчил давом эттирилмоқда. Буни Улуғбек Ҳамдамнинг романлари мисолида тушунтиrsак, қуидаги парчага мурожаат қилиш лозим: «Қишлоқ. Ёз. Ариқ бўйида соч ёйиб турганрайхону жамбилдан узиб ҳидлаганча беш-олтита одам гаплашиб ўтиришибди. Вакти-вақти билан рўпарадаги эшикка қараб-қараб қўйишади. Ичкарида эса оқ яктаги, бошидаги дўпписи ўзига бирам ярашган, чўққи соқол одам

қаршисидаги ўзи тенгқур оқсоқолнинг томир уришини эшитиб кўриб дардини айтиб турибди»<sup>28</sup>. Бу ерда ёзувчи макон ва замон (*Қишлоқ. Ёз. Ариқ бўйи, эшик,*) тасвири ҳамда психологик портрет (*оқ яктағи, бошидаги дўпписи ўзига бирам ярашган, чўққи соқол одам*) усули ёрдамида образларнинг психологияси очиб берган. Чунки қишлоқ ва оқсоқол дейилганда аксарият ўқувчи тасаввурига тажрибали, ҳаётдан мамнун, самимий, аҳил, меҳр-оқибатли одамлар келади. Ёзувчи психологик портрет усули билан табибнинг ички оламини ҳам очиб берган. Оқ яктак, дўппи ва чўққи соқолли одам миллий характердаги ўзбек кишиси ҳисобланиб, аксарият кишиларда ўзига нисбатан ҳурмат уйғотади. Демак, ёзувчи халқ психологияси ва романдаги психология ўртасидаги муносабатни тўғри шакллантирган. Натижада асар ўқувчи онгига ҳам таъсир этадиган даражада тасвирларга бой чиқсан.

Шу билан бирга бу ерда ҳикоя қилувчи “нуқтаи назари” ва ҳикоя субъектлари нуқтаи назарларининг муносабати психологик жиҳатдан ўзига хос аҳамият касб этади. Чунки тасвирдан аниқ бўлишича, ёзувчининг позицияси (нуқтаи назари) ижобий дейиш мумкин. Лекин парчадан кейин келадиган бадиий информация (“–Эшитдингизми, йўқми, бугун шогирдингиз чиқибди, – табиб узатган дори халтачаларини оларкан, сўраб қолди кекса bemor”)<sup>29</sup> персонажлар нуқтаи назари, психологияси ҳақидаги маълумот беради. Демак, табибнинг шогирди (Акбар) қамалиб чиқсан, табиб уни шогирд сифатида яхши кўради, ишонади. Ана шу икки жиҳат романдаги психологик хаританинг умумий тасвирини баён қиласди. Чунки асаддаги ёзувчи психологияси ижодий концепциядан келиб чиқиб, персонажлар психологияси, характеристидан фарқ қилиши табиий.

Аслида “нуқтаи назар” категорияси адабиётшунос Б.А.Успенскийнинг ташқи ва ички психологик нуқтаи назарлар ҳақидаги концепциясига кўра, психологизмнинг асосий турлари – бевосита ва билвосита психологизм

<sup>28</sup> Ҳамдам, Улугбек. Ватан ҳақида қўшиқ. Исён ва итоат. – Тошкент: Akademnashr, 2014. – Б. 285.

<sup>29</sup> Келтирилган манбаа. – Б. 286.

асосида шаклланади<sup>30</sup>. Олимнинг мазкур фикри нисбатан кенг қамровли бўлиб, тил (асар тили) нуқтаи назаридан олинса, диалогни объектив психологизм, монолог эса субъектив психологизмга киритиш мумкин. Чунки сухбат давомида персонажлар нисбатан аниқроқ, объективроқ бўлган мавзу бўйича гаплашади. Монологда эса қўпроқ субъективлилик етакчилик қиласди. Бироқ, Б.А.Успенскийнинг психологик усулларни бундай таснифлаши нисбийликка, тўлдирилиш лозим бўлган ўринларга эга. Чунки ички олам тасвири ёки ташқи тасвир, персонаж ва ёзувчи-ўқувчи нуқтаи назари каби кўплаб факторларни фақат субъектив ва объектив деб иккига ажратиб қўйиш, жўн ҳодиса бўлиб қолган. Ахир, ҳар бир персонажнинг маълум ҳолат, психологик кайфият каби вазиятлардаги ўрни турлича бўлади ва уларнинг портрети ёки асардаги бадиий-эстетик функциясини ёритиш ҳам рангбаранг бўлиши табиий. Зеро, ҳаётнинг ўзи шу қадар рангбанг ва турфалиги билан гўзал ҳисобланади. Демак, ижтимоий-тарихий вазият, макон ва замон, шахс ва жамият, одам ва олам муносабатлари инобатга олинса, психологизмга оид усуллар, воситалар турлича бўлиши мумкин. Бундан ташқари, бадиий асардаги психологизм реал психологизмга ҳамма вақт ҳам мувофиқ келавермайди. Бунда эса психологизм бадиий-эстетизм усулларига соя солиши ҳам мумкин.

Ўзбек адабиётшунослигига XX аср бошларидан бошлаб бадиий асардаги психологизм ҳакида қатор фикрлар билдирилиб келинади. Масалан, Миён Бузрук романга қўйган талаблардан бири, айнан, “психологик таҳлил ва табиий тасвир андозаси” бўлади<sup>31</sup>. А.Алимухаммедов эса “Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида психолок тасвир” мақоласида сюжет, образ ва айрим деталлар ўртасидаги психологик мутаносиблик, уларнинг сўз (услуб)да ифодаланиши масалаларига алоҳида эътибор қаратади<sup>32</sup>. Кейинчалик қатор

<sup>30</sup> Успенский Б.А. Поэтика композиции. Структура художественного текста и типология композиционных форм. – СПб.: Азбука, 2000. – 224 с.

<sup>31</sup> Миён Бузрук. Мехробдан чаён: мавзуси, синфий туси ва тузулиши жиҳатданг текширилишдир // Ўзбек адабий танқиди: антология. – Тошкент: «Turon-Iqbol», 2011. – Б.15.

<sup>32</sup> Алимухаммедов А. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида психолок тасвир. // Ўзбек адабий танқиди: антология. – Тошкент: «Turon-Iqbol», 2011. – Б. 51-64.

олимлар тадқиқотларида бадий психологизм асар тили, нутқ ва унинг турли шакллари мисолида тадқиқ этилди. Жумладан, М.Қўшжонов, И.Султон, С.Мамажонов, С.Мирвалиев тадқиқотларида бадий психологизм ҳақида турли даражаларда фикрлар билдирилган. Ўтган асрнинг 80-90 йилларида эса А.Рахимов, Н.Шодиев, У.Норматов, Й.Солижонов, Ҳ.Умурев, П.Қодиров, каби қатор олимлар психологизм бўйича изланишларни янги босқичга олиб чиқишиди. Мустақиллик йилларида эса Й.Солижонов, Т.Жўраев, Д.Тўраев, А.Холмуродов<sup>33</sup> каби олимлар роман, қисса ва ундаги бадий психологизм усулини турли аспектлардан таҳлил этишган.

Н.Шодиев “Сароб” романини тадқиқ этиб, ушбу асарда янги – “ичдан кўрсатиш” принципи зухур бўлганини таҳлилий асослайди. Бунда тадқиқотчи М.Храпченконинг “Лев Толстой ижоди таҳлили” ҳамда бадий психологизмда “қалб диалектикаси” принципини кашф этган Н.Г.Чернишевскийнинг ҳар бир ёзувчи ижодида психологик тасвирнинг бир неча йўналишлари бўлишини ва улардан бирининг ижодда етакчи ўрин тутиши ҳақидаги фикрларига таяниб психологик таҳлилнинг аналитик, динамик ва типологик принципларига алоҳида ургу беради.

Аналитик принципда образ ички дунёсининг ташқи қиёфа, ҳолат ва хатти-харакатлардаги кўринишини тасвирлаш, яъни “воқеалар тафсилоти”нинг тасвирига нисбатан “хис-туйғулар тафсилоти” биринчи ўринга чиқади. Қаҳрамонда кечадиган жараёнлар, бу жараённинг муттасил ўзгарувчанлиги, фикрлар, ҳислар ва кечинмаларнинг ривожи кенг таҳлил этилади.

Динамик принцип – асарда образнинг ташқи қиёфа, ҳолат ва хатти-харакатда намоён бўлишини тасвирлашdir.

<sup>33</sup> Шодиев Н. Руҳият рассоми. – Тошкент: «Фан», 1977; Умурев Ҳ. Бадий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. – Тошкент: «Фан», 1983; П. Қодиров. Ўйлар. – Тошкент: Ф.Ғулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1971, У.Норматов. Талант тарбияси. – Тошкент: «Ёш гвардия», 1980; Норматов У. «Ўтган кунлар» ҳайрати. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1996. Тўраев Д. Ўзбек романларида бадий тафakkur ва маҳорат муаммоси. – Тошкент: «Университет», 2001. Холмуродов А. Роман ва руҳият. – Тошкент: «Адабиёт ва санъат», 1999 ва бошқалар.

Д.Тўраев «Ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси» номли монографиясида “долзарб мавзу ҳам, турмуш материали ҳам, романдаги табиат тасвири ҳам, қаҳрамонлардаги ўз касб – корига доир чуқур билим баёни ҳам – агар етук характерлар, даврнинг бадиий типлари даражасида кўринмас экан, асарнинг умрбоқийлигини таъминлай олмайди», дея персонажларнинг ҳам ижтимоий, ҳам психологик индивидуаллигига жиддий талаб қўяди<sup>34</sup>. Адабиётшунос Ҳ.Умиров эса М.Храпченко таклиф этган типологик принцип бирмунча сунъий эканлигини асослаб беради. Олим ўзбек романчилиги мисолида психологизмнинг аҳамиятини таҳлил эта туриб “Бадиий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги” китобида турли йўналишдаги принциплар уйғунлашган ҳолда қўлланилиши натижасида алоҳида синтетик принцип намоён бўлишини очиб беради.

Профессор Й.Солиҷонов ўз тадқиқотларида XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насирида бадиий нутқ поэтикаси ҳақида сўз юритаётib, монологик ва диалогик нутқ орқали шахс ички оламнинг кашф этилиши асар поэтикасини ифодаловчи восита эканлигига дикқат қиласди<sup>35</sup>. А.Холмуродов эса “Роман ва руҳият” монографиясида ёзувчи О.Ёқубов романлари мисолида психологизм муаммоларини ўрганади ва адабиётшунослар томонидан таҳлил этилган психологик таҳлилнинг динамик, аналитик, типологик, синтетик ва ичдан кўрсатиш принциплари хусусида умумий хulosалар билдиради.

Адабиётшунос олим Б.Карим “Адабиётшунослик методологияси” ва “Руҳият алифбоси” номли китобларида бадиий психологизм, унинг метод даражасига ўсиб чиққанлиги, мазкур методнинг ўзига хос томонлари ҳақида илмий-назарий фикрлар билдирилган<sup>36</sup>. Хусусан, олим мазкур метод XIX асрнинг 70-80 йилларида Ғарбий Европа ва Россияда яратилганига эътибор бериб, унинг яратувчилари анъанавий методлар имкониятларини қайта кўриб

<sup>34</sup> Тўраев Д. Ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси. – Тошкент: «Университет», 2001. – Б.28.

<sup>35</sup> Солиҷонов Й. XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насирида бадиий нутқ поэтикаси. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент: ТАИ, 2002. – 302 б.

<sup>36</sup> Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Тошкент: Мухаррир, 2011.- 88 б.; 2) Карим, Баҳодир. Руҳият алифбоси. – Тошкент: F.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 364 б.

чиқишиганини, бунда «ёзувчининг эмоцияларига, ижоднинг психологик жиҳатларига, энг муҳими – авторнинг психологик-маънавий дунёси ҳамда ижод жараёнига ва бу жараёндаги психологик ҳолатларга эътибор қаратиш лозим»лигини таъкидлайди<sup>37</sup>.

Келтирилган манбаларда психологик таҳлилнинг динамик, аналитик, синтетик ва ичдан кўрсатиш принципларига алоҳида урғу берилган. Психологизм асар муаллифи томонидан қаҳрамон ички дунёсини, унинг хис ва фикрлари ҳаракатини, онгли ва импульсив тўлғанишларини бадиий кашф этишда қўлланиладиган поэтик воситалар тизимидан иборат насрнинг ўзига хос хусусиятлари экан, айни пайтда, психологик тавсифда шахснинг индивидуаллаштирилган қирралари устунлик қиласди. Масалан, “Ёзнинг жазирамаси аллақачон бошланган. Қишлоқдаги ишлар авж палласида: ким экин-тикин – сугоришу ўтоқ-чопик билан ким чорва билан банд. Ҳатто мусича, чумчук, қалдирғоч, қарқунок... каби бу юртнинг доимий қушлари ҳам эрталабдан ўз қўшиқларини бошлишган, гўё четда қўл қовуштириб туришни ўзларига эп кўришмайди. Фақат Амирнинггина кўнглига бу қўшиқлар сигмайди – ўз оламига батамом ғарқ бўлган. Бола-чақа, рўзгор, мол-ҳол, бозор-ўчар – ҳамма-ҳаммаси Гулшоданинг гарданида. Амирнинг саҳардан кечгача қиласидан иши – таҳорат олиш, намоз ўқиши, масjidдагиларга “Тарихи Муҳаммадия” китоби-дан ўқиб бериш, ора-сирада бошқа ўқиганларини қўшиб ваъз айтиш, диний китоблар, хусусан, Куръон тафсирлари, “Баҳоуддин балогардон”, “Ғавсул Аъзам” каби асарларнинг мутолааси ... Худонинг берган куни рўза тутади. Кам ухлаб, кам ейди. Соқолини ҳафтада, баъзан ойда бир олади”<sup>38</sup>. Мазкур парчада “Мувозанат” романи қаҳрамони Амир психологияси майший планда намоён бўлади. Табиат, жамият ва оиладан иборат учлик ташкил этган турмуш, меҳнат ва ривожланиш симфониясидан айро тушган, ўзининг ботиний истаклари, яшаш тарзи билан қаҳрамон табиати шу тарзда очиб борилади. Бунда ёзувчи

<sup>37</sup> Карим, Баходир. Руҳият алифбоси. – Тошкент: F.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Б.178.

<sup>38</sup> Ҳамдам, Улугбек. Ватан ҳакида қўшиқ. Мувозанат. – Тошкент: Akademnashr, 2014, - Б.108.

қаҳрамон психологияк қиёфасини тасвирилашда, асосан, бадий баён усулидан фойдаланган. Қаҳрамон психологик портрети, характер индивидуаллигини ёритиб беришда муайян ҳолат, ҳаракат ва деталлар тасвири қўл келган. Масалан, “үқиб берииш”, “ваъз айтиши”, “диний китоблар мутолааси”, “рўза тум” иш, “кам ухлаб, кам ейши”, “соқолини ҳафтада, баъзан ойда бир олиш” каби иборалар бунда муҳим портрет шакллантирувчи психологик восита вазифасини бажарган.

Бадий асар психологизми ҳақида фикр юритилганда, аввало, бадий сўз, жумла, монолог, қаҳрамонлар ҳис-туйғу, кечинма ва фикрларининг муаллиф томонидан баён қилиниши назарда тутилади. “Сўз тилнинг предмет, ҳодиса, воқелик муносабатлари ва уларнинг хусусиятларини аташ учун хизмат қиласиган асосий структур-семантик яхлитлигини намоён этади. Сўз бирикмаси ҳам предмет, ҳодиса, жараён, сифатларни аниқлаштириш воситаси ҳисобланади”<sup>39</sup>. Юқоридаги парчада ҳам муаллиф нутқи орқали персонажнинг ташқи белгилари чизиб берилар экан, аввало, унинг ички оламидаги ўзига хосликларга дикқат қилинади. Натижада шундай сўзлар тизмаси йўсинидаги бадий баён юзага келади.

Масалан, “Баҳор, кунлар илиқ, эсаётган шабадалар илиқ. Шундай бир илиқликки, ўсиб-унмоққа, кулиб-қувноқмоққа ундейди. Айниқса, апрелда, дарахт ранго-ранг: яшил, оқ, пушти, бинафшаранг … либос кийганда. У гулдан бу гулга асаларилар ғўнғиллаб учиб юрганда, атрофни муаттар бўй, хуш манзара босиб кетди. Бутун оламда улуғвор кўтарилиш, ҲАЁТ деб аталмиш маънони ўзида жамлаб, янги куч, янги ғайрат, янги умид ва янги ҳаяжонлар билан олдинга талпиниш юз берганди...”<sup>40</sup> Баён қилишда ёзувчи пейзаждан фойдаланаар экан, унга баҳор, илиқлик, дарахт, япроқ, гуллар, рангларни киритади. Бу эса мазкур фаслда Захро ва унинг қалбида рўй бераётган ўзгариш, ҳаёт деб аталмиш неъматдан тўлақонли шахс сифатида татиб кўришга интилиш борлигини ифодалайди. Бу тасвир орқали ёзувчи,

<sup>39</sup> Белянин В. П. Психолингвистика. – М.: Флинта, 2003. – С.108 (228 стр)

<sup>40</sup> Ҳамдам, Улуғбек. Ватан ҳақида қўшиқ: Мувозанат. – Тошкент: Akademnashr, 2014, – Б. 243.

оилали, турмуш шароити бошқаларнидан яхши аёл учун миллий менталитетга ёт психологияни беришга интиладики, ментал талабларга кўра бу уят саналади. Пировард-оқибатда Захронинг орзулари баҳор гуллари каби узоқ турмайди, сўна бошлайди. Шу йўл билан ёзувчи персонаж руҳиятини, аёл сифатида ҳаётдан баҳра олишга интилишини айнан пейзаж психологияси билан уйғунлаштиради. Бундай тасвири беихтиёр ўқувчига ҳам юқади, таъсир этади.

Композицион-ҳикоя қилиш шакллари орасида нафақат персонаж томонидан англанган фикр ва кайфиятлар, балки унинг қалбидаги англанмаган, “ҳар ерда ҳозиру нозир” муаллифгагина маълум бўлган ҳаракатларни ҳам етказа оладиган учинчи шахс тилидан ҳикоя қилиш етакчилик қиласи. Табиийки, бундай ҳикоя усули орқали инсон ички олами кенгроқ очиб берилади. Шундай экан, психологизм, авваламбор, бадиий-эстетик қимматга эга эканлиги, муаллиф аксиологияси ва дунёқарашининг кўрсаткичи сифатида аҳамият касб этади. Бадиий адабиётда инсон ички олами ўзига хос талқин этилади.

Евropa олимлари бадиий психологизмнинг АҚШ, Франция, Буюк Британия, Германия, Австрия каби мамамлакатлар адабиётшунослигига психопоэтика деб аталишига урғу беришади. Бадиий матн талқиннинг турли назарий критерийларини қайд этишади<sup>41</sup>: 1. Ўхшашлик модели – кўпинча психокритицизм шаклидаги ва бадиий образларнинг шоир (ёзувчи – Б.Ш.)нинг кечинмалари билан тўғридан тўғри алоқага асосланади. Ижодкорнинг болалигига қайтиш ёки яхши кунларини эслаш орқали бадиий асарга кўчади. Бу З.Фрейд ишларида кўпроқ кўринади. 2. Тиббий моделга кўра, бадиий матн бадиий асар муаллифи характеридаги психологик белгиларни кўрсатувчи ҳужжат сифатида қабул қилинади. 3. Герменевтик моделда эса бадиий матн рамзий тил белгиларини изоҳлаш ва очишни назарда тутади. Бунда эстетик мулоҳазаларнинг ўқувчига таъсири, уни қабул қилиши ва ижтимоий-тариҳий контекстда тушуниш, бадиий ижод табиати,

<sup>41</sup> Эстетика: Словарь. / Под общ.ред.А.А.Беляева. – М.: Политиздат, 1989. – С. 285-286 (447 с)

бадииятнинг инсонга таъсири механизмлари вазифаси муҳим саналади. Эътибор қилинса, психопоэтикадаги асосий эътибор образ, муаллиф ва ўқувчи учлигига қаратилган. Бу эса роман поэтикасининг асосини ташкил этувчи композиция, сюжет қурилиши, конфликт, образлар тизими каби муҳим унсурлар таҳлилини талаб этади.

У.Ҳамдамнинг “Мувозанат” романида воқеалар баёнини муаллиф тилидан хронокал тартибда берилади, уларнинг композицион қурилиши соддаликдан мураккаблика, қуйидан юқорига тамойили асосида боради. “Сабо ва Самандар” романи композицион қурилиши, баён усули эса бутунлай бошқача қўриниш олган. Булар ҳам асардаги персонажлар руҳиятини очиш ва бунда бадиий психологик усуллардан фойдаланиш тарзи сифатида баҳоланиши мумкин. Аммо, бизнингча, бу ўзига хос йўналиш бўлиб қуйидаги критерийлик хусусиятларини намоён этади: 1) даврнинг инсон ҳакидаги фалсафий ва илмий тасаввурлардан келиб чиқади (инсон психикаси ва уни англаш йўллари ҳакидаги назарий тасаввурлар); 2) инсон концепцияси, бадиий тизим, ижодий метод билан шартланади; 3) муаллиф тақдим этган коммуникация модели билан алоқадор (мисол учун, китобхоннинг руҳият сирларидан боҳабарлиги ёки маънавий тайёргарлигига муаллифнинг ишончи шама, қистирма, матн ости маъноларига эга пичингни қўллаш имконини беради). Шундай қилиб, адабиётда психологизм динамикаси унинг восита ва усулларининг оддийдан мураккабликка йўналтирилган тадрижини англатади.

Бадиий психологизм бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланиб, асар сюжети муаллиф ҳикояси ёки ровий ҳикояси асосида қурилади дейиш мумкин. Муаллиф ҳикояси - холислаштирилган ҳикоя қилиш усулидир. Бунда ҳикоячи “мен” ёки “биз” дея ўзини танитмайдиган қиёфасиз шаклдек, худди ҳикоя қилинаётган нарсадан узоқда турган кузатувчидек таассурот уйготади. Ровий эса, асарда қайсиdir шаклда ўзини таништиради (“мен” ёки “биз”, ҳақиқий ёки тўқима исми билан). Кўрсатиб ўтиш жоиз, ҳикоя қилувчи “мен” аксарият ҳолларда муаллиф эмас, аммо баъзан у муаллиф “мен”идир;

бироқ муаллиф ва ҳикоя қилувчининг “мен”и асарда бир-бирига мос келган ҳолатларда ҳам ҳикоя қилиш муаллифга эмас, ровий образига тегишли бўлади.

Ҳикоя қилишнинг бу икки асосий усули бадиий адабиётда кенг кўлланилади, биз уларни шаклига кўра ўрганишни лозим топдик. Ҳикоя қилиш усули бадиий асар шаклининг муҳим жиҳатларидан биридир. Лекин бу шакл, ўз-ўзидан аёнки, ҳар бир алоҳида ҳолат учун муайян мазмунни ифодалаш мақсадига бўйсундирилган бўлади.

Ҳикоя қилишнинг асосий усуллари муайян “мазмуний” вазифаларни ҳам бажаради. Муаллиф ҳикоясида қўриниш берган ҳикоячи (оддийгина айтганда, муаллиф) ҳар ерда ҳозиру нозир бўлишга мажбур; у шубҳагумонни ўзига раво кўра олмайди, у ёки бу нарса устида иккилана олмайди. Ҳикоя қилиш мазмунининг характеристири айнан шу билан белгиланади. Ровий қиёфасидаги ҳикоячи эса, табиийки ўз ҳикоясида чекланган бўлади: у, айтиш мумкинки, ўзи гувоҳи бўлган ва иштирок этган нарсаларнигина билади; у воқеалар, характеристлар, одамларнинг фикр ва кечинмалари ҳақида нималарнидир маълум қилиши мумкин, бироқ ҳамма нарсадан воқиф ва ҳар ерда ҳозиру нозир муаллиф нуқтаи-назарини бера олмайди. Шундай қилиб, ҳикоя қилиш ибтидосининг характеристири ҳақидаги масаланинг ечими бутун бир асарни, унинг ўзига хослигини, характеристлар композициясини тушунишнинг калити бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Психологизм тушунчаси азалий қаршилик кўрсатишни ўз ичига олади. “Унга (психологизмга – Ш.Б.) таҳлилни ажратишнинг, элементлар ўзаро янги нисбатини фарқлашнинг таянч нуқтаси сифатида зиддият зарур”<sup>42</sup>. Олим психологик наср табиатини ўрганар экан, психологизмни, адабиётнинг ilk қадамлариданоқ, оддийгина қаҳрамон қалб ҳаётини тасвирлашдан ташқари, ижодий метод сифатида ажратиб кўрсатади. Л.Гинзбург психологизмни персонажнинг ўзини тутиши, хатти-харакатидаги жумбокларни ечишга

<sup>42</sup> Гинзбург Л.Я. О психологической прозе. – М.: INTRADA, 1999. – С. 348.

қаратилган “очик ва яширин, бевосита ва билвосита” таҳлил сифатида “мос келмасликдан, қаҳрамон феъл-авторининг, юриш-туришининг хаёлга ҳам келмаган тус олишидан” бошланади, деган хulosани олға суради.

Демак, психологизм атамасини тасвир (инсон ички дунёси) предмети эмас, балки шахснинг психологик ҳаётини эстетик ўзлаштириш (бадиий таҳлил) усули сифатида тушуниш лозим. Бундай таҳлилнинг икки хил кўриниши мавжуд: очик ва яширин - тагмаъноли психологизм. Биринчи ҳолатда сўз инсон ички ҳаётидаги энг кичик ўзгаришлар, тебранишларни ҳам қайд этади, иккинчисида – ҳисларнинг ўзига дахл қилмасдан, персонаж қалбida нималар юз бераётганига шама қиласди, шипшиштади. Лекин икки ҳолатда ҳам таҳлил бир мақсадга – одам қалб ҳаётидаги қарама-қаршиликларни очишга – психологик конфликтни намоён қилишга йўналтирилган бўлади.

Модомики, бундай конфликт турлича (очикча ва “махфий”) намоён бўлар экан, персонажларнинг асарда тутган ўрнидан келиб чиқиб психологик конфликтнинг ўзини ҳам иккига ажратиш керак бўлади.

Биринчиси, англаш мумкин бўлган конфликт. Бундай конфликтнинг асосий белгиси кечинмалар теранлигини очадиган монологdir.

Психологик конфликтнинг иккинчи хилини, Л.Выготский терминологиясидан фойдаланиб, “ғайришуурийлик” деб атамиз. Бунга, персонажнинг ўз қалбida кечаётган кураш сабабларини фаҳмламасдан туриб, тўла-тўқис ўша муҳорабанинг измида эканлиги билан боғлиқ вазиятлар мисол бўла олади. Монологлар, луқмалар бу ерда ҳислар чалкашлигини қайд этиши мумкин, бироқ уларнинг сабабини аниклаштиrmайди; персонаж ўзининг ички курашини бегона кўзлардан пухталик билан яшириши туфайли ташқи кўринишида ўзгаришлар юз беради, кайфияти ўзгаради, хатти-ҳаракатида пойма-пойлик, ўзини тутишида ички ҳолатга мос келмаслик кузатилади. Психологик конфликтнинг турли шаклда кўлланилиши бугунги ўзбек насрига ҳам хосдир.

Агар бадиий асар тузилишини ўзига хос олам деб олсак, унда муаллиф фаолиятининг уч босқичини кузатиш мумкин бўлади. Биринчи галда, муаллиф ўзининг бадиий-эстетик концепциялари ифодалашни мўлжаллаган муҳит ва унинг қатнашчилари кўринади. Бунинг учун ёзувчи ижодий-психологик механизми персонажлар руҳиятини яратади. Масалан, Юсуф – ўз йўлинни топишга интилувчи ва ҳар бир ҳодиса, воқеани ўйлаб, ўз хаёлида таҳлил қилиб кўрадиган, миллий давлатчилик, умумтуркий халқлар тарихини пухта ўрганувчи, ҳаётдани теран тушунувчи киши сифатида тасвирланган. Акаси Амир эса оламни ўзининг диний-догматик қарашлари орқали англайди ва бошқаларни ҳам шунга ундейди. Унинг ҳатти-ҳаракатларида ноодатийлик, ғайрипсихологик ҳолат кўп учрайди. Ҳатто, азада турганда ҳам Укасига ҳазил қиласди. Бир оиласидаги икки ўғилнинг ички оламидаги бу каби ранг-баранглик асосида муаллиф фаолиятининг аниқ мақсади, персонажларини йўналтирувчи мўлжали мавжуд.

Иккинчи босқич сифатида эса ана шу мақсад, мўлжал томон ҳаракатланувчи персонажлар ҳаракатларини тасвирлаш кўзда тутилади. Ёзувчи уларни бажаар экан, ҳар бир персонажнинг ўз психологик ҳолати, ички оламидан келиб чиқиб уларни тасвирлайди. Бунда ўзининг ҳаётий тамойилларидан четга чиқиши ёки инкор этиши ҳам мумкин. Муҳими, персонажлар ички оламидаги ўзгариш, кечинма, ўй-мулоҳаза билан улар яшаётган муҳит, ташқи омиллар ўртасидаги мутаносиблик ҳисобланади. Шунинг учун ҳар икки оламни ҳам назорат қилиб бориш лозим бўлади.

Демак, учинчи босқични назорат босқичи дейиш мақсадга мувофиқ бўлди. Натижада, асар тилидаги ҳар бир белги, оддий нуқтадан тортиб бутун роман структураси мураккаб тизимга айланади. Уларнинг ўзаро муносабати, айниқса, персонажлар ички олами, ёзувчи ижодий нияти, ижод психологиясига мувофиқ келиши керак. Бу эса кўплаб ички ва ташқи омилларни қамраб олади. Уларни тушуниш, талқин қилиш, персонажлар руҳиятини англаш ўқувчидан ҳам катта маҳорат талаб қиласди.

Рус адабиётшунослигида бадий психологизмга оид қарашлар А.А.Потебня ишларидан бошлаб, илмий-назарий тус ола бошлаган. Олим ҳар бир ижодий ҳодисанинг ташқи ва ички, яъни психологик аспекти борлигига ишонган. Хусусан, “образнинг мураккаблиги (ифодаланган ёки ифодаланмаган) муаммонинг мураккаблигига мос келади. Бунда образ муаммога жавоб бўлиб хизмат қилади. Яъни психологик мансублик билан баён ўртасида (грамматик жиҳатдан ҳам) мувофиқлик бўлиши керак<sup>43</sup>. А.А.Потебня инсон психологиясида бўлаётган ўзгаришлар, ундаги фикр-мулоҳазалар билан баён қилинаётган воқелик ўртасидаги мувофиқликни устун қўяр экан, бунда асар тили ҳам грамматик жиҳатдан тўғри қурилишини ҳам кўздан қочирмайди. Дарҳақиқат, персонажлар ички олами уларнинг юриш-туриши, мимикаси, ўзини тутуши кабиларда намоён бўлар экан, албатта уларнинг нутқи ҳам шунга мос равишда бўлиши асар бадииятини таъминлайди.

«Турсунбой жонталаш ишнинг мўлжалдаги қисмини битиролмаганидан афсус чека-чека ўзига ўзи ғундрана-ғундрана қўлини ювди, ҳар галгидек этигини ечмаслик учун пойгакка тиззалиди-ю, суви қочган нонни синдириди»<sup>44</sup>. Мазкур парчада Турсунбой жонталашнинг ҳаракатчанлиги, қураётган иморатини тезроқ битказиш учун тинмасдан, ишга кетгунча ишлаши, даладан келиб яна шу иморатга уннашининг бир куни, тўғрироғи сахар туриб, нонуштагача мўлжаллаган ишини бажаришга киришгани ва унинг ўз-ўзига ғудранишидан иши яна чала қолаётганидан норозилик аломати кўринади. Ёзувчи унга жонталаш деб лақаб беради, этигини ечишга эриниб, пойгакка тиззалишида ҳам унинг ички оламидаги жонсараклик, камтарлик, меҳнаткашликни тасвирлайди. Натижада образнинг бадиий-эстетик вазифаси таъсирли ва ишонарли чиққан. Чунки, «психологизм бадиий адабиётнинг тасвир воситалари орқали инсоннинг ботиний оламини, унинг ўй-хаёллари, изтироблари, хоҳиш-иродаси,

<sup>43</sup> Потебня А. А. Теоретическая поэтика. Из записок по теории словесности. [www.gumer.ru/potebnya](http://www.gumer.ru/potebnya)

<sup>44</sup> Ҳамдам, Улуғбек. Ватан ҳақида қўшиқ: Исён ва итоат. – Тошкент: Akademnashr, 2014, – Б. 331.

эмоционал ҳолати тасвирийнинг бадиий жонлантириши бўлиб, бу тасвир ўзининг мукаммаллиги ва кенглиги билан ажралиб туради»<sup>45</sup>.

Адабиётшунослар романни инсонни янада кенгроқ, янада ёрқинроқ очиб берадиган жанр сифатида баҳолаш билан бирга, жанр имкониятларини кенгайтираётган етакчи восита сифатида психологизмга юқори баҳо беришади. Жаҳон адабиётида Ж.Боккаччо, М. де Сервантес, В.Шекспир, А.Пушкин, М.Лермонтов, Ф.Достоевский, Л.Толстой, Ч.Айтматов асарларида бадиий психологизмнинг тури усул ва воситалари юксак маҳорат билан қўлланилган бўлса, ўзбек ёзувчилари А.Қодирий, Чўлпон, А.Қаххор, Ойбек, О.Ёқубов, П.Қодиров, Ў.Ҳошимов, М.М.Дўст романларида ҳам бадиий психологизм ёзувчи концепциясини очиб беришда талқин услуби сифатида кенг намоён бўлган. Бу эса ўзбек романи тадрижида психологизм алоҳида ўрин тутишини кўрсатади.

Биринчи ўзбек романи яратилганига салкам бир аср бўлди. Яралишидан жаҳоннинг етук романчилик мактаблари сирасида тан олинган ўзбек романчилиги солномаси кўплаб бадиий мукаммал асарлар билан бадиий талқиннинг янгидан янги услубларини кашф этди. М.Бахтин таъбири билан айтганда, ҳар бир романда замон ва макон талқин этилар экан, у ҳам услугубан, ҳам моҳиятан янгиланиб боради ва унда инсон муаммоси бош мавзу бўлиб қолаверади. Ҳозирги ўзбек романчилигига ҳам янги талқин воситаларининг юзага келиши адиларимизнинг нафакат адабий таъсир натижасида, балки жамиятга хос тафаккурнинг бадиий талқин этилиши қонуниятида ҳам деб биламиз. А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар», Ойбекнинг «Навоий», О.Ёқубовнинг “Диёнат”, П.Қодировнинг «Юлдузли тунлар», Ў.Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» каби асарлари ўзбек романчилигини жаҳонга танитган бўлса, янги давр – мустақиллик даври адабиётини шаклан ва мазмунан янгилаётган Мурод Мухаммад Дўстнинг “Лолазор”, Т.Муроднинг «Отамдан қолган далалар», Х.Дўстмуҳаммаднинг «Бозор»,

<sup>45</sup> Есин А.Б. Принципы и приёма анализа литературного произведения: Учебное пособие. – М.: Флинта. Наука, 2000. – С.125.

Л.Бўрихонинг «Жазирамадаги одамлар» романлари ўзбек адабиётининг бадиий жиҳатдан хилма-хил асарлар билан бойитди.

У.Ҳамдамнинг «Мувозанат» романи ҳам шундай хилма-хилликларни, хусусан, бадиий психологик талқиннинг янги критерийларини намоён этадики, айни сабабдан қўплаб баҳс ва мунозараларга сабаб бўлмоқда<sup>46</sup>.

Адабиётшунос Ҳ.Каримов: «Инсон тафаккуридаги ўзгариш давр ва жамиятдаги ўзгариш таъсирида бўлиши табиий ҳол, ўз навбатида жамиятнинг тўғри йўналишини белгилаш билан бирга, ўзининг ҳаётдаги ўрни ва мавқеини ҳам намоён қиласиди ҳамда инсоният дикқатини жалб қиласиди. Бу нарса ўзбек романларида ўз ифодасини топаяпти. Демак, уларда воқеа-ходисалар эмас, инсоннинг ўзи, унинг ўй-фикрлари, аламлари, изтироблари, руҳияти, психологик олами етакчилик қиласиди, тасвирланаяпти, очиб берилаяпти»<sup>47</sup>, – деб баҳолаганда, табиийки, «ўтиш даври» силсилаларида йўлини йўқотган ва изланаётган инсон образини назарда тутган.

Инсонни психологик изтиробларга соладиган, гоҳида эса қалбини қувончу шодликларга тўлдирадиган, бир сўз билан айтганда, ботинини алғовдалғов қиласидиган ташқи муҳит таъсири қанчалар кучайса, инсон ҳам шу қадар изтироб чекади. Бадиий адабиётда, хоҳ у романтик, хоҳ у реалистик, хоҳ у модернистик бўлсин, эврилаётган инсон образини яратиш ҳар қандай даврда асосий муаммо бўлиб қолаверади.

Бадиий асар, айниқса, романдаги воқеалар жамият ижтимоий тараққиёти билан ўзаро уйғунликда ривожланиб боради. Натижада ҳар бир асар ўз даврининг инсонларининг, жамиятининг умумий психологиясини ифодалashi билан ажralиб туради. Романдаги жамият руҳияти персонажлар

<sup>46</sup>Қўшжонов М. Шиддат билан ёзилган роман. Улуғбек Ҳамдам. “Мувозанат” романига сўз боши – Тошкент: «Минҳож», 2004; Шарафиддинов О. Модернизм – жён ҳодиса эмас. – Тошкент: «Шарқ», 2004; Содиқ С. Ижоднинг ўттиз лаҳзаси. – Тошкент: «Шарқ», 2005. Қуронов Д. Адабий жараёнда «Мом» синдроми, – Тошкент: Академнашр. Расулов А. Тарих, фалсафа, роман // Жаҳон адабиёти. – 2003. – № 9; Пардаева З. Бадиий тафаккур фалсафаси // Фан ва тараққиёт. – Тошкент: «Минҳож», 2005. Йўлдошев Қ. Ёник сўз. Истиқлол даври насли белгилари. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2006. Ёкубов И. Мувозанат эҳтиёжи ва изтироби. У.Ҳамдамнинг «Мувозанат» романига ёзилган сўнгсўз. – Тошкент: «Шарқ», 2007.

<sup>47</sup> Каримов Ҳ. Ўзбек романларининг тараққиёт тамойиллари. – Тошкент: Миллий кутубхона, 2008. –Б. 83.

психологиясининг умумияти ҳисобланиб, унга ижодкор психологияси ҳам кўшилиб яхлит психологик тизим шаклланади. Ёзувчи бадиийликнинг турли кўринишлари ёрдамида асарга ишлов берар экан, асардаги воқеалар, тасвиirlар, персонажлар, умуман олганда, асар композицияси, сюжети шакл ва мазмун бирлиги ҳар бири психологик код вазифасида инсон руҳияти ва у орқали жамият руҳиятининг тасвири сифатида сахифаларга муҳрланиб қолади. Шунинг учун барча даврларда олимлар бадиий асардаги психологик кайфият, бадиий психологизмга алоҳида эътибор қилишган. Айниқса, янги ўзбек адабиётида персонажлар индивидуал тарзда, алоҳида шахс сифатида талқин этила бошлаган даврлардан буён ҳар бир образ “психологик харита”сининг бадиийлашган шакллари яратилгани адабиётимизнинг ютуқлари ҳисобланади.

Фаслдаги фикрларни умумлаштириб таъкидлаш лозимки, бадиий психологизм қадим даврлардан бери ўзбек адабиётида мавжуд бўлган. Айниқса, сўнгги юз йилликда адабиётда шахснинг индивидуал психологиясига алоҳида эътибор берила бошлангач, унинг аҳамияти янада кучайди. Натижада, ўзбек адабиётшунослигида бадиий психологизмнинг жамият ва инсон, инсон ва инсон, инсон ва табиат муносабатлари билан боғлиқ ўзига хос шакллари юзага келди.

## **1.2. У.Хамдамнинг ilk романида бадиий психологизм омиллари**

Улугбек Ҳамдамнинг ҳар бир асари ёзувчига хос психологик талқин ва услугуб кўринишларини намоён этади. Ёзувчининг “Мувозанат” роман реалистик асар ўлароқ ўз таркибига реал қаҳрамонларнинг реал услубдаги психологик тасвирига асосланади.

Маълумки, инсон руҳий борлиғи, унинг ўй-кечинмлари, орзуармонлари, мақсад-интилишларини тасвиirlаш ҳамиша бадиий адабиётнинг бош мавзуси бўлиб келган. Тадрижий такомиллашиб, ривожланиб келаётган ўзбек романи қиёфаси ҳамда нуфузи кечагидан тубдан тафовутланади.

Янгиланаётган бадиий тафаккур миқёслари янгича талқинларни идрок этишни тақозо этмоқда. Ҳар бир давр бадиий солномаси моҳиятида миллат орзулари акс эттирилади. Шундай экан, бунинг ёрқин тимсоли сифатида «Мувозанат» романини кўришимиз мумкин. Роман жанри ва унинг поэтикаси билан жиддий шуғулланиб келаётган адабиётшунослар бу борада, «Ўтган кунлар»дан кейин, Тоҳир Маликнинг «Шайтанат», Улуғбек Ҳамдамнинг «Мувозанат» романлари каби ўқимишли асар жуда кам эканлигини таъкидлайди<sup>5</sup>. Таниқли адабиётшунос Дамин Тўраев: «Буюк Мувозанатнинг бузилишига мавжуд ижтимоий-сиёсий тузум сабабчи бўлган эди. Энди бу орада Юорт мустақилликка юз тутди. Демак, ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида Мувозанатни тиклаш учун имкониятлар эшиги очилди. Юсуф оиласида – Одил ака, Ҳалима опа, Ойгул, Абдулла, дўстлари Сайд ва Миразимлар даврасида, таниш-нотанишлари орасида, борингки, ҳамма жойда Мувозанатни тиклайдиган Шахс бўлиб ҳаракатланади»<sup>6</sup>. Бинобарин, мунаққид биринчи навбатда «воқеа-ҳодисалар»дан қўра, «инсон руҳий олами» қаламга олинишига мантиқий урғу беради. Яна шуни таъкидлаш жоизки, жамият ва давр ҳаётидаги воқеа-ҳодисалар инсон руҳиятидаги синиш ва эврилишларга таъсир ўтказиши ёки аксинча бўлиши мумкин. Аммо муҳит суврати ундаги жиддий эврилишлар барча замонларда бирламчи вазифа сифатида келмоқда. Шу боисдан ҳам, ўзбек романи қарийб бир асрлик тажриба ва анъанага эга экан, ҳали-ҳамон реалзимнинг очилмган сирсиноатлари борлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди, албатта! XX асрнинг ўрталарига келиб рус ва бошқа халқлар адабиётида «роман жанрининг куни битди, унинг ўрнига бошқа эпик жанрлар майдонга чиқади»

<sup>5</sup> П.Қодиров. Маъевият, модернизм ва абсурд. –Тошкент: «Адабиёт ва саънат нашриёти». 2006. 28-бет. М.Қўшjonов. Шиддат билан ёзилган роман. – Тошкент: «Минҳож». 2004. 3-4 – бетлар. О.Шарафиддинов. Модернизм – жўн ҳодиса эмас. – Тошкент: «Шарқ», 2004. 134-бет. С.Содик. Ижоднинг ўттизлаҳаси. – Тошкент: «Шарқ», 2005. 78-бет. Д.Куронов. Адабий жараёнда «Мом» синдроми, – Тошкент: «Академнашр». 38-бет. А.Расулов. Тарих, фалсафа, роман// Жаҳон адабиёти.. 2003. – №9. 154-165- бетлар. Қ.Йўлдошев. Ёник сўз. Истиқлол даври насли белгилари. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2006. 165-бет. И.Ёкубов. Мувозанат эҳтиёжи ва изтироби. У.Ҳамдамнинг «Мувозанат» романига ёзилган сўнгсўз. – Тошкент: «Шарқ», 2007. 261-271-бетлар.

<sup>6</sup> Тўраев Д.Давр ва ижод масъулияти. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2004. – Б. 27.

деган шабадалар эсган бўлса, мана орадан эллик йил ўтса-да, ҳамон хилмажил «изм»лар ичida ривожланишлар оғушида келмоқда.

Романнинг эътиборга молик жиҳати шундаки, унда роман тарихи давомида ёзилган энг сара асарларга хос услугб хоссаларини синтезлайди. Муҳаммаджон ака, Юсуф, Амир, Содик каби қаҳрамонлар талқин этилган ўринларда қалб, рух, онг кечинмаларининг психологик талқини уйғунлашгани кузатилади: “Юсуф ўшанинг (аламзадаликнинг – таъкид бизники. Ш.Б.) табиатига қулоқ тутди... Шунда ҳис қилдики, у ерда дунёга – ташқарига томон юриш ҳақида шивир-шивирлар авжига чиқаётганди. Яъни хаос – ташқарининг таъсирида ташқарига нисбатан ичкарида пайдо бўлган алғов-далғовлик энди худди ўз эгасини тишлаб олган бўри боласи каби ташқарини ҳам ўз келбатига ўхшатгиси келарди”<sup>48</sup>.

Ўқувчи роман қаҳрамонлари мисолида борган сари қаҳрамонлар ҳақидаги тасаввурлари тиниқлашиб, ранглар ойдинлашиб теран маъно касб этиб бораётганини ҳис этади. Роман матнини таҳлил этар эканмиз, ёзувчи бадиий концепциясининг эстетик кўлами ва функцияси майдонга чиқади. Бу жиҳат “Мувозанат” романида ижтимоий-ахлоқий ва маънавий-психологик омиллар доирасида шаклланади, бир бутун бадиийлаштирилган услугб (бадиий матн) тарзида бўй кўрсатади.

Роман руҳига сингдирилган мантиқ - масъуллик мантиғи нафақат ҳар бир қаҳрамон ўзи учун, ҳеч бўлмаса яқинлари, туғишганлари учун масъул деган тушунча болам, қўшним, элим, улусим, юртим деган юксак ғоялар сари етаклаши ёинки Ватан – уйингнинг остонасидан бошланади деган пурвиқор фикр ҳам аслида ҳар бир қаҳрамонни алоҳида шахс сифатида, яқдилликда бир миллат сифатида юксалишига олиб келади. Романга хос реалистик тасвир ҳаётнинг бадиий инъикоси сифатида талқин этилган ҳар бир қаҳрамон ҳаёти, орзу – интилишлари, ғам – ташвишлари, топганлари ва йўқотганлари

<sup>48</sup> Ҳамдам Улугбек. Мувозанат. – Тошкент: «Шарқ», 2007. – Б. 155. Фаслда ушбу манбадан олинган хаволалар сўнггида қавс ичida китоб сахифаси келтирилади.

турфа хил тақдирлар тасвири мисолида роман хронотопи миллий руҳиятни акс эттиради.

“Мувозанат”даги ҳар бир характер яралишидан ёзувчи бадиий тафаккурида қўйма шаклланган ва асар ғоясини очиб беришга хизмат қилувчи эстетик идеални намоён қиласди. Масалан: «Юсуф тўнини елкасига ташлаганча охиста юриб ташқарига чиқди. Ҳаво кечагидан ҳам баҳорийроқ эди. Тун бўлишига қарамай, осмоннинг қорага мойил кўкимтири рангини илғаш мумкин (эҳтимол, «осмоннинг ранги қўк» деган фикрнинг соясидир бу!), юлдузлар ҳам шаҳардагидек узоқда эмас, балки томбошига чиқиб сакрасанг бир нечтасини узиб олгудексан. Енгил эпкин ҳовлининг этак тарафидан қий ҳидини олиб келиб димоқقا урди... »<sup>49</sup> Мазкур парчада муаллиф ровий нутқида ифода этилаётган гап қурилиши ва фикрлаш тарзига соғ миллий руҳиятни сингдириб юборган. Бу айниқса, «*тўнни елкасига ташлаб ташқарига чиқши*», «*томбошига чиқиб сакраш*» жумлаларида соғ миллийлик тафаккур тарзи мавжуд. Чунки ўзбек миллий уйлари пастроқ бўлади ва атрофига тут, ўриқ, жийда, олма каби дарахтлар экилгани учун мевани олиш учун томга чиқиш керак бўлган. Ровий нутқидаги қишлоқ туни тасвирида мана шу ҳолатга ассоциация сезилади. Шунингдек, бу ерда психологик параллелизм усулидан ҳам фойдаланилган. Бу усул «*Ҳаво кечагидан ҳам баҳорийроқ эди. Тун бўлишига қарамай, осмоннинг қорага мойил кўкимтири рангини илғаш мумкин* (эҳтимол, «осмоннинг ранги қўк» деган фикрнинг соясидир бу!), юлдузлар ҳам шаҳардагидек узоқда эмас», деган гапларда аниқ бўртиб турибди. Бу ўз навбатида персонаж қалбидаги ватан туйғусини, қадрдон уйини соғинишни ифодалайди. Ёзувчи шу ерда ватан сўзини ишлатмасдан туриб, ўқувчи қўз олдида Ватан манзарасини чиза олган.

Романда қатор рамзлар мавжуд бўлиб, улар кўпинча матн остига сингдириб юборилган: “Мухаммаджон ака дабдурустдан қўрқиб кетди, у қушча қулаб тушади, деб ўйлаб, қулочини очдики, тутиб қолай деб... Лекин

<sup>49</sup> Ҳамдам, Улуғбек. Ватан ҳақида қўшиқ: Мувозанат. – Тошкент: Akademnashr, 2014. – Б. 55.

йўқ! Қушнинг қанотлари эркин ҳаво таъмини ҳис қилгани ҳамон аввалига иштиёқсиз беш-олти “пир-пир” этиб, сўнг дадил қанот силкиб кўкка кўтарилиді” (24-б). Ушбу лавҳада қафасга ўрганган қушнинг озодликни ҳис қилиш жараёни қанчалар ишонарли тасвирланган бўлса, тагматндаги ишора – қуллик исканжасидаги инсоннинг озодликка қўниши ҳамда бу эрк улуғ ниятлар, улкан ишлар рамзида берилган. «Тобора кўтарилиб келаётган қуёш нурлари» ёргулик, ниятга етказадиган нурафшон кунларнинг яқинлигини англатувчи мужда сифатида қабул қилинади. Натижада психологик мақсад ва ижтимоий моҳият уйғунлиги асарда муҳим маънавий-ахлоқий маъно касб этади. Бу хусусият қаҳрамонлар руҳиятини давр қайфияти билан муштарак тасвирлай олишида ажиб бир ўзанга туша бошлайди. Айни турфалик бадиий асарнинг жозибасини, тароватини, моҳиятини, фалсафасини илғашга, ундан етарли хуросалар чиқаришга замин ҳозирлайди.

Сўнгги ўн йилликлар, умуман «ўтиш даври» қийинчиликларини моҳирона жонлантира олган адиб, инсон руҳиятини теран таҳлил этади. Шунингдек, олам ва одам хусусидаги мушоҳадакор фикрлар, ҳар бир зиёли тийнатидаги эврилишлар, жамият мақсадининг келажак сари талпинишигача зукколик билан бадиий қамраб олади. Баъзан румиёна фикрлари билан ислом дини фалсафасига ундейди, шахс қалбида алоҳида меҳр уйғотади.

Айни пайтда, “Мувозанат” романида инсон қалбининг нозик жилолари: феъл-автори, руҳияти, кўнгил талпинишлари бадиий талқин этилган бўлиб, ҳар бир персонаж (Юсуф, Амир, чўпон, Содик, Эргаш, Захро, Ойгул) ўз зиддиятлари – ботиний ва зоҳирий курашлари орқали талқин этилганки, асар қаҳрамонларини ижтимоийлик маҳсули деб қарашдан кўра маънавий–ахлоқий мезонлардан келиб чиқиб баҳолаш романга хос хусусият – воқеа-ҳодисалар эпик тасвирига нисбатан инсон мукаммалроқ бадиий инъикос этганини билдиради.

Ёзувчи маҳорати ҳаёт материалини бадиий акс эттиришда ранг-баранг тасвир воситаларидан нечоғли унумли фойдалана олганлиги билан ўлчанади. Роман жанри чексиз имкониятларга эгалиги билан бошқа адабий жанрлардан

жиддий тавофутланади. Бошқача айтганда, одамзот такомилидаги муҳим эврилишлар бадиий шакл миқёсларини белгилаб беради. Эпик тасвир турфалиги сюжет қисмларини шартли ва теран моҳият сари йўналтиради. Натижада одамзот турмуш тарзи ҳаққонийлиги тасвирни яхлитлаштиради. Шу нуқтаи назардан, «Мувозанат» романида қаҳрамон шахсиятига катта фалсафий-ижтимоий умумлашма сингдирилганлигига амин бўламиз. Ҳам мазмуний, ҳам шаклий, ҳам услубий бутунлик асар бадиийлик даражасини белгилайди. Асарда эстетик маърифат ва эстетик юк ўртасидаги кескинликни тафовутлаш жоиз. Ижодий индивидуалликдан бадиий умумлашмага ўтиш эса талқин ўзига хослигини ташкил этади. Адид аксар ўринларда қаҳрамон характерининг ҳам психологик, ҳам ижтимоий моҳиятини очиб беришга интилади. Дейлик, Юсуфнинг курсдоши Захро билан бўлган ўзаро мунозарасида кўнгил майшати учун эмас, балки борлиқ хусусидаги мушоҳадаларига ҳам юзма-юз келамиз. Айнан икки сухбатдош жамиятдаги оғир кечмишларни “вақтинчалик” деб баҳолайди. Бу эса романдаги мувозанат сари қадам ташлаётган қаҳрамонлар характерида маромига етади:

“...Куни кеча мен поездда бир нечта ёшлар билан гаплашиб келдим. Ва икрор бўлдимки, бутунлай янги авлод етишиб келяпти экан. Улар тарбиясида ўтмишга нисбатан керагидан ортиқ танқидий рух, бугунни эса беҳад идеаллаштиришга ўхшаган қусурларни пайқаган бўлишимга қарамай, мулоҳаза юрита-юрита охири севиниб кетдим. Сабабки, улар ўтмишни кўмсад қийналмайди, бу ёқда дўппи тор келганда у ёқка талпиниб, ўзи шундоқ ҳам қийин аҳволни баттар мураккаблаштиrmайди, катта авлодларга ўхшаб ҳар бир киши ўз ботинида иккига бўлиниб кетмайди, балки бири у соҳада, кими бунда ўзлигини янги келажакни бунёд этиш ишига бағишлайди. То улар бор экан, эртага – қурилаётган янги давлатда бугун оёқ ости бўлиб ётган қадриятларнинг, қонун-қоидалару тартиб-интизомнинг қайтадан қад ростлаши муқаррар” (1-236).

Юсуф ўз ёлғизлигидан сиқилган Захронинг ташвишлари билан андармон бўлиб, вақтинча ички изтиробларини унутади. У ботинидан

тушкун кайфиятни қувиб солган ҳодисанинг мантиғини англашга уринар экан, бунга ҳеч бир исм топиб беролмайди. Бинобарин, Юсуф психологик хотиржамлик бор жойда инсон мувозанати доимо сақланишини романнинг бир неча ўринларида атрофидагиларга таъкидлайди. Айни пайтда, унинг ўша мувозанат сари илдам юриши жамият ҳаётининг ҳам изига туша бораётганидан далолат беради. Демак, Юсуфга хос мувозанат жамият мувозанатини ҳам билдиради.

Ёзувчи романда улкан имкониятларнинг одам феълига таъсирини алоҳида шахснинг парвози ҳамда инқирози, яъни кучли ва ожиз томонлари тасвирида кўрсатишни мақсад қиласди. Бу эса, шубҳасиз табиий чиққан ва буни Миразим ва Сайднинг ҳаёти мисолида кўришимиз мумкин. Мансаб пиллапояларидан кўтарилиб бораётган Сайднинг кутилмаганда «қулаб тушиши» бу ёруғ оламда ҳамма нарса омонат эканлигини англаб этишига олиб келади.

«Мувозанат» моҳиятига кўра реалистик роман. Тўғри, унда модернизмга хос кайфият ҳам элас-элас сезилади. Чунки воқеликни бадиий идрок этиш турли методларнинг қоришуви табиий ҳол. Аммо “Мувозанат”нинг ўзак-моҳиятида румиёна фикр мантиқийлиги, қодирийона романий тафаккур ҳисси, ойбекона мушоҳада теранлиги кўзга ташланади. Аммо ёзувчи буларнинг барчасини хусусий-идивидуал услугуга сингдириб юборади.

Юсуфнинг қайнок ҳаёт ичкарисида чорасиз қолиши, кўнгил, оила халоватининг бузилиши, миллат рухиятидаги муайян эврилишлар давомийлиги романда хилма-хил тақдирлар кесишувида реал моҳият касб этади. Ҳаммамиз ҳис қилган, кўниккан қадриятлар замонлар эврилишида бошқача моҳият касб этиши мумкин. Оралиқда қолган инсон нафақат азоб чекади, балки ўз ҳаётини изидан чиқаради. Ана шундай инсон характерини, унинг психологик оламини англаш ва бадиий очиб бериш жуда мураккаб ва заҳматталаб жараёндир.

“Ҳаммалари дастурхон атрофига ўтиришганда дуо ўқилди. Сўнг Ҳалима ая туриб, нон-чой келтирди. Элбекка бир ҳовуч ёнгоқ бериб, ўғлим шуларни

чақиб кел, дея ўзи чўкка тушиб нон ушата бошлади. Юсуф сумкасидан қанд ва пишлоқ олиб дастурхонга қўйди. Одил ака ҳар доимги жойида бўлса ҳам аввалгидек ёнбошлаб эмас, балки тиззаларини омонатгина букиб, оёқларини иложи борича ўзига яқин тортиб ўтиради” (39-б). Ушбу лавҳадаги Одил аканинг психологик портрети моддий қийинчилик, йўқчиликдан руҳан эзилган отанинг хижолати мисолида гавдаланади.

Романда асосий эътиборни тортадиган жиҳатлар, хусусан, миллат бошига ёғдирилган кулфатлар орқасида ҳақ-хуқуқларини тўла англаб етмаган, бунга имконият бермаган шароит ва ҳалқ менталитети акс этганлигида кўринади. Ёзувчи Муҳаммаджон ака ҳаётини тасвирлар экан, унинг ўтмиши ёлғонлар қуршовида ўтганлигини ўзига хос бўёқларда акс эттиради. Бу эса ўз навбатида колониал сиёsat манфаатларининг ифодаси бўлиб, хукмрон мафкура тарғиботи айнан шуни тақозо этиганига диққатни қаратади. Ёзувчи бадиий асарда инсон психологик оламини тасвирлашга уринар экан, унда ҳар бир жамият аъзоси кайфиятига ҳамоҳанг мантиқий ургу беради. Шу боисдан ҳам, У.Ҳамдам асарларида даврнинг илғор маънавий-ахлоқий аъмоли етакчилик қиласи. Ижодкор нуқтаи назарида жамиятнинг муҳим муаммолари муҳокамаси теран эстетик қиймат касб этади, шу билан бирга, инсон психологик борлигини ижтимоий-психологик такомилда тасвирлаш адаб изланишлари мағзини ташкил этади. Унда маъномоҳият ҳалқ манфаати ва интилишларини бирлаштиради. Туйғу-онг нисбати истак ва имкониятни яхлитлаштиради, таҳлил-талқин ҳамда мушоҳада аниқлиги ва тафаккур тиниқлигини уйғунлаштиради.

Муҳаммаджон ака тийнатига хос чизгилар Юсуфнинг кейинги ҳаёти аросатда ўтмаслигига ишора этади. Романдаги ҳар бир ижодий талқинда мужассамлашган муаллиф концепцияси қаҳрамон ҳарактерига ойдинлик киритади. Асосий образ тадрижи тасаввур чизикларини марказлаштиради, тасвир унсурлари эса эпик майдон фалсафий теранликларини бадиий умумлаштиришга хизмат қиласи. Муҳаммаджон аканинг «Менинг умрим ёлғон билан кечди. Ёлғонга бош эгиб, ёлғонни ёзганларнинг, шуни истаган

кимсаларнинг хизматини қилиб кечди. Сеники шундай кечмасин» (26-б.), дея куйинишлари Юсуфнинг миллий ўзлигини англашига туртки бўлади.

Айниқса, адаб ижодида қузатиладиган бир жиҳатни таъкидлаб ўтиш жоиз: баъзан ёзувчи талқинида психологик таҳлил муайян изчиллик касб этмайди, балки тарқоқ қирраларга сингдирилади. Ушбу хусусият Сайд ва Манзура, Миразим ва Захро, Юсуф ва Ойгул, Амир ва Гулшода каби марказий персонажлар талқинида кўринади.

Юсуф образи монологи ва бошқа образлар билан олиб борган диалогларида унинг ички оламидаги ўзгаришлар тил бирликларида маълум белгилар мисолида юзага чиқади:

« - Бугун кетмаймизми?

- Пул бўлиши билан кетамиз, - хотинига қарамай жавоб қилди Юсуф.

- Бўлишининг пайида бўляпсизми ўзи? Мен ишдан уч кун кечикдим.

Яна уч кун бормасам, хотиним ишсиз қолди, деяверинг!

- Отам Муродали акадан қарз сўрабди.

- Беридими? – сабрсизланди Ойгул.

- Бугун бозорга писта обкетибди, сотиб келса, берармиш.

- Қачон келади?

- Эрта-индин кеп қолар.

- Ўша писта ўлгурнинг сотилишига қараб қопмиз-да энди!.. Бошқа бирордан сўраса бўлмайдими?

- Бизга бериши мумкин бўлганларнинг ҳеч бирида ўша савил йўқмиш, - Юсуф қаддини ростлаб хотинининг билагидан сочиқни олди. – Тушун, бу ерда пул масаласи анча қийин, хотин...

...Юсуфнинг ичини бир нима тилиб ўтди. У ҳам алам, ҳам хижолатдан қизариб-бўғриқиб кетган эди. Асабийлашганидан сочиқни ғижимлаган кўйи қаёқка отарини билмасди. Айвонда ўтирган Одил ака ўғли ва келини ўртасидаги лукмани чала-ярим эшитган шекилли, бир ғалати ҳолга тушиб ўтиради» (70-71-б). Юсуфнинг айни эпизоддаги психологик портретини қуидагича изоҳлаш мумкин: қўли калталик, муҳтоҗлик, имкон

тополмасликнинг исёни; энг яқин одами – хотинининг уни ҳолатини тушунмасдан унга психологик азоб бериши. Чорасизлик, иложсизлик азоби ичра ҳар бир гап оҳанги ва ўзини тутишида у ёки бу қийноқ чизгилари юзага чиққан. Диалогнинг аввалидаги саволнинг оддий савол эмас, сўровчи ва жавоб қилувчининг руҳиятини кемираётган, иккаласини ҳам ўз оламига ҳайдаб кириб, яккаловчи риторик сўроқ ҳисобланади. Жавоб гапида ремарка сифатида келган “хотинига қарамай жавоб қилди” деган жумла персонажлар руҳиятидаги зиддиятни янада теранлашганига ишора қиласди. Кейинги ўринларда яна тўрт марта сўроқ берилиши, шундоқ ҳам иложсизлиқдан ичини мушук тирнаётган Юсуфнинг азобини кучайтириб, руҳиятидаги тўлғоқларни юзага чиқарган. Хотини ҳам ўз нуқтаи назаридан ҳақ эди. Чунки шундоқ ҳам қийналиб яшаётган оила учун ишини йўқотиш катта зарба бўлишини ҳис қилиб турибди. Одил аканинг ғалати бўлиши замирида ҳам чорасизлик, мавжуд вазиятга нисбатан “сукунатли исён” яширганини илғаш мумкин.

Муаллиф романнинг ғоявий таянч марказига бирданига ўтмайди. Ўқувчини аста-секинлик билан психологик вазиятга тайёрлайди, давр руҳиятини қаҳрамон ички нутқи воситасида очиб беради. Инсон моҳияти, ҳаёт ўлчови ва яшашдан кузатиладиган мақсад тўғрисида фалсафий мушоҳада юритган адиб янгиланаётган тафаккур ва ижтимоий шароит тақозосини моҳирлик билан уйғунлаштириб юборади. Бутун ҳаёт йўлини тафтиш қилаётган Юсуф оғир изтироблар исканжасида қоврилади. Унинг онгida кечеётган мушоҳадалар миллат вакиллари руҳиятини ҳам ифодалайди. Шу тариқа, романий тафаккур унсурлари билвосита жамиятни ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланадиган янги шахс концепциясининг маънавий-ахлоқий мезонларини ёзувчи бадиий тўқималари қаҳрамонлар ҳаёти орқали талқин этади.

Ёзувчининг ижодий муваффақиятларидан бири – қаҳрамон нутқи хосланганлик даражасининг устуворлигига эришганлиги билан изоҳланади. Жумладан, Юсуфнинг «Бизга берииши мумкин бўлганларнинг ҳеч бирида ўша

*савил йўқмии*» нутқида зоҳир бўлган ички «мен»и, унинг кайфиятини тўлалигича намоён этади. Натижада қаҳрамон тийнатида объектга нисбатан ранг-баранг шахсий муносабатлар шаклланади. Шунга асосланиб, айтиш мумкинки, ёзувчининг бошқа романларидан жиддий тафовутланган «Мувозанат» асари шаклий-мазмуний жиҳатдан етилган роман ҳисобланади. Чунки унда воқелик ҳамда эпик кўламни баҳолашга йўналтирилган яхлит нуқтаи назар изчиллиги таъминланган. Ижодкор бадиий талқин жараёнида баён қилишнинг хотира, психологик кечинма, лирик чекиниш ва монодиалогик усулларини қўллади.

Адабиётшунос олим Ҳ.Умуроғ: «Романда эпик тасвир билан ҳистойгулар тасвири ўзига хос уйғунлашади. Асарда ташқи воқеликнинг панорамаси – қаҳрамонлар қалбидағи кечинмаларни реаллаштиргани каби, кечинма ва фикрлар оқими ўз навбатида тасвирланаётган ҳаётнинг моҳиятини очади»<sup>50</sup>, - дея таъкидлайди. Мунаққиднинг ушбу фикрларини “Мувозанат” романига нисбатан ҳам қўллаш мумкин, деб ўйлаймиз. Масалан, қўйидаги парчада айнан шунга ўхшаш вазият намоён бўлган: «Мансур ва унинг икки таниши – оппоқ халатлардаги ҳалиги дўхтирлар Муҳаммаджоннинг шундоқ бош томонида бир-бирларига латифа айтиб кулишарди. Юсуф умрида бундан хунукроқ, бундан жирканчроқ манзарани кўрмаганди. Туйқусдан унинг кўнгли айниди. Ошқозонида бошланган ғалаён бирпасда бўғзини ёриб чиқди, кўзлари ачишиб ёшланди, қулоқлари битди, оғзига тупуги келди. У ҳақиқатдан ҳам бугун ҳеч нима тотмаганди»<sup>51</sup>. Парчага диққат қилинса, ёзувчи эпик тасвир билан бирга персонажларнинг эпик кечинмалари, дидлари, маънавий – ахлоқий қиёфаларини ҳам биргаликда қўрсатган. Ахир оғир bemor боланинг тепасида ўзаро кулги қилишлари антигуманизм ҳисобланади. Ишдан чарчаб келиб, кечга томон хатни ўқиган ва танишларидан қарз сўраб сарсон кезиб, бир амаллаб Ровотга келган Юсуфнинг жисмоний чарчоқлари билан психологик қийноқлари

<sup>50</sup> Умуроғ Ҳ. Рисолалар, сайланмаси. 1-жилд. – Тошкент: «Фан», 2007, 33-бет.

<sup>51</sup> Ҳамдам, Улуғбек. Ватан ҳакида кўшиқ: Мувозанат. – Тошкент: Akademnashr, 2014. – Б. 157

қўшилиб, ичида кўнгил озиш юз берди. Энг фожеали жиҳати шундаки, айнан шу палладан бироз ўтгач, Муҳаммаджон ичаги ёрилиб, ана шу дўхтирлар қўлида жон беради. Бу ерда ёшгина ўғлининг ўлимини эшитган Юсуфнинг ҳолатини тасаввур қилиш қийин эмас.

Биз романнинг яна бир персонажи Амир хусусида сўз юритар эканмиз, адабиётшунос У.Норматовнинг “Амир романдаги энг концептуал образ”<sup>52</sup> деган фикрига тўла қўшиламиз. Чунки Амирнинг мақсад ва интилишлари Юсуфга нисбатан теранроқ, сермазмунроқ. Амир Юсуф сингари замонасида кечаётган ўткинчи иқтисодий муаммоларга эътибор ҳам қилмайди. Имкони даражасида улардан устун туришга уринади. Умрининг ўтаётган ҳар лахзасидан унумли фойдаланади. Ўтмиш аждодларнинг ислом таълимотига асосланган психологик-маънавий анъаналарини давом эттиради: кам ухлаб, кам еб, кам гапиради. Рўзғорнинг ўткинчи ҳашаматлари, орзу-ҳавасларига чалғимайди. Фалсафий жиҳатдан замон чархпалагининг шафқатсиз филдираги унинг руҳини бука олмайди. Ўзгалардан нажот кутмаганидек, ёрдамни факат Яратгандан сўрайди. Дунёвий йўқчиликлар ичида ўзлигини йўқотаётган, оқибат маънавий ва моддий мувозанат ҳаётнинг мазмуни деган хulosага келган Юсуфдан шу жиҳатлари билан ажралиб туради. Психологик мувозанатга эришган, ибодат ҳаловатини топган инсонни ўткинчи дунё қийинчиликлари бука олмаслигини ўз ҳаёт тарзи билан исботлайди. Ёзувчи Амирни доимо ибодат қилаётган, илтижо этиб йифлаётган, таҳоратга бориб ё келаётган ҳолда тасвиrlаш асносида унга бир оз адолатсизлик қилгани сезилади. Чунки Амирнинг танлаган йўли уни бундай догматик вазиятга солмаслиги, аксинча бу жараёнлардан эсон-омон, тоза виждон билан олиб чиқиб кетиши лозим эди. Айниқса, кундалик рўзғор ташвишларини хотини Гулшода устига лоқайдларча юклаб қўйиши ҳам ўқувчини бир оз шубҳага солади. Зотан, рўзғор юмуши мусулмоннинг фарзи бўлиб, ёзувчи тасвиrlаган бундай ҳолатлар Амир характери мантиқига мос тушмайди.

<sup>52</sup> Норматов У. Интернет материали: [www.ulugbekhamdam.uz](http://www.ulugbekhamdam.uz)

Дарҳақиқат, У.Норматов таъкидлаганидек, Амир концептуал образ. Аммо асардаги Амир образи ҳаёт йўлининг фожиали якуни бу характер динамикаси ҳамда мантиқини тўла-тўқис оқламайдики, ёзувчи бу образга бир мунча теранроқ, холисроқ муносабатда бўлиши лозим эди.

Бадиий асар реал олам, воқеликка нисбатан ёзувчи муносабати ҳосиласи сифатида юзага келар экан, унда объектив борлик субъектив англаш, тасвирлаш, таҳлил этиш орқали намоён бўлади. Ёзувчи асарда характер бадиий тадрижини шакллантирса, иккинчи томондан жамият ҳаётининг муҳим кирраларини тасвирлай боради, учинчидан инсон иродасини букиб турган тўсиқларни аёвсиз тафтиш этади. Айнан шу жиҳат, «Мувозанат»да етакчилик қилган. Бунда биринчи галда ёзувчи инсонлараро маънавий-ахлоқий ҳамда миллий дунёқарашиб, миллий руҳият масалалариға жиддий эътибор қаратади.

Адабиётшунос Д.Куронов ёзувчи ижодий нияти хусусида шундай фикр билдиради: «Ижодий ният асарнинг санъаткор онгидаги хомаки эскизидир. Бадиий ижод жараёнининг ўзига хослиги шундаки, санъаткор ижодий ниятидаёқ ўқувчига муайян таъсир қилишни кўзда тутади, яъни мақсад ижрога таъсир қиласи, ният ва ижро бирлашади. Зоро, санъаткорнинг эстетик идеали билан мавжуд воқелик орасидаги номувофиқлик бадиий ижодга ундовчи мотив бўлса, идеалга яқинлашиш унинг мақсадидир»<sup>53</sup>. Демак, ёзувчи ижодий нияти романда шифокорлар ҳаёти, амалдор ва тадбиркор, дехқон ва зиёли каби жамиятнинг турли қатламига хос характерларни ўзига хос тарзда талқин этганлигида кўзга ташланади. Ушбу жиҳатларни бир нуқтага йиға олган адиб, миллат келажагининг мувозанати сари қадам ташлаётган инсон «мен»ига эътиборини қаратади. Психологик таҳлил фақатгина характер ниятини очишга хизмат қилибгина қолмасдан, жамият ҳаётини таҳлил ва талқин этиш каби муҳим муаммоларга ҳам ўз таъсирини

---

<sup>53</sup> Куронов Д. Адабиётшунослик терминлари лугати. Интернет материали: [www.quronov.narod.ru](http://www.quronov.narod.ru). 138-бет.

үтказади. Талқинлараро бир-бирига мантикий уланган қисмларда миллат қиёфаси гавдаланади.

Дарвоқе, «Мувозанат» романида тасвир иккиланганлиги ҳам қўзга ташланади. Романга хос шиддатнинг сусайишига баъзан воқеа-ҳодиса тасвирида баёнчиликка берилиб кетиш ҳоллари сабаб бўлади.

Кўрсатиб ўтиш жоиз, ҳозирги ўзбек насирида психологик-фалсафий тасвир шартларининг етакчилик қилиб бораётганлиги эътиборга молик ҳодисадир. Негаки, миллат тафаккур тарзи ҳар қачонгидан ҳам эврилиб, кундан-кунга ўзгариб бораётганлиги, биринчи навбатда, адабий-бадиий талқинларда ўз ифодасини топади. У.Хамдамнинг «Мувозанат» романида замон билан ҳамнафас бўлишга интилаётган, бошидан ўтган кечмиши қандай бўлишидан қатъи назар, янгиликка интилаётган ва уни қабул қилишга ботинан тайёр, аммо ташқи олам, жамиятдаги зиддиятлар билан юзма-юз келаётган қаҳрамон билан юзлашамиз.

Миразим ва Сайднинг психологик кемтикликлари ҳам аслида ўз-ўзича ёлғизлиги туфайлидир. Ҳатто улар ҳам Юсуф ўз эътиқодида событ туришини исташади, жамиятни Юсуфдақалар қутқаради деб ўйлашади. Бойликнинг изидан лоқайдлик касалига учраган Миразимнинг “Охирги илинжим Юсуф эди, - Миразим хаёлан ўз-ўзига фалсафа сўқиб қўярди, - у ҳам соб бўлганга ўхшайди. Ман билган олимларнинг ҳаммаси ўзини пулга уриб бўлиб эди, биргина Юсуф ўзига гард юқтирмай келаётганди. Унинг ана шу томонда туриши манинг қатимдадир қандайдир мувозанатни ушлаб ҳам турувди, чоғи” (114-б.) каби мулоҳазалари Юсуфни билган, ким бўлишидан қатъи назар ҳар бир роман қаҳрамони уни билган одамлар назаридаги бир сўзли, қатъиятли, улуғ мақсадлар йўлида кетаётган Юсуфнинг йўлидан оғмаслик тарафдори, ҳатто улар хаёлан Юсуф билан фикрлашади, уни кутишади, ундан маслаҳат олишади. Шу ўринда меъёрини унуган Миразим ўзини Юсуф орқали оқламоқчи бўлади, ҳаётий ақидасига айланган “одамзот ҳамма вақт китобдан бурун нонга қўл чўзиб келган. Зеро, моддият ҳамиша

бирламчи бўлган” каби хулосаларини Юсуф мисолида тасдиқдан ўтказиб олади.

Роман моҳиятидан келиб чиқиб баҳо берадиган бўлсак, Миразимда ҳам, Саидда ҳам онда-сонда бўладиган ҳолат – виждан уйғониш ҳолати психологик ички монологда берилади. Улар ич-ичидан Парвардигор бандаси эканликларини тан олади: бири амалга, мансабга, унинг орқасидан келадиган шон-шавкату мол дунёга, иккинчиси эса бемисл бойликка ва у туфайли келадиган маънавий бузуқликка муқкасидан кетади.

Саиднинг Юсуф ҳақидаги фикри ўз дунёқараши – ўз қаричидан келиб чиққан эди. “Дарҳақиқат, нега Юсуф энди рози бўлмоқчи? – хаёлан муаммонинг тагига етмоқчи бўлди. - Ҳархолда, қийналиб қолганга ўхшайди, ранги-рўйи бир аҳвол, озиб-тўзиб кетибди. Уст-боши ҳам яхши эмасдек туюлди... Тағин ким билсин, Манзура айтиётгандек замонга қўшилиб у ҳам ўзгаргандир. Ахир дунё кимларни не кўйларга солмаяпти? Уларнинг олдида Юсуф ким? Одамга ўхшаб яшагиси кеп қолган бўлса бордир” (110-б). Эътибор қилсак, энг юқори мансаб пиллапояларида юрган Саид ҳатто дўсти тўғрисида ҳам хотинининг фикри орқали мулоҳаза юритади: “Манзура – ҳақ, ҳали-ҳануз эски ошна-оғайниларга ёрдам берай, деб юриш – болалик, ғўрлик. Янги одам ўзига қандай фойдаси тегиш-тегмаслигини ўйламаслик мумкин эмас. Бу – авваламбор, ўзига керак... Манзура бежиз “Ўйлаб кўрайлик”, демаяпти” (111-б).

Юсуфнинг иқтидорини, билимини аслида Миразим ҳам, Саид ҳам тан олади. Ҳатто домлалари Юсуфни “Дунёнинг таянч нуқтаси” деб аташлари бежиз эмаслигини билишади. Аммо улар ҳали ҳам Юсуф билан маънавий-психологик яқин бўлганларида эди, дўстларининг аҳволини, қалбини, бутун борлиғида акс этиб турган психологик азобларини англаған бўлар эдилар.

Романдаги концептуал образлардан яна бири – бу, Захро образи. Орзулари осмон аёл бойлик ва имкониятлари кенглиги, дабдабали хаёт қафасида маънавий маҳв бўлади. Муттасил психологик сўроқлар

исканжасида ҳаёти ҳам, хаёли ҳам издан чиқаётганини англайди, буларнинг барисига сабабчи деб лоқайд эри Миразимни айблайди.

Хонадонларига курсдоши Юсуфнинг ташриф буюриши уни ўзи жирканаётган тубанлик жарлигидан қутқарадигандек туюлади. Шу ўринда муаллиф бири кам ва тўқис образлар қиёси воситасида бадиий парадоксдан фалсафий парадоксга қадар юксалиб борганини эътироф этиш жоиз. “Фақирликнинг нелигини билмаган, бир ўзи эмас, балки бутун оиласи – энди тили чиққан боласи-ю умр йўлдоши билан бир бурда нонга ёки дорига зор бўлиб, тасодифдангина нажот кутиб ўтишнинг нималигидан хабарсиз”(121-б) Захро инсон учун энг ёмони – маънавий қашшоқлик деб билади. Икки йўл орасида турган, руҳида аламзадалик бошланган Юсуфнинг мувозанатдан чиқишига моддий қийинчилик сабаб бўлаётган дамда Захро билан яқинлик уни тезлаштиради.

Захро шоҳона ҳаётдан безиб, борлиғини пароканда этган нарсанинг нима эканлигини аниқ чамалайди, аммо унга мос бир тадбир этагини ушлай олмайди. Чунки, у шарқ аёли ўлароқ ўз эътиқодида событ қолишга маҳкум эди.

Дарҳақиқат, Миразим ўз дунёси ичра – майшат оламига тамомила ғарқ бўлган эди. Эр-хотин орасига совуқлик солган асосий нарса инсоннинг ҳаддан зиёд моддият оламида беизтироб яшаётганида кўринади. Миразимнинг асосий вақти бозорда ўтади ҳамда қўнгил майшати эҳтиёжини қондириш учун ҳар хил «малла сочли» қизлар билан дон олишиб юради. Бунинг салбий оқибатлари Захро ҳаётини ҳам издан чиқаради.

Адид характер бадиий тадрижини шакллантирап ва унга ўзига хос чизгилар берар экан, биринчи галда ҳодисотнинг мантиқийлигини - психологик таҳлил имкониятларини кенг қўллаш орқали очиб беради. Талқиннинг бундай имкониятлари роман жозибасини - характер психикасини, унинг ўйлари, ташвишлари, ботинига муқим ўрнашиб олган исён – аламзадаликни бартараф этишга қаратилганилиги билан ҳам диққатга сазовордир. Чунки, адогсиз муаммолар кемасида омонат чайқалиб бораётган

қаҳрамон кечинмалари шу жараёнга юзма-юз келишга етаклайди. Инсон ҳамиша ёлғизликда турли хаёллар исканжасида беадоғ үйлар суради, мушоҳадалар юритади, фикрлайди. Ўз ҳаётини яхшилашга интилаётган Юсуф ҳам ёлғиз эди. Унинг ботинига раҳна соган бирдан-бир жиҳат ҳам ўзининг ёлғизлиги эди. У ана шу оралиқда ҳар бир қадамини үйлаб, сархисоб қилиб босар экан, турли дабдабаю асасадан безган, жисм ҳирси тамомила ўзини маҳв этаётган Захро ҳаётига бир дам ёргулук киритганини кейингина англақ қолади. Ўз дўстига хиёнат қилганини – гуноҳини тан олади. Худога ёзғиради: бу қандай кўргулик – хатолар нечун тугамаслигининг сабабини сўрайди. Бандаси айбини тан олиб, ибодату тавба-тазарру қилса, айби кечирилиши муқаддас китобларда айтиб ўтилган. Юсуф ҳам бу борада ўз эътиқодида собит қолишга уринади. Лекин хато ҳамиша хатолигича қолаверади. Ёзувчи реал тасвир моҳиятида замондош инсоннинг хато-ю камчиликлари, ютуқлари билан бус-бутунича турли хил ҳолат-кечмишлар орқали ёритади. Захро ва Юсуф муносабати роман сюжет йўналишида қандай ўрин эгаллайди, деган савол туғилиши, табиий. Айтиб ўтиш жоизки, Улуғбек Ҳамдам яратган характерлар тадрижий бадиий қонуният асосида ривожланади, ёзувчи бадиий тўқимаси концептуал ғояси негизида шаклланади. Ёзувчи романда иштирок этувчи персонажлар устидан ҳукм чиқармайди, агар Юсуф ўз эътиқодида собит турганида эди, ўз дўстининг хотини билан кўнгил майшатини қилмаган бўлар эди. Алал оқибат жисм ва рух ёлғизлиги туфайли азият чеккан Захро ботинида, ўз эри Миразимга нисбатан нафрат туйғуси аланга олади ҳамда қалтис ишга қўл уради.

Шу ўринда Улуғбек Ҳамдамнинг «Мувозанат» романи хусусидаги айrim баҳс-мунозараларга эътиборимизни қаратсак. Замонамиз руҳшуноси Отаули “Руҳий қадрим” деб номланган мақолосида “Мувозанат”да эса, бош қаҳрамон ўз дўстининг кўзига чўп солиб, унинг хотинига ўйнаш тутинали, буниси етмагандек, ерга урганда шердек наъра тортиб кўкка сапчийдиган ёшдаги одам ҳозирги дориломон замонда ётоқхонада ярим бўлка қотган нонни сувараклар билан “баҳам қўриш”га мажбур бўлади». Бундай ўқувчини

ачинтирадиган ожиз – нотавон, ўзининг инсоний қадридан мутлақо бехабар кимсалар... шонли замонамиз қаҳрамонлари, буюк ўзбек халқининг ёрқин тимсоллари эмаслар, албатта<sup>54</sup> деган хулоса билдиради. Мантиқий жиҳатдан бу фикрларда асос бор. Аммо “Мувозанат” романидаги бадиий мантиқ, Юсуф характеридаги айрим бўш нуқталар ушбу ҳолатнинг келиб чиқишига асос бера олади, деб ўйлаймиз.

Умуман, Юсуфнинг Захро билан бўлган мунозараси унинг кейинги ҳаётини яхшилаш учун бир қўприқ, восита, холос. Ана шу қўприқдан ОМОН ўтган қаҳрамон келажаги, янги ҳаёти ўша нуқтадан туриб бошланади. Негаки, адабий талқинда инсон умидлари жилваланар экан, ёзувчи бадиий эстетик тафаккури жамият ҳаётидаги муаммоларни илғаб олади ва инъикос этади. Реалистик тасвир имкониятлари тадрижий такомиллишиб, эврилиб бораётганлигини Улуғбек Ҳамдамга замондош ижодкорлар изланишларида ҳам кузатиш мумкин. Бу хилдаги ўзгаришлар истиқлол даври романчилигига асосий йўналиш – романий тафаккур имкониятларининг нақадар чексизлиги ва турфалиги билан белгиланади:

«Шу билан бирга, агар ҳақиқатнинг кўзига тик қарамоқчи эсак, бундай сирлар ўзгаларда ҳам бўлиши мумкин-ку, - дерди Захронинг ичидаги кимдир. – У ҳолда одамлар ташқаридан қандай кўринсалар, ичкарида ҳам шундай эмас эканлар-да. Бундан чиқдики, биз иккюзламачилармиз. Дилемизда бошқаютилимизда бошқамиз. Одамзод ўз қўллари билан бунёд этган жамият ҳали унинг барча саволларига жавоб тополгани йўқ. Бизнинг асл истакларимиз, эҳтиёжларимиз ташқарига чиқолмай, унга йўл тополмай бўғилиб ўлади. Лекин биз атрофга жилмаймоқчи бўламиз, чорасизликдан келган яралардан бағримиз қонга тўлиб кетган бўлса-да, юзимизга баҳтиёрлик табассумини чизмоққа тиришамиз. Ҳа, биз мунофиқлармиз. Аввало, ўзимиз, ўз табиатимиз олдида товламачилик қиласиз. Шунинг учун «Кўйнимда бир ёру кўнглимда бир ёр», дея одамзоднинг асл ҳолини биргина мисрага агадул-абад

<sup>54</sup> Отаули. «Рухий қадрият». Мустақиллик даври адабиёти. – Тошкент: «Адабиёт ва санъат нашриёти», 2006. 176-177-бетлар.

парчинлаб ташлаган шоирга дилимиз жўр бўлса-да, тилимиз уни ахлоқсизликда айблашдан чарчамайди» (231-б.).

Юқоридаги иқтибосда ўз эрига нисбатан хиёнатга қўл урган Захро табиатидаги эврилишларни зукко китобхон тўла англаб етади. Лекин шу ўринда савол туғилади: Захро ўз эрига хиёнат қилдими ёки ўзлигигами? Шоҳона ҳаётда яшаб, ҳайҳотдек ҳовлида танҳоланиб, руҳан ёлғизланиб қолган Захронинг ўй-мушоҳадалари Юсуфдек зиёли ва ақлли инсонга эҳтиёж сезади. Бу эҳтиёж Миразимнинг аёлига бир оддий буюмдек қараши, беътиборлиги натижасида кун ўтган сайин улғайиб, борлиғини емира бошлайди. Бир дилкаш дардкаш истаги Юсуф ва Захрони бир-бирига яқинлаштиради. Аммо ушбу иқтибос ҳақидаги бир мулоҳазани шу ўринда қайд этиб кетишинистардик. Яъни Захро тилидан берилган юқоридаги мушоҳадалар руҳий изтироб чекиб, ўз қилмишларидан заифаларча қочаётган аёл нутқидан кўра, кўроқ муаллиф нутқини эслатади. Уларда эр кишига хос мушоҳада тарзи яққол сезилиб турадики, бу романнивиснинг ўз асарини тўла маҳотарга эришмаган пайтда ёзгани билан изоҳланади.

“Мувозанат” романининг бадиий муваффақиятини таъминлаган, ёзувчига хос услубни намоён қилган психологик усул ва воситалар – психологик монолог, психологик портрет, психологик пейзаж, психологик нутқ қаҳрамонлар психологик эврилишларини очиб беришга хизмат қиласи: “Эрталаб супирилган йўлаклардан бошқа ҳаммаёқ тилларанг хазон билан қопланган. Захронинг бола мисол бу заррин гилам устида думалагиси келди, аста қўзгалиб хазонларни босганча кеза бошлади...

У куз каби маъюс тортиб қолган эди. Ҳатто ботинида илгариги – бор-йўғи ярим йил аввалги қуюн тепаёзганди. Энди Захро гўё тақдирга тан берган каби юввош тортганди” (158-б).

Бугунги роман қиёфаси ғарбона асосни шарқона руҳда идрок қилиш билан ҳам ўзига хосликни тайин этади. Бунга монанд муайян шаклу шамойил касб этиб, адабий йўналишлари анчагина барқарорлашган яқин йигирма йиллик ўзбек романларида давр руҳияти ва ижодкор фалсафаси уйғунлиги,

илгор романчилик мактабларининг сезиларли таъсири борлигини ҳам унутмаслигимиз керак, албатта. Шу жиҳатдан изоҳлайдиган бўлсак, 80- йиллардан бошлаб ҳаётни янгича тафаккур тарзида тасвирлаш бошланди. Ровий тимсолига эътибор кучайди. Инсонни мукаммал талқин этишда ёзувчилар турли хил услублар ва методлар синтезига мурожаат эта бошладилар. «Мувозанат»да ҳам адиб томонидан шундай адабий-бадиий синтезга қўл урилганига амин бўламиз.

Романда психологик таҳлил имкониятлари ёзувчининг ҳар бир асарида ўзига хос амалга оширилади ҳамда турли бадиий вазифани бажаради. Бу эса бизга бадиий психологизм имкониятларини муаллиф бадиий тафаккури даражасида намоён қилган

Адабиётшунос А.Расуловнинг «Улугбек Ҳамдам романи ҳозирги ўзбекнинг ўйлари, изланишлари, психологик-маънавий изтироблари ҳақидаги асардир. «Мувозанат»нинг ютуғи шундаки, унда жонли, тирик, изланувчи, хомсут эмаган бандалар тимсоли тиниқ тасвирланган. «Мувозанат»да яхлитлик, бир бутунлик рухи бор»<sup>55</sup>, - деган фикрлари асардаги ҳар бир эпизодда изчиллик борлигини, теран мушоҳадага йўгирилган сюжет чизиқларида характер тадрижан ривожланиб боришини англатади. Ўзидан ўтганини ўзи биладиган ва хатоларини тўла идрок этиб, ҳаётини яхшиламоққа аҳд қилган, бу иши билан миллат ва жамият турмушини, унинг шонли келажаги хусусида қайғурадиган замондош инсон образи юксалади. Миллат сажиясини бир инсон ташқи ва ички оламида акс садо бериш ҳолларини турфа хил тақдирлар тимсолида кузатамиз. Реал ҳаёт ичкарисида – инсон орзулари нақадар адоксиз эканига гувоҳ бўламиз. Шафқатсизларча бойлик ва шуҳратпастлик касалига мубтало бўлган одамзод табиатини тўла идрок этишга замин ҳозирлаган хилма-хил касб эгаларининг жонли лавҳалардаги ҳаракатига тўқнашамиз. «Мувозанат» диндорга диний илмлар, тадбиркорга тужжорлик ишларидан, зиёлига илмий

---

<sup>55</sup> Расулов А. Бадиийлик безавол янгилик. – Тошкент: «Шарқ», 2007. 73-бет.

қарашларни, оддий инсонга яшаш саодати ва бахти хусусида сўз очади ҳамда ўзга бир олам сари етаклайди.

Ёзувчи «Мувозанат» романида функционал-гоявий чизгилар, талқин ва тасвир қоришиқ табиати, нутқий манера ва ифода воситалари узви турмушнинг оддий икир-чикирларидек туюлган бир-бирини тўлдирадиган ҳамда муайянлаштирадиган ички тизимни ифодалайди. Аслида ҳам «ҳар бир инсон ўз истак ва эҳтиёжларининг ёнидадир» (Мавлоно Румий), Юсуф интилган мувозанат - бахтли бўлиш орзусида кечган ибратли ва аччиқ ҳаёти китобхонда мушоҳадакор, баҳсталаб фикрларни уйғонишига туртки бўлади.

Бу жараёнда Юсуф ботинига сингиб кетган *аламзадаликнинг* бир уни жамият бағридан сув ичса, бир уни атрофидаги одамларнинг бешафқатлигидан таранглашиб боради. Бунинг ёрқин мисоли дўсти Нуриллонинг фирмада ишлаб топган пулини қарзга олиб кетгани, қайтиб қорасини кўрсатмагани, шогирди Шавкат муҳтоҷлик сабаб пул сўраганида беролмаслик изтиробининг психологик тасвири романда реал ифодасини топган. Қаҳрамоннинг Нурилло ва Шавкат билан муносабатларида ёзувчи инсоннинг ожиз ва қудратли томонларини рўй-рост кўрсатишга ҳаракат қиласи. Биз шарқлиkmиз. Шунинг учун ҳам қон-қонимизга, табиатимизга сингиб кетган меҳр-муҳаббат, ачиниш ҳисси доим бизни ўз йўлига бошлаб тураверади. Оқибат эса, хато иш қилганимизни тўла англаб етамиз. Йиллар давомида ўз ҳаётини таҳликага солиб, борлиғи билан муҳтоҷликни енгишга киришган Юсуф айни пайтда ўзини енгиб, муҳтоҷнинг эҳтиёжини чиқариб юборади. Лекин дўстининг унга фириб бериб алдаб кетганини кейингина тушуниб етади. Бу ҳол Юсуфнинг аламзадалигини баттар кучайтиради. Реалистик тасвир имкониятларидан унумли фойдаланган ёзувчи инсон шахсига буюк эҳтиром билан назар ташлайди. Негаки, ўзлигини англаш сари юзланган Юсуф доим ҳам ўз хатосини тўла англаб етолмайди. Ўтган кунларидан, аччиқ қисмати муҳрлаган тақдиридан тайинли хулосалар чиқаришга баъзида ожизлик қиласи. Романда ана шу жиҳатлари билан «хом сут эмган» бандалар алал-оқибат ўтмиш ва келажак хусусида мушоҳада

юритиши, улардан керакли хulosалар чиқаришга бўлган интилишлари рўй-рост тасвирланади.

Айни шу жиҳат истиқлол даври романларида реалистик тасвир имкониятининг нақадар чексиз эканлигини далолатлашга хизмат қилса, иккинчи жиҳатдан миллат кишисига бўлган чукур хурмат белгисини ҳам тўла асослайди. Сабаби романда ўтмиш ва келажак хусусидаги жонли лавҳалар, воқеалар, бир-бирига ўрнини бўшатиб бераётган ҳодисотлар узвийлиги жанрий-композицион яхлитликни келтириб чиқаради.

Адабиётшунос X.Каримовнинг “Роман замондан озиқланади, замон эса ундан ўз қиёфасини қидиради, унинг воситасида ўзини янада яхшироқ англашга ҳаракат қиласи”<sup>56</sup>, - деган хulosалари ҳар қандай адабий талқин моҳиятида давр кайфияти ва ўша замон руҳияти акс этиши мумкин, деган хulosага келишимизга замин ҳозирлайди. Дарҳақиқат, романнинг бугунги қиёфаси кечагига нисбатан тубдан жанрий қамров нуқтаи назаридан, ифода негизи ўзига хослигидан ҳам жиддий тафовутланади. Чунки ҳар қандай давр ўша пайтдаги адабий асарга ўз таъсирини ўтказмай қўймайди, албатта.

«Мувозанат»да ҳам худди шу хилдаги кайфиятни кўришимиз мумкин. Айтиш жоизки, «Мувозанат» романи психологик-фалсафий таҳлил имкониятлари билан суғорилганлиги учун ҳам унда замондош инсон қисмати рўй-рост гавдалантирилган. Бунда Юсуфга нисбатан анчайин кўп ҳаёт машақкату заҳматларини чеккан, ҳалол инсон, отаси Одил аканинг изтироблари - Амирнинг ақлдан озиши, келини Гулшоданинг аянчли аҳволи ва ўз жонига қасд қилиши, уларнинг болалари тирик етим бўлиб қолиши, ўғли Юсуфнинг фарзанди Муҳаммаджондан, оиласидан ажралиши бир ота ҳаётида қандай из қолдириши жонли лавҳаларда акс эттирилади. Романда хилма-хил тақдирлар зиддияти – ўз-ўзи билан аёвсиз психологик олишаётган инсон шахсига дуч келамиз. Қисматига нима битилган бўлса, одамзот ундан асло қочиб қутулолмаслигини ёзувчи исботлашга уринмайди, аксинча тасвир

<sup>56</sup> Каримов X. Истиқлол даври адабиёти. – Тошкент: «Yangi nashr», 2010. 225-бет.

рухига сингдиришга, ўқувчининг ўзи тегишли хulosалар чиқаришига ундаиди:

«Эрталабки ғира-шираликада Юсуф туман марказидаги мол-қўй сотиладиган бозор яқинида машинадан тушиб қолди. Бозор гавжум, мол-қўй эса одамдан-да сероб эди.

У симобдек қайнаб турган майдонга бир пас разм солиб турди-да, ўзига синашта боқаётган одамнинг олдига дадил бориб сўрашди:

- Ассалому алайкум!

- Валай...

- Мабадо даллолмасмисиз?

- Худди ўзи. Нима оласиз, молми қўй, новвосми ғунажин, қўчкорми совлиқ?..

- Соғин сигир. Туққанига бир-икки ҳафта бўлган, серсут, зотдор сигир топиб беринг, ака.

- Юринг...»(256-257 б).

Ушбу келтирилган лавҳада Юсуф неча йиллардан буён ўйлаб юрган режасини амалга ошириши учун тиним билмай ишлаши, аччиқма-аччиқ курашиши натижасида эришганига ёзувчи мантиқан ургу беради ва асосли тасвирлайди. Бир пайтлар қўрасида «битта туёқ» қолмасада отасининг ўғлига энг сўнгги оила нажоти - соғин сигирни сотиб пулинин бергани учун Юсуф ота-онаси олдида қарздор эканлигини ич-ичидан ҳис этиб яшайди. Ундағи психологик интилиш – фарзандлик маъсулияти инсонийлик бурчи билан сингишиб кетади. Қахрамон тийнатига хос олийжаноб туйғулар уни психологик мувозанат сари етаклайди.

Айни шу жиҳатдан Юсуфнинг ботинидаги лоҳаслик ўрнини – кураш, ишchanлик, миллатнинг бир аъзоси эканидан фахрланиш, қўпчилик учун фойдаси тегадиган иш қилаётганидан ғуурланиш, аввалги ишлаб юрган соҳаси университетга қайтиши, талабаларга тарих илмидан сабоқ бериши ҳоллари тасвирланган ўринлар бир қадар тезлашиб кетгандек кўринади. Ёзувчи бадиий нияти – Улугтоқقا - иймонга кўз тиккан Юсуф тийнатига

бошқача назар билан қарайди ва ўзига хос рамзий-мажоз мантиқини сингдириб боради. Ёзувчи айни шундай йўл тутганини бирдан далилламайди, китобхонни чигал психологик вазиятларга аста-секинлик билан тайёрлаб боради. Улуғтоғ романда рамзий тимсол. Ёзувчининг: “Улуғтоғ – иймон рамзи. Мусулмон кишиси ҳамиша иймонли бўлишга шошилади. Ўзиди ҳамиша шунга эҳтиёжу истак-майл сезиб яшайди. Чунки ҳар жиҳатдан бақувват Ислом дини моҳиятида ҳам Иймон масаласи, Иймон тушунчаси катта бир ўзакни ташкил этади. Шундай экан, Иймонли одам Катта давлатнинг буюк Келажаги сари қадам ташлайди. Иймонли Одам ҳеч қачон ўзгаларга жабр-зулмни, ёвузликнираво қўрмайди. Иймонли Одам ҳамиша ўз суюнган, сифинган Эътиқодида событ яшайди”<sup>57</sup>, деган фикрлари Юсуф сингари қаҳрамонлар моҳиятига сингдирилган асл мақсаддир.

Улуғтоғни Иймон рамзи деб қараган Юсуф неча-неча тақдиру тарихларни бошидан ўтказмасин, доимо Иймон ва Эътиқодида событ қолишга уринди ва шунга амал қилиб яшади, интилгани - Мувозанат сари дадил қадам билан етиб олади.

Маълумки, ҳар бир ёзувчининг услуги истеъдод табиати, ижодий қиёфаси, тафаккур тарзи, ифода йўсини, адабий анъаналарга муносабатига боғлиқ равишда кечади. Нисбатан қисқа вақт ичидан сўз ва фикр эркинлиги бадиий адабиётда ҳам акс этаётганини “Мувозанат” каби асарлар мисолида айтишимиз мумкин. Ижодий индивидуаллик бадиий асарнинг барча шаклий-мазмуний сатҳларида намоён бўлар экан, айни пайтда, композицион яхлитлик бадиий изланишлар орасидаги типологик муштаракликни инкор этмайди. Ёзувчи «Мувозанат» романида анъанавий талқин усулларини ривожлантирган ҳолда, миллат умумруҳиятидаги жиддий эврилишларни бадиий маҳорат билан тасвирлай олганида кўринади.

---

<sup>57</sup> Улугбек Ҳамдам. Интернет материали: [www.ulugbekhamdam.uz](http://www.ulugbekhamdam.uz)

## **Боб бўйича хулоса**

1. Ўзбек адабиётида бадий психологизм илдизи ўзбек мумтоз адабиёти намуналари, ўзбек халқ оғзаки ижодига бориб тақалади. Замонавий наср ва унга хос психологизм имкониятлари Шарқ ва Ғарб адабиётининг илфор ютуқларини ўзида мужассам этиб, замонавий ўзбек носирлари ижодий изланишларида такомиллашиб борган.

2. Бадий психологизм қатор манбаларда ёзувчи – персонаж – ўқувчи ёки ижодий жараён – бадий асар – ўқувчи ички олами деган формула асосида тадқиқ этилган. Аммо баъзи олимлар ўқувчи ролига эътибор қилмаган, ёзувчи психологияси персонажда такрорланади деб ҳисоблаганларки, бундай мулоҳазаларни қабул қилиб бўлмайди. Чунки бадий психологизм шу учликлар доирасида замон, макон ва индивидуал ижодкор муносабатининг ҳосиласи ўлароқ такомиллашиб, серкирралик касб эта боради.

3. Улуғбек Ҳамдам ўзининг “Мувозанат” романида психологик – фалсафий усул ёрдамида персонажлар ички оламини ёритар экан, аввало, воқеликни идрок қилишининг анъанавий тамойилларини бадий синтезлаш йўлидан борган. Реалистик метод имкониятларидан кенг фойдаланган. Натижада романдаги бадий – эстетик концепциянинг салмоғи ортган.

4. Ўзбек романларида бадий психологизмнинг кучайиши, воқеа-ҳодисалар тасвиридан инсон онги, психологик олам натижасида миллий романчилигимиз тадрижий ўсган. Хусусан, реалистик роман анъаналарини ўзига хос ривожлантирган У.Ҳамдамнинг “Мувозанат” романида ШАҲС руҳиятини замон билан ҳамнафасликда ёритиш бош мақсад ва янгиланган бадий-психологик усул ҳисобланади.

5. Ижтимоий-психологик вазият, ёзувчи маънавий оламидаги тебранишлар, миллий-адабий анъаналар ва жаҳон адабиёти тажрибаларига ҳамоҳанглик (А.Камю, Ф.Кафка) роман поэтикасида «ўтиш даври»

синовлари акс этаётган замондош инсон рухияти силсилаарини психологик акс эттирилиши ёзувчи маҳорати ва эпик кўламдорлигининг бир белгисидир.

6. «Мувозанат» асари воқеликни бадиий идрок этиш ва ифода тарзига кўра миллий роман тараққиётида ўзига хос ҳалқани ташкил этади. Романда жамият кайфиятининг инсон рухиятига бевосита ва билвосита таъсири бадиий мушоҳада теранлигини кўрсатади. Бундан муаллиф бадиий-эстетик салоҳиятининг ички бадиий қонуниятлар даржасига кўтарилиши тарзида тушуниш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

7. Адиб қаҳрамон рухиятини таҳлил қилас, ҳар бир персонаж ўзлигини ўзи орқали таҳлил ва талқин этишига интилади, яшашдан мақсад ва маъно қидиради, Оллоҳ томонидан буюрилган фарз ва амалларни икки дунё мезонидан келиб чиқиб баҳолайди ва баҳоли қудрат амал қиласади. Эзгуликни ёқлайди, нафс ва ёвузыликни қоралайди. Натижада романда психологик, фалсафий ва илоҳий тушунчалар бадиий уйғунлашган ҳолда намоён бўлади.

8. Романда Ватан, эл-юрт тушунчалари энг муқаддас туйғулар сифатида талқин этилади. Мустақил ўзбек ҳалқининг буюк келажаги учун курашмоқ зарурати китобхон ботинида ҳам шундай кайфият уйғотади. Демак, «Мувозанат» романи инсон психологик борлигини тадқиқ этиш концепциясининг ўзига хослиги билан ҳозирги миллий романчиликада алоҳида аҳамият касб этган асарлардан саналади.

## **II БОБ. ИНСОН ВА ҲАЁТ ВОҚЕЛИГИНИ МЕТАФОРИК УЙГУНЛАШТИРИШ БАДИЙ ПСИХОЛОГИЗМНИНГ БИР КЎРИНИШИ СИФАТИДА**

### **2.1. “Исён ва итоат” романи сюжети ва композициясида бадиий психологизмнинг ўзига хослиги**

Мустақиллик даври ўзбек романларида инсон ва борлиқ муносабати, реал воқелик ва инсон ички дунёсини метафорик уйғунлаштиришга интилиш муайян тамойилга айлана бошлади. М.М.Дўст, Т.Мурод, Э.Аъзам, А.Аъзам каби 80-йиллар авлоди ёзувчилари ижодида кузатилганидек, Н.Эшонқул, А.Йўлдош, З.Қуролбой қизи, С.Вафо, Л.Бўрихон, И.Султон, У.Ҳамдам сингари 90-йиллар авлоди насирида ҳам айни жиҳат кўзга яққол ташланади. Инсон ва олам феноменини метафорик уйғунлаштириш усули насирий ижоднинг деярли барча жанрларида учрайди. Ҳикоя, қисса, романларда бу жиҳат ўзига хос тарзда намоён бўлади. Н.Эшонқулнинг “Гўрӯғли” романи, “Сибизға воласи”, “Баҳоуддининг ити” ҳикоялари, А.Йўлдошнинг “Пуанкарे”, Зулфия Қуробой қизининг “Қирмизи либосли аёл” ҳикоялари, С.Вафонинг “Оворанинг кўрган-кечирганлари”, “Тилсим салтанати” романлари, “Қора бева” туркуми ҳикоялари, Л.Бўрихоннинг “Хизр кўрган йигит” қиссаси, “Темир сандик” ҳикояси, И.Султоннинг “Боқий дарбадар”, “Озод” романлари, “Ҳазрати Хизр изидан” қиссаси ва туркум ҳикоялари, У.Ҳамдамнинг “Наъматак” мини романи, “Ёлғизлик” қиссаси ва қатор ҳикоялари 90-йиллар насирида олам ва одам ботинини метафорик уйғунлаштириш муҳим тамойилга айланиб бораётнганидан далолат беради. Энг муҳими, ушбу тамойил катта насирий жанрнинг бадиий психологик тасвирлаш имкониятларини кенгайишига олиб келмоқда.

Адабиётшунос У.Жўрақулов янги давр ўзбек насирида пайдо бўлаётган бадиий тамойиллардан бири воқеликни метафорик (истиоравий) қабул қилиш экани ҳақида гапириб, 2012 йил ҳикоялари таҳлили асосида шундай хulosани илгари суради: “2012 йилда чоп этилган ҳикояларда истиоравийликнинг икки

шаклини учратамиз. Уларнинг биринчиси бутунича истиорага қурилган кичик эпик жанр намунаси – ҳикоя-истиоралардир. Бундай ҳикояларда ёзувчи томонидан танланган бирор мавзу ҳамда воқеа бир бутун истиора тизимиға айлантирилади. Сюжет ва образ умумлашма (типологик) моҳият қасб этади. Ҳикоя тили рамзлар силсиласига қурилади. Асар композицияси ўрнини истиора қолити (метафорик модел) эгаллайди. Натижада ҳикоянинг макон-замон қамрови улканлашади. Маъно кўлами кенгаяди” (Таъкид бизники, Ш.Б.)<sup>58</sup>.

У.Ҳамдам ижодида ҳаёт воқелигини инсон ички дунёси билин уйғун ифодалашнинг метафорик усули илк қиссаси “Ёлғизлик”даёқ қўзга ташланган эди. Ўттиз ёшли қирчиллама ўзбек зиёлиси рамзига айланган “Ёлғизлик” қиссаси қаҳрамони руҳий-маънавий, ижтимоий-маиший муаммолар қархисида ёлғиз ва ўз ёлғизлигига чора излаётган одам образининг метафорик умумлашмаси эди. Қисса қаҳрамони ўз ботиний муаммосига ички “мен”идан чора излар экан, олам ва одам ҳақидаги улкан фалсафий мавзуларда мушоҳада юритади. Бундай бадиий мушоҳадалар билан танишган ўқувчи муаллифнинг “ёлғиз” метафораси остида борлиқ, воқелик ва инсон танаси ичра ёлғиз, ҳимоясиз қалбни назарда тутаётганини асарнинг сўнгги нуқталарига қадар тадрижий равишда англаб боради. Бундай метафорик талқин усулини ёзувчининг “Наъматак” деб номланган мини романида ҳам кузатишимиш мумкин. Ушбу экспериментал наср намунасида ёзувчи наъматак метафораси остида барча воқеалар, инсонлар ҳаётига гувоҳ бўлиб турадиган, ўткинчи вақт оқимини кузатадиган бирдан-бир феноменел бутунлик дунё макони образини беради. Авлодлар алмашинаверади. Инсон умри ўтаверади. Аммо наъматак – дунё тураверади. У ҳеч қачон замон оқими, инсон умрига таъсир эта олмаганидек, зимон ва инсон умри ҳам унга таъсир қилмайди. Аммо тадқиқотчилар ушбу асрда романий концепция катта эпик жанрга хос серқирра палотноларда акс этмагани важидан “Наъматак”ни

<sup>58</sup> Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2015. – Б. 260.

роман жанрига мансублаш ножоиз деб ҳисоблайдилар. Р.Раҳматнинг “Адашвой”, И.Султоннинг “Сувдаги коса”, У.Ҳамдамнинг “Сафар” ҳикояларини ҳикоя-метафора таркибида санайдилар<sup>59</sup>.

У.Ҳамдам мана шундай тадрижий равишда эпик ижоднинг йирик жанри романда олам ва одамни иметафорик умумлаштиришдек ўта мураккаб жараённи муваффақият билан босиб ўтди. Одамни борлиқнинг бир бутун комплекс метафорик тизими марказида бадиий психологик тасвирлаш йўлидаги қўп йиллик тажрибаларини “Исён ва итоат” романида юқори даражага кўтарди. Асарнинг ҳар бир бадиий компонентини метафорик мукаммалликда қурдики, бу фаслда ушбу назарий фикримизни роман сюjetи ва композицияси мисолида асослашга уринамиз.

Айтганимиздек, «Исён ва итоат» романи воқеликни метафориклаштириш усулига қурилган. Унда инсон ўзининг ким ва қандай қудратга эга мавжудот эканлиги хусусида бош қотиради. Шу сабаб журму исёнга берилади. Узоқ изтироблар ортидан итоатга келади. Гўё шу йўл билан мавжудлигини исботлайди. Муайян жумбоқларга жавоб топади. Лекин ҳеч бир банда Яратувчини тўла англаши, ўз мавжудлиги моҳиятига етиши мумкин эмас. Чунки инсонга бу борада жуда кам билим бурилган. Тасаввуф илмида ҳам ёзилганки, Оллоҳни англамоқ учун йўлга чиққанлар ўзлгини англамок учун қадам қўйганлардир, улар фақатгина ана шундай эзгу амаллари билан Оллоҳга яқинлашишдан ўзга ҳақиқатга юзма-юз келолмайдилар.

Роман ичкарисидаги ҳаёт маъниси шу каби мангу жумбоқни тушуниш учун бир кўприк восита, холос. Бунда Табиб ва Акбар, Лариса хола ва Диана, Турсунбой жонталаш ва оиласи, Маҳкам ва Марат образлари роман компонентларида ўз олами ичра, ўз тақдирларининг маънисини тушуниб етиш учун ИСЁН қилган персонажлар ҳисобланди.

Бадиий ижодда исён концепциясининг марказга қўйилиши Ғарб адабиёти анъаналарида ҳам мавжуд. Айнитқса, бу адабиётнинг Ж.Жойс,

<sup>59</sup> Жўракулов У. Кўрсатилган китоб. – Б. 260.

А.Камю, Ф.Кафка, Ж.-П.Сартр каби романнавислари ижодида исён концепцияси қизил ип бўлиб ўтади. Модернистик роман муаллифлари ўз асарлари қаҳрамонлари ботинида мавжуд ва зоҳирида мажозий акс эттирилган исён концептини табиий, реал ҳолат сифатида изохлашга уринадилар. Ўз асарларида ҳам мана шундай “табиий” муҳитни яратиш учун тиришадилар. Масалан, Камю қаҳрамонлари Мерсо (“Бегона”) ва доктор Рие (“Вабо”)лар ташқаридан қараганда ўта “табиий”дек кўринадилар. Яъни воқелик уларни қаёққа бошласа, шунинг изидан юраётгандек таассурот қолдирадилар. Аммо чуқурроқ диққат қилинса, барча абсурдлик, экзистенциаллик, маънисизлик ҳолатлари аслида воқеликда эмас, қаҳрамонларнинг ичида содир бўлаётгани, улар дунёни бўлганидек кўрмаётгандари, истаганлариdek англаб, истаганлариdek қабул қилаётгандари, талқин этаётгандари маълум бўлади. “Вабо”даги ўлат воқеаси моҳиятига кўра бош қаҳрамон доктор Риенинг ичида, яъни муаллиф онгига кечади. Камю ҳаё воқелигининг ўзида мантиқсизлик, маънисизлик, хаосни кўради. Шу сабадан ўз қаҳрамонларини бундай маънисизликка қарши исён кайфиятимни тарбиялайдики, бу ўзи қумдан ясаган уйчани ўзи бузиб ташлаб, яна шу иш оқибатидан ўзи йиғлаган бола ўйинига ўхшайди.

Шу нуқтаи назардан У.Ҳамдамнинг “Исён ва итоат” романидаги исён концептини Ғарб модернистлари исёни билан айниятда тушуниш мумкин эмас. Романнинг умумий мазмуни, сюжет курилиши бундай талқинга имкон бермайди. Аксинча, бу исён остида шарқона ўзни англашнинг метафорик талқини юзага қалқиб чиқади.

Ёзувчининг талқин доираси биринчи романга нисбатан кенгроқ, фалсафий мушоҳадалари теранроқ, онглараро мулоқот муваффақиятлироқ, инсоннинг яралиши ва яшаш моҳияти ислом фалсафасининг устуни Қуръони Карим асосида ўзига хос услубда бадиий инкишоф этилган деган хулосамиз айнан роман моҳиятидан келиб чиқкан. Чунончи, роман композициясини бир яхлит ғояга бирлаштирган Олам ва Одамнинг яралиши ҳикояти (1-3б; 7-10б;

16-23б) ҳамда Одам Ато ва Момо Ҳавонинг жаннатдан қувилиши тафсирлари роман хронотопига сингдириб юборилган.

У.Ҳамдам романлари таҳлили ёзувчига хос муҳим бир жиҳатни ойдинлаштиради. У.Ҳамдам романларида концептуал ғояни юзага чиқарувчи устоз образининг яратилиши “Мувозанат” романида Муҳаммаджон ака Юсуфнинг, “Исён ва итоат”да Табиб Акбарнинг ғоявий устози сифатида талқин этилади. Икки маънавий устоз образларининг ўхшаш жиҳати шундаки, иккаласи ҳам оиласидан бош олиб чиқиб кетиб танҳоликда умр кечирадилар. Ёзувчи Муҳаммаджон ака образини яратишда бадиий психологизмнинг вербал, Табиб образини яратишда эса мураккаб, онглараро новербал мулоқот усулларига мурожаат қиласиди. Романнавис ижодида соддадан мураккабликка, шахс оламидан умуминсоний қадриятлар талқинига қадар жонлантирилган макон ва замон ичра яшаётган инсон муаммоси очиб берилади.

“Исён ва итоат”да олиб кирилган ғоявий мазмун инсоннинг яралиши, унинг чекига тушган қисматни бошидан кечириши илоҳий китоблардаги хабарларга мутаносиблаштириб олиб борилади. Хусусан, Қуръони Каримда келади: “(У, тақводор зотлар) қачон бирон-бир нолойиқ иш қилиб қўйсалар ёки (қандайдир гуноҳ иш қилиш билан) ўзларига зулм қилсалар , дарҳол Оллоҳни эслаб, гуноҳларини мағфират қилишини сўрайдиган. – Ҳар қандай гуноҳни ёлғиз Оллоҳгина мағфират қилур, – билган ҳолларида қилган гуноҳларида давом этмайдиган кишилардир” (Бақара, 135-оят). Яъни инсоннинг билмасдан бир гуноҳга кўл уриши бани Одамга хос табиий ҳол. Энди шунинг гуноҳлигини билиб туриб, тавба қилиш, ундан қайтиш, шу гуноҳни бошқа қайтармаслик бу мўмин одамнинг сифатидир, деган маъно чиқади бу оятдан. Билиб туриб ўз гуноҳларида давом этиш, тавба эшиги томон боришдан бош тортиш, мана шу айни исёндир. Шунинг учун У.Ҳамдам романидаги “исён” концептини, бизнингча, Ғарбона “исён” эмас, билмасдан гуноҳ қилиб қўйиш маъносига тушунилса тўғри бўлади. Чунки

асардаги барча қаҳрамонлар ўз гуноҳларини англаганлари заҳоти тўғри йўлга қайтадилар. Исёнларида давомкор бўлмайдилар.

Оллоҳ ваъда қилган боқий дунё жаннатига тушишнинг бир шарти – фоний дунёда иймон – эътиқод билан яхши амаллар қилиб яшашдир. “Исён ва итоат” романи қаҳрамонларининг ҳар бири, ҳатто Табиб ҳам қисматнинг мashaққатли йўлини босиб ўтади. Яратганга истиффор келтиради ва алал оқибат иймон йўлини танлайди.

Романда Акбарга устози Табиб бир неча марта ҳар кимнинг ўз йўли бор деб таъкидлайди. Ўқувчисини бир тарсаки уриб қамалиб чиқсан Акбар ўз шогирдини сафарга чорлар экан, сенинг ичинг тўла ғалаён, исён... Йўлга чиқмоғинг керак! – дейди. Ичидаги ғалаён, исённи босиш учун Акбар нималар қилмади: четга қовун олиб борди, молини олдириб таъзирини еди, аммо бўйин эгмади. Алал-оқибат ундаги ғурур, мардлик “босс”нинг тантилигига сабаб бўлди. Ўзи кутмаган ҳолда бойликка эга бўлди, тадбир билан иш тутди... Аммо у ҳали ҳам итоатга келмаган эди. У икки хил ҳаёт тарзини кечирди. Ундаги психологик азоб унинг борлиғини емириб боради. Ички монологларда Акбар Оллоҳга иддаолар қиласи, кўксидаги оловни учишини, вужудидаги исённи бостирилишини истайди, аммо у қанчалар ўжар бўлса, ичидаги ғалаён ҳам шунчалар кучли эди. У токи ўз қисматига кўнмас экан, вужудидан жунун ҳам чиқиб кетмайди. Унинг сарсон дунёси нафақат қишлоқ ва шаҳар ораси эди, унинг сарсон дунёси ўзининг ботинида, ўзининг психологик азбларида эди.

“Исён ва итоат” романига хос психологик усул ва воситаларни таҳлил этар эканмиз, қаҳрамонлар ботинида бир неча “мени” яшашни ва бу «мен»лар онглараро мулоқотга киришишига амин бўламиз. Ҳатто алоҳида баёнсиз ҳам талқин этилмаган воқеа – ҳодисалар англашиши ёзувчи маҳорати орқали намоён бўлади. Бу асарнинг фаслларга бўлинишида ва икки хил моҳиятини:

- оламнинг, шунингдек, Одам Ато ва Момо Ҳавонинг яралиши, уларнинг шайтоннинг макрига учиб жаннатдан қувилиши;

- макон ва замонда яшаётган одамлар қисматни ўзида уйғунлаштирганида аён бўлади.

Ёзувчи шу икки воқелик ўртасидаги композицион параллелизмни роман охиригача тутиб туради. Гуноҳ ва мағфират саодатига эришув воқеасини асар композициясига сингдириб юборади. Романдаги ҳар бир қахрамон, ҳатто Лариса каби эпизодик қахрамонлар ҳам, Ақбар ва Табиб қисматида умумлаштирилган банда қисматининг гуноҳ ва тавба йўлини босиб ўтадилар.

Нафақат бир адид ижодида ёки бир миллий адабиёт мисолида, балки дунё адабиётида бани одам - инсонга хос жунун талқин этилганини кўриш мумкин. Г.Маркеснинг “Ёлғизликнинг юз йили”, Л.Толстойнинг “Анна Каренина” каби романларда ҳам умуминсоний қадриятлар талқин этилади, диний қарашлар Яратганинг ягоналиги ва унинг иродаси - инсон қисмати эканлигига шафе келтирилади. У.Ҳамдамнинг “Исён ва итоат” романига ҳам хос хусусият умуминсоний қадриятлар Оллоҳнинг ягоналиги ва тақдир битигини англаш орқали намоён бўлади.

Таниқли мунаққид Дамин Тўраев эътирофича: “Улугбек Ҳамдам “Исён ва итоат” романида бу дунё зўравонларининг Худога тенглашишга уриниб, сунъий инсон – клон яратиш ғоясини амалга оширган даҳрий даҳоларга нафрат билан қаровчи, бу зўравонларнинг ёвуз қилмишларига йўл очиб берган Шайтонга “кучи етмаётган” Худога норозилик билдирувчи, эзгулик, яхшилик учун аёвсиз курашда енгилаётганидан изтироб чекувчи Табиб, Устоз тасвири (образи)да ҳозирги давр руҳини, замонамизнинг ижобий қахромонини ёрқин тасвирлайди”<sup>12</sup>. Дарвоқе, олимнинг ушбу фикрини «Исён ва итоат» романига ҳам менгзаш мумкин бўлади. Шу жихатидан олиб қарайдиган бўлсақ, У.Ҳамдам романларида «композицион ранг-бараңглик»лар турфа кўриниши яққол кўзга ташланади. Бинобарин, романда ўзлигини, табиатини, ожизлигини англаш сари интилаётган, умуминсоний муаммолар хусусида мулоҳаза юритаётган Табиб, ёлғизлигидан сиқилиб,

<sup>12</sup> Тўраев Д.Давр ва ижод масъулияти. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2004. 37-бет.

реал ҳаётда ҳам кўплаб одамлар – дўсту биродарлари орасида дили кемтиклигидан изтиробга тушаётган Лариса хола, умрини меҳнатга бағишлаган, ўзини асараб-авайламаган Турсунбой жонталаш, бойлик, роҳат-фароғат кучогида яшашни мақсад қилган Маҳкам, ўз гўзаллигига шайдо бўлиб, гулдек умрини хазонга айлантирган ва бу йўлдан қайтишга жазм этган Диана каби персонажлар асар компонентларида етакчилик қиласди. Буларнинг тақдирини, келажагини, ҳаётдаги ўрнини, жонли, реал лавҳаларда тасвирлаган ёзувчи ҳар бирига алоҳида меҳр билан ёндашади.

Романдаги Лариса холанинг марҳума дугонаси руҳига дуо қилиши тавбанинг бир кўриниши бўлса, Лариса хола, Диана образларида муштараклик Оллоҳ берган ҳусн-жамолдан кибрланиш, бирининг Оллоҳ неъмати - аёл учун фарзанд туғиши, ўстириш аъмолини инкор этиш, алал-оқибат фарзанд меҳрига зор бўлиш – ўзи танлаган йўлнинг узундан-узоқ азобини тортиш ёзувчи томонидан психологик портрет, психологик туш, психологик галюцинация, психологик монолог, психологик таҳлил каби усул ва воситаларда очиб борилар экан, Лариса хола учун азобга айланган ўз ҳаётига қарши исён қилиши қўшниси Димани ақлан заиф ҳолда учратиши натижасида авж олади ва у Яратган иродасига қарши ўз жонига қасд қиласди. Сўнгги лаҳзада Акбарнинг “Лариса хола” деган ҳайқириғини эшитганда эди, у ўзини тўхтатиб қоларди. Аммо ундаги психологик ҳолат сабаб исён йўлини танлаб бўлган, шайтон йўлиниқабул қилган эди. Димани учратгандан сўнг ва жонига суиқасд қилиш ҳолатигача бўлган психологик жараён автор томонидан тасвирланмайди. Аммо роман сюжети воқеалари ривожида Лариса холанинг яшашдан чарчаганлиги аёлнинг психологик изтироблари орқали очиб берилади. Бир муддатлик итоат – Акбар ва Диананинг инсонийлиги уни Оллоҳ иродасига бўйсундиради. Аммо Дима мисолидаги хўрлик руҳига чўкиб кетган исённи жунбушга келтиради: аёл яшашга, Яратганга, қисматга қарши туради. Оқибат жонига қасд қилиб, муртадлик йўлини танлайди.

Янги давр адабиётида, хусусан эпик жанрлар орасида имконияти, мавзу доираси анчайин кенг роман жанри янгидан янги услублар етакчи талқин воситалари ёрдамида шаклланмокда. XX аср ибтиносида насрий асарлар урф бўла бошлаган бир даврда Қодирий, Чўлпон каби забардаст носирлар ва кейинги давр романнавислари ижодида шаклланган адабий анъаналар истиқлол даврига келиб ўзгача моҳият касб этди. Адабиётшунос Б.Каримов таъкидлаганидек: «Биздаги адабий-илмий талқинлар ва таҳлиллар доираси кенгаймоқда; жаҳон адабиётшунослигидаги ўткинчи ва етакчи тамойилларга қизиқиши кучайди»<sup>60</sup>. Х.Дўстмуҳаммад, О.Мухтор, У.Хамдам, Т.Рустам каби адиблар ижодида тамомила рамзий-мажозий тасвир шартлилиги, яхлитлиги ўзига хос тарзда ифода этила бошланди. Романнавислар бадиий изланишларида, Н.Эшонқул, Э.Аъзам, С.Вафо каби истеъдодли носирлар ижодида у ёки бу даражада рамзий-мажозий талқин орқали инсон ва давр кайфияти, бир сўз билан айтганда ўй-кечинмаларини тасвирилаш жиддий кўзга ташланади.

Айнан, юқоридаги адиблар қаторида ёзувчи У.Хамдам «Исён ва итоат» романида давр кайфияти ва инсон рухиятини реал ҳаётнинг метафорик талқинни кўрамиз. Давр муаммоларининг туб илдизи – гуноҳ ва тавбанинг ибтидоси Одам Ато ва Момо Ҳаво даврига бориб тақалишини, илдизи ана шу оралиқда бўй кўрсатишини хилма-хил персонажлар табиати, тақдири, қисмати асосида чизишга муваффақ бўлади. Адабиётшунос И.Ёкубов эътирофича «Роман оламнинг ўзига хос сиқиқ манзарасини мужассамлаштира бошлади. Кўп планли мазмун, сертармоқ сюжет, композицион ранг-баранглик, жаҳон эпик тажрибасига хос тасвирий восита ва усулларни қўллаш, шаклий ихчамликка интилишни ўзлаштира борди»<sup>61</sup>. Олимнинг ушбу фикрини «Исён ва итоат» романига ҳам бевосита тегишли. Шу жиҳатидан олиб қарайдиган бўлсак, У.Хамдам романларида «композицион ранг–баранглик»нинг мантикий тадрижи кўзга ташланади.

<sup>60</sup> Каримов Б. Абдулла Қодирий: талқин, таҳлил. – Тошкент: «Фан», 2006. – Б. 91.

<sup>61</sup> Ёкубов И. Бадиий-эстетик сўз сехри. – Тошкент: «ФТМ нашриёти», 2011. 283-бет.

Бинобарин, романда ўзлигини, табиатини, ожизлигини англаш сари интилаётган, умуминсоний муаммолар хусусида мuloҳаза юритаётган Табиб, ёлғизлигидан сиқилиб, реал ҳаётда ҳам қўплаб одамлар – дўсту биродарлари орасида дили кемтиклигидан изтиробга тушаётган Лариса хола, умрини меҳнатга бағишилаган, ўзини асраб-авайламаган Турсунбой жонталаш, ўзгалар бойлиги эвазига роҳат-фароғат қучоғида яшашни мақсад қилган Махкам, ўз гўзаллигига шайдо бўлиб, гулдек умрини хазонга айлантирган ва бу йўлдан қайтишга жазм этган Диана каби персонажлар тақдири акс этган лавҳалар асар композициясида етакчилик қиласди. Хатолардан хulosачиқариб яшаш, шу йўл билан ўз ҳаётини ўнглашга интилиш ҳар бир ожиз банданинг амалидир. Бироқ баъзан қисматга кўнишиб учун қанчадан-қанча заҳматлар чекилиши «Исён ва итоат»да ўз тажассумини топган.

Улуғбек Ҳамдам романлари услубини тадқиқ этган М. Пирназарова: «Бизнинг адабиётшунослигимизда, фикримизча, «Исён ва итоат» романидаги бадиий-фалсафий хulosалар кўлами «Мувозанат» асаридаги каби кенг ва салмоқдор эмас. Бироқ, муаллиф романда ўзига хос шаклий-услубий йўлни танлаган. «Қуръони Карим» сура ва оятлари, диний-илоҳий мазмундаги ривоятларни романнинг асосий кечеётган замон ва макондан мустақил тарзда, яъни ёндош баён қилган. Шунга қарамасдан, улар романнинг бадиий мақсадини очишда ўзига хос уйғунликни юзага чиқаради»<sup>62</sup> – деган хulosани билдиради. Тадқиқотчининг «Исён ва итоат» романи хусусидаги фикрига нисбатан баъзи эътиrozли хulosалар борлигини билдирган ҳолда, романга киритилган илоҳий-диний киритмалар асар композициясида муҳим ўрин эгаллайди, характер рухиятини, унинг исён қилиб итоат йўлига ташлаган қадамининг АСЛ сабаби қай ўринда бошланганига, Одам Ато ва Момо Ҳавонинг билиб-билмай Адан боғидан чиқарилишини, ҳамда ўз маънавий-психологик-ижтимоий мувозанати сари қадам ташлашида қандай сир - синоатларни бошдан кечириши, изтиробларга мубтало бўлиши ҳолатларини

<sup>62</sup> Пирназарова М. Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар. Филология фанлари номзоди ...дисс. автореф. – Тошкент, 2006. 14-бет.

англашга яқиндан ёрдам беради деб ўйлаймиз. Чунки айни шу каби бадий киритмалар орқали ёзувчи бадий нияти ҳам, давр кайфияти ҳам уйғунликда юзага чиқади, ҳамда, одамзоднинг кучли ва ожиз жиҳатларини турли ракурсларда ифода эта олганлигига кўринади.

Акбарнинг бир тарсаки деб, уч йил озодликдан маҳрум этилиши ва белгиланган колонияда жазосини ўташи, кейинчалик устози Комил табибнинг маслаҳатига кўра узоқ ўлкага саёҳатга чиқиши, бутун умри давомида қилган гуноҳидан сўнг тавба йўлига кириши, Худодан мағфират сўраши ва ниҳоят итоатга келишдаги хилма-хил ҳаётй манзаралар ҳамда роман воқеасининг изчиллиқда баён этилиши ёзувчининг жиддий фалсафий ғояни илгари суришидан инсон хусусидаги илмларни теранроқ англаб етганлигидан дарак беради.

Мунаққид С.Содик «Исённинг ҳудуди борми... итоатнинг-чи?» мақоласида: «Исён ва итоат» романида инсон қалбининг нозик жилолари: феъл-автори, руҳияти, кўнгил талпинишлари бадий талқин этилганлигини, асарнинг фалсафий-психологик табиатини етарлича изоҳлай олмайди<sup>63</sup>- деган фикрни билдиради. Бу эса бироз баҳсталаб мулоҳазадир. Негаки, роман жанрининг кечагига нисбатан ички табиати, қиёфаси, шакли ўзгарди. Бир бутун давр ҳаётини, инсон қисматини минглаб саҳифаларга муҳраган Достоевский, Толстой каби сўз санъаткорлари анъаналари йиллар ўтиши билан ижодий изланишлар натижасида тобора ихчамлашиб, гўзал бир шакл олаётганини кузатамиз. Мунаққиднинг «инсон феъл-автори жилоларини етарлича изоҳлай олмаган» деган фикрини нуқтаи назар сифатида қабул қилсакда, асарда бадий макон ва замонда ўз тақдирини топишга интилаётган персонажлар табиатида зухур бўлаётган психологик эврилишлар ёзувчи томонидан қай даражада амалга оширилганига эътиборимизни қаратсак.

<sup>63</sup> Содик С. Ижоднинг ўттиз лаҳзаси. – Тошкент: «Шарқ», 2005. – Б. 76.

Адабиётшунослар С.Содик, Отаули У.Ҳамдамнинг “Исён ва итоат” романига нисбатан талқин ва таҳлилларда деярли бир-бирига яқин муносабатни кузатамиз. Улар “Исён ва итоат”да «романий тафаккур унсурлари «Мувозанат» романы каби етарли эмас. Асарнинг тили ва ифода услуби ўзига хос бўлгани билан характерлар яхши очиб берилмагани»га ургу беришади. Адабиётшунос олим Б.Каримов роман поэтикаси хусусида “Бадиий асар поэтик тадқиқотга муносиб бўлган тақдирдагина унга адабиётчи олимлар такрор ва такрор мурожаат этиши мумкин. Бунда талқинчиларнинг ҳаётни, санъатнинг тилини, поэтик-бадиият қонуниятларини, санъат асарининг қарашлари савиясидан юксак бўлса, талқинда ўзига хос илмий кашфиётлар юзага чиқади... Санъат ва адабиётдаги фавқулодда, оригинал асарларни тушуна билиш ва тушунтира олиш учун олим санъаткор–ижодкор дарду дунёсига бир қадар яқинлашуви лозим”<sup>64</sup> – деган холосалари роман поэтикасини талқин этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ж.Эшонқулов: «Инсон руҳияти жуда кенг олам бўлиб, ундаги ҳиссиёт ва туйғулар икки хил шаклда ўзини намоён этади. Биринчиси англаңган, маълум мантиққа бўйсунган ташқи дунёга нисбатан ўзининг қатъий холоса ва йўналишига эга туйғулар. Бу туйғу инсоннинг жамиятга, одамларга, атроф муҳитга муносабати ва булар ҳақидаги маълум тушунчага эга бўлган қарашларни ифодалайди; буларнинг барчасини синтез қилиб берадиган, яъни онг бевосита иштирок этади. Иккинчиси, онг ости ҳислари, онгга қалқиб чиқмаган, лекин инсон руҳиятида доимо мавжуд, ташқи дунё билан тинимсиз алоқа қилиб турувчи ҳислар. Бу ҳислар инсон ҳаракати, руҳиятининг асосини ташкил этади»<sup>65</sup>, – деб ёзади.

Олимнинг фикрига қўшилган ҳолда, инсон руҳияти худди кун–тун алмашинувига ўхшайди. Чунки кайфиятга қараб турланиб–тусланиб туради. Баъзан кўнгил хотиржам бўлган пайтлари ҳеч нарсани ўйламайди киши,

<sup>64</sup> Каримов Б. Абдулла Қодирий: талқин, таҳлил. – Тошкент: «Фан», 2006. – Б. 115.

<sup>65</sup> Эшонқул Ж. Фольклор: образ ва талқин. – Қарши: «Насаф», 1999. – Б.130.

баъзида безовта ҳолатга тушганида кулган одамни кўришга ҳам юраги бетламай туради. Бу эса инсон руҳияти мураккаблигидан далолат беради. Руҳият мураккаб бўлиши мумкин. Аммо бани инсон мукаммал эмас, дейишимиз мумкин. Бинобарин, «Исён ва итоат»да инсонинг бекор руҳияти билан боғлиқ ҳар иккала шаклни учратамиз. Бунинг ёрқин мисоли Акбар ва унинг қамоқхона ҳаёти билан боғлиқ тафсилотларда кўзга ташланади:

*“- Наҳотки, инсон ҳаёти ҳеч нарсага арзимаса? Тавба, бир тарсаки учун қамаб ташлайверса-я... Ҳукм қилаётганлар бу ёқда ҳам ўзига ўхшаган... Худонинг бандаси – одамзот эканини ҳеч ўйлашармикин ўзи?..”<sup>66</sup>.*

Акбар ўз-ўзи билан олишиб, исён қилишининг дастлабки кунларида шундай мулоҳаза юритади.

«Исён ва итоат» романининг яна бир хусусияти унда ўзгача шаклу шамойил – тасвири ихчамлиги, тафсил қисқалиги ва ана шу жараёнда характер бадиий тадрижини ривожлантиришда илохий-диний киритмаларни матн қаърига усталик билан сингдириб бадиий яхлитлик касб этганликда кўринади. Роман кутилмаган вазият билан бошланади. Демак, асар муқаддимасидаги – тун рамзи ва яратилиши биринчи кунидаёқ қаҳрамоннинг кейинги ҳаётига, унинг қисматига ишора мавжуд. Жанр ички интизоми, воқеалар кетма-кетлиги, ёзувчи бадиий нияти ва кўлами ҳам айнан, одамзотни тозариш сари қадам қўяётгани – Исён қилаётганини мантиқий асослаб боради.

Роман мутолааси ва таҳлили жараёнида инсон психологик борлиги турфа кўринишлари қабариб кўринади. Асар воқеалари изчил суратда бир-бирига мантиқан боғланган - учта қисм, саксон саккиз бобдан иборат бўлиб, Куръони Карим оятлари ва воқелик талқини уйғунлашиб кетади:

«Олам узра зулмат ҳукмрон эди у пайтлар. На қиттай ёруғлик бор эди ва жиндай ҳаракат. Эҳтимол, мавжуд эди улар. Бироқ зулматнинг қаърида чўкиб ётарди. Бошқа ёқдан эса ёруғликни, ҳаракатни кўра оладиган, уларни

<sup>66</sup> Ҳамдам У. Исён ва итоат. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2003. – Б. 5 (Бундан кейинги иқтибослар сахифада қавс ичидаги кўрсатилади).

идрок эта биладиган хилқатнинг ўзи йўқ эди. Фақат Тангри таоло бор эди. Вақти келиб У билинмоқни истади. Зулматнинг қорнини ёриб, бутун бошли дунё яратишни ният қилди. Ва, «Ёруғлик бўлсин!» деди. Шунда зулматнинг бағри чок-чок сўкилиб ичидан нур оқиб чиқди. Дунёда зулмат ва нур, тун ва кун пайдо бўлди. Бу яратилишнинг биринчи куни эди...» (3-б).

Роман муқаддимасида келтирилган ушбу лавҳада ёзувчи Қуръони Карим оятлари асосида оламнинг яратилиши хусусида фикр юритади. Адид бадиий воқеликнинг шартланганлик моҳиятидан чекинмай ўзига хос услубда рухият тасвирига мантиқий урғу беради. Эътиборлиси, шахс рухиятидан сўз очилмайди. Аммо роман тафсилотларида кейинги ҳодисотларга ишора қиласи. Бош қаҳрамон Акбарнинг «қамоқхона туйнугидан ташқарига қараб туриши», ўзлиги билан тўқнаш келиш каби ҳолларга бадиий чизгилар беради. «Улуғбек Ҳамдам инсон зотининг кучли ва ожиз жиҳатларини хилма-хил нуқтаи назарларда акс эттиради. Айниқса, башариятнинг ilk тарихи билан қиёсий таҳлил этишда ижобий мазмундаги киритмалардан фойдаланиш ижобий натижалар берган. Одам зотининг тавба, англаш, хис этиш йўлини ўтиб итоатга келиши, ҳақ йўлидаги бандасининг ҳидоят қилиниши билан илоҳий-фалсафий фикрлар бирмунча ҳаяжонли ўй-мулоҳазалар орқали Акбар образи мисолида илгари сурилади», - деб ёзади М.Пирназарова. Дарҳақиқат, тадқиқотчининг мулоҳазалари «Исён ва итоат»нинг поэтик таҳлилида рухият кенгликларини ойдинлаштиришга ёрдам беради. Негаки, инсон ҳамиша ўзини англаш ва тушуниш учун рухан изтироб чекади, қайғуради. Ҳаётда шундай инсонлар борки, умри давомида зиддиятлар қучогида яшайди. Бу каби инсонлар тақдири «Исён ва итоат»да маромига етказиб бадиий тасвирланади.

Бошқа халқлар мифологиясида бўлгани каби ўзбек халқ антропогенетик мифларида Одам Ато билан Момо Ҳавонинг иблис кутқусига учраб таъқиқланган мевани еб қўйиши оқибатида жаннатдан

ҳайдалгани хусусида турли хил қарашлар мавжуд<sup>67</sup>. Айнан шу фикрлардан келиб чиқиб романга ҳам одамнинг яратилишига оид азалий масала янги давр нуқтаи назаридан киритилган. Ҳаёт моҳиятини теран идрок этган ёзувчи ҳам инсон табиатига сингиб кетган нафс тушунчасини ўзига хос тарзда ифода этади. Бунда Табиб – Акбар – Искандар, Лариса хола – Диана - Турсунбой жонталаш оиласи кабилар фикримизнинг ёрқин далилидир. Булар бир-бири билан психологик яқинликда яшашади. Романда бири иккинчисининг ўрнини тўлдириб келиши ва характер бадиий тадрижини шаклланишига замин ҳозирлайди. Бироқ асар қаҳрамонлари турли касб, турли ёшдаги, турли муҳитдаги инсонлар бўлса ҳам ўз ички дунёси билан яшаётган, бир-бирини такрорламайдиган образлардир.

Роман композициясида хилма-хил бадиий киритмалар қўлланилганки, бусиз ҳодисот мантиғини, аникроғи исён нимаю, итоат нима деган саволга жавоб топиш жуда мушкул. Шулардан бири психологик тарангликни зухур этган илоҳий-диний киритмада ўз аксини топган:

«Оллоҳ таоло Одамнинг ҳеч нарсадан кам бўлмай яшамоғи учун Адан боғини бунёд этди. Унга турли-туман дараҳтлар ўтқазди, ирмоқлар келтирди. Сўнг Одамни у ерга қўйиб: «Сен бу боғнинг ҳар бир дараҳтидан еявергин. Фақат яхши ва ёмонни билиш дараҳтидан ема. Чунки ундан еганинг қуниёқ ўласан» дея буюрди...» (23-б). Қуръони Каримнинг “Бақара” сурасида сўнгги хулоса “Фақат мана бу дараҳтга яқинлашмангки, у ҳолда золимлардан бўлиб қоласиз”<sup>68</sup> – шаклида берилади.

Келтирилган ушбу иқтибос роман моҳиятида ёзувчи илгари сурмоқчи бўлган ғояни, сюжет таркибий қисмлари, композицион яхлитликни, олам ва одам хусусидаги файласуфона мантиқни талқин этиш жараёнида образ психологиясини мураккаблигича англашга кенг йўл очади. Бу каби рамзлар ўқувчи тасаввурида баҳс-мунозаранинг уйғонишига, теран идрок қилиб мушоҳада юритишга замин ҳозирлайди. Романнинг бир неча ўринларида ҳар

<sup>67</sup> Бу ҳакда қаранг: Шоумаров Ш. Араб-ўзбек фольклори тарихий-қиёсий таҳлили. – Тошкент: «Фан». 2002. 175-бет.

<sup>68</sup> Қуръони Карим. – Тошкент: «Чўлпон», 1992. – Б. 9.

бир ҳодисотнинг моҳиятини ёритиш учун ёзувчи юқоридаги кўринишида илоҳий-диний асосларни қўллайдики, ушбу композицион қурилиш ғоя моҳиятини очиб беришга хизмат қиласди. Негаки, инсон пешонасида нима битилганлиги, яъни қисматидан бехабардир. Агар пешона ёзуғини ҳар ким ўзича билиб кетганида эди, бундай исёну итоатга ўрин қолмаган бўларди.

Психологик таҳлилни зухур этган бадиий асар унсурларига мунаққид Ҳ.Умурев «Психологизмнинг формалари турли-туман бўлганидек унинг портрет, диалог, монолог, туш, психологик тимсоллар, ҳиссий ҳаракатлар, пейзаж, галлюцинация каби поэтик воситалари ҳам ранг-барангдир. Уларнинг ҳар бири қаҳрамон ички дунёсининг яширин сирларини ошкора қилишида ёзувчига қўл келади»<sup>69</sup>, - дея аниқлик киритади. Олимнинг ушбу фикрлари амалий ифодасини «Исён ва итоат» романида кўрадиган бўлсак, умри бино бўлиб, ёлғизликдан зериккан, зада бўлган, охири ўзидан орқасида эслагулик бирон-бир тирноқнинг қолмаганига роман қаҳрамони Лариса хола афсус чекиб, нола қилиши, табиий. Айни шу ўринда, Лариса хола ва Диана ўртасидаги боғлиқлик юқоридаги фикрларни тўла қувватлайди. Инчунун, Лариса холанинг бундай итоатга келиб Худога ёлвориши ва деярли қисматини ўзгартириб бўлмаслигини ёзувчи моҳирлик билан тасвирлайди. Эътиборли жиҳати шундаки, гуноҳга ботиб, ўз қилмишларидан пушаймон еб, тазарру қила бошлаган Диана учун Лариса хола кўзгу бўлади. Лариса холага қисмати ҳатто тушларида аён бўлади:

“Лариса хола тағин ўша тушни кўрди. Тағин ўзини туғилиб ўсган ва болалиги ўтган Волга дарёси бўйидаги хутордан топди. Тағин у ҳар сафаргидек, малла, қўнғир сочли болалар қуршовида, айни чоғда навбатдагисига хомиладор ҳолда каттакон стол атрофида ўтирибди...

Яна тушига гоҳ ота-онаси, гоҳ опа сингиллари-ю укалари, гоҳ эри киради. Нима бўлгандаям, улар ўтирган уйни турли ёш ва жинсдаги одамларнинг, болаларнинг овозлари, қий-чувлари тутиб ётарди... Бироқ у ҳар сафар негадир болаларга эътибор берарди ёки уйғонганда тушининг

<sup>69</sup> Умурев Ҳ. Рисолалар. Сайланма. 1-жилд. – Тошкент: «Фан», 2007. – Б.34-35.

айнан болалар билан боғлиқ қисмини ёрқинроқ эслай оларди. Бугунги туши ҳам шундай бўлди: у стол атрофида саранжом-саришта кийинган ва ўз галини кутиб турган болаларга бежирим кўзачадан сут қуйиб берарди... Кейин ўзига ҳам қуйиб оҳиста ўтирибди-да секин-секин ютум-ютум ичиби. Қорнини – ҳомиласини силабди... Шу ерга келганида эса уйғониб кетди. Уйғонди-да тушига кирган болаларни таниб бир ғалати бўлиб кетди: улар ўзининг туғишидан опа-сингиллари ва укалари эди. Фақат болаларнинг ичидаги ўзини кўрмади. Шунга ҳам ўйланди. Бироқ ҳомила-чи?.. У мен эмасми? Ахир мен ўртанча эдим-ку? Нега энди кенжатой бўлиб кўриндим у ерда, нега туғилмаган бола бўлиб?.. Балки менмасдирман. Унда мен қайдаман? Ҳамма бор, битта мен йўқман? Нега?.. Она-чи? Она ким эди?..”(39-40 б). Бир оз рус қишлоқлари ҳақидаги фильмлардаги таниш картиналарга ўхшаб кетишини эътибордан соқит қилинганда, тушнинг якуни қизиқарли чиққан. Туш мантиғига эътибор берсак: Қаҳрамон ака – укалари орасида ўзининг йўқлигига ажабланади. Туш таъбири, бизнингча, Лариса хола ўзидан зурриёд қолдирмаганига ҳавола, аёл ҳаётининг давомчиси йўқ. Бу илоҳий белги сифатида тушда аён бўляяпти. Шунингдек, қаҳрамон онг остида фрейдона “удвоение” иккиланиш ҳодисаси кўзга ташланади. Яъни Лариса хола бир пайтнинг ўзида ҳам она, ҳам бола. Атрофдагиларга опа-сингил бўлиши билан бирга, кейингиларига ҳомиладор она. Бу ўта мураккаб психологик ҳолат бўлиб, З.Фрейд таълимотида “Эдип комплекси”<sup>70</sup> деб номланадики, ғайримиллат вакиласи онги остида шу ҳолатни кўриш ва талқин қилишда ёзувчининг Фрейд таълимоти ҳақидаги билимлари бадиий ассоциация бергани билинади. Чунки миллий маънавият, ўзбек менталитети бундай таълимотни сира ҳам қабул қила олмайди.

Немис руҳшуноси, инсон психикасини кенг ўрганган Зигмунд Фрейд туш кўриш инсон ички майл таъсирида юзага келади ва уни бошқаради, деган хulosага келади. «Фрейд тушни таҳлил қилар экан, тушга эътиборсизлиги шу инсонларнинг руҳан майиб бўлиб қолишига сабаб

<sup>70</sup> Бу ҳақда қаранг: Жўракулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: «Фан», 2006. – Б. 37-68.

бўлади. Тушга – ички истак ва кечинмаларга эътиборсизлик туфайли одамзот энг катта фожеага дуч келди; у ўз қалбини унутиб қўйди. Фрейд XX асрга хос ёвузлик, қуллик, мутелик, психологик касалликлар, ахлоқий бузилишлар, маънавий юзсизликлар, эътиқодсизлик ва иймон сустлигини инсоннинг ички истак кечинмаларига эътиборсизлиги ёки бу кечинмаларни зўрлик билан жиловлаб қўйишида деб тушунтиради»<sup>71</sup>. Бу фикрни тўла маъқуллаб бўлмаса ҳам, атроф-теваракда рўй бериб турган детал воқеалар инсон руҳиятига кучли таъсир қилиши, унда алоқ-чалоқ тушларнинг вужудга келишини таъминлашини инкор этиб бўлмайди. Дарҳақиқат, инсон ҳамиша ёлғизлигини ҳис этиб яшайди. Атрофида гул-гул чехралар – қариндош-уруглари, дўсту биродарлари бўлса ҳам ўзи нимадандир сикиласди. Шарқликларнинг бир табиати бор, - ҳамма сирини очиқ айтавермайди. Ҳаттоки, эр-хотин ҳам бир-бирларидан баъзи бир нарсаларни пинҳон тутишади. Бу эса одамнинг ўз кўнглига қулоқ тутиб яшashi, ўша кўнгил амрига бўйсуниб яшшида маълум хатоларни ўзича ҳақ деб, тушунишида ва алал-оқибатда мислсиз муаммоларга дучор бўлишига олиб келади.

Асарда қаҳрамон ўз хаёллари билан ёлғиз қолиб ўз-ўзини таҳлил ва тафтиш қилиши, кўнгли нималарни истаётганини, ботинини тилимлаётган изтиробга исм тополмай аросатда қолганини китобхонга ҳикоя қилишни эмас, кўрсатишни, ҳодисот мантигини англашни назарда тутгани шубҳасиздир. Роман композициясида Лариса хола – Диана психологик жиҳатдан бири иккинчисига сабоқ бўлиб туюлади. Аслида ҳам шундай. Бани одамзот ўзидан олдингилари, яъни аждодлари қилган хатолардан зарур хулоса чиқармаса ёки шунга қараб қадам ташламаса, билиб-билмай қилган гуноҳи эвазига бутун умри давомида азият чекиб яшashi ҳеч гап эмас. Романда ана шундай ибрат концептини ёш жиҳатидан фарқланувчи хилмажил персонажлар тақдирида қўриш мумкин. Табиб – Акбар – Искандар муносабатлари бунга мисол бўла олади.

---

<sup>71</sup> Қаранг: Эшонқул Ж. Фольклор: образ ва бадиий талқин. – Қарши: «Насаф», 1999. 104-бет.

Романда энг маваффақиятли қўлланилган психологик усуллардан бири ички монологдир. Бундай ифода усули «Мувозанат»да Юсуф, «Сабо ва Самандар»да Самандар, «Исён ва итоат»да Акбар каби персонажларнинг психологик олами, ўз дунёси ичра ёлғизланиб яшashi, аниқроғи мислсиз ботиний зиддиятлар қучогида изтироб чекиши тўла мисол бўла олади.

«Ички монолог – персонажнинг моддийлашмаган, ўзига қаратилган ва ичидағина кечувчи нутқи; бадиий психологизмнинг бевосита шакли. Шартли равишда инсон онгида кечаётган ўйлов (ҳис этиш) жараёни сифатида қабул қилинади»<sup>72</sup>. Дарҳақиқат, ички монолог Акбар психологик тўлғонишиларини ойдинлаштиришга, уни англаш ва тушунишга ёрдам беради. Ички монолог ҳар бир персонаж психологик дунёсини англашга ёрдам беради. Шу ўринда психологик талқин воситаларини юксак бадиий маҳорат билан қўллаган Л.Н.Толстой ва Ф.М.Достоевский асарларида персонаж онгида кечаётган эврилишлар бевосита тасвир сифатида берилиб, онг ва онгости қатламлари фаолиятини бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан тасвирлай олиш имкони кузатилади. У.Ҳамдам яратган образлар ҳам адoғsиз мулоҳаза юритади, куйинади, севинади, ўз-ўзи билан баҳслашади.

«Акбарнинг норозилиги тахминан ана шу заминда туғилганди. Унинг энг катта эътирози камонни отганга – Худога эди. «Нега одамзодга бунчалар ҳассос қалб ва нозик идрокни берганинг ҳолда уни шунчалар муваққат ва оқиз қилиб яратдинг?! Магарки шундай яратишни истаган экансан, унда бани одам учун ҳассос юракка, нозик идрокка бало бормиди?.. Ахир у шу хусусиятлари туфайли ҳам ўзини мудом баҳтсиз сезади-ку... - дерди у Яратганга исён қилиб, - чунки инсон ўз руҳининг гўзал эканлигини сезиб қолган ва бу гўзалликнинг ўткинчилиги, пешона ёзигининг чидаб бўлмас даражада ачинарли эканлиги норозиликни – Исённи туғдирмайдими?... Биламан, яхши англайман, инсон ўз-ўзидан бино бўлган эмас. Жами тирикликтининг ортида шубҳасиз, Сен борсан, эй Яратувчи! Бас, шуни билгач, ўз қисматига қарши ошкора бош кўтариш ақл-идрокдан эмаслигини ҳам

<sup>72</sup> Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б.

тушунаман. Лекин шунга қарамай, бош күтаришдан ўзга чора тополмаяпман. Нега, нима учун?.. Қани, жавоб бер Ўзинг, эй Холиқ!..» (2, 112-113б). Автор билвосита нутқи қаҳрамон бевосита нутқи билан алмашиниши натижасида фикр янада ойдинлашади.

Ёзувчи табиат ҳодисалари, фасллар алмашинувига ҳам рамзий маъно юклаш орқали психологик пейзаж яратади, бунда улар қаҳрамон психологик ҳолати билан параллелизм шаклида келади ва муайян мақсадга хизмат қиласи: «Паға-паға оппоқ қор ёғарди. Метродан чиқиб ишхонага шошиб бораётган Акбар хиёбонга етганда қадамини секинлатди. Афсонавий либосга бурканиб узундан-узун хаёлларга чўмган дараҳтларга энтикиб, тикиларкан, тилига шеър қалқиб чиқди:

«Паға-паға оппоқ қор ёғар,  
Боғлар киймиш илоҳий либос» (Р.Парфи мисраси).

«Туғилмоқнинг, дунёда яшамоқнинг маъниси шу гўзалликни ҳис қилиш ва унга эътибор кўрсатишда ҳам эмасмикин...» - мулоҳаза юритарди Акбар юз-кўзларига учиб келиб, қўнаётган ҳамда зумда эриб кетаётган лайлак қордан завқланаркан...» (82-б).

Акбар йиллар заҳматини бир дам унумтоқ мақсадида оппоқ қорни кўриб севинади, мулоҳаза юритади, қайғули дамларини эсидан чиқаргандек бўлади. Шу ўринда Улуғбек Ҳамдам қўллаган ҳар бир деталнинг ҳам ўз бадиий вазифаси бор дейишимизга асос бўлади. Инсон рухиятининг ва одам нозик жиҳатларини очиб беришга муваффақ бўлган ёзувчи олам ҳақида умуминсоний миқёсдан туриб фикрлайди, уни қалбан ҳис қиласи, бу эса ўз навбатида ўқувчининг диққатини ўзига жалб этади.

«Исён ва итоат»да Акбар билиб-билмай қилган гуноҳи учун озодликдан маҳрум этилишгача борган, бир маромда кечеётган умрини бошқа бир ўзангча буриб юборган, сабаби нафақат унинг ожизлиги. Балки у мансуб кирланган жамият инсонга бўлган муносабати натижасидир.

Роман ғоясини юзага чиқарган образ хусусида сўз юритар эканмиз, уларнинг баъзилари бир – бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда мулоқот занжирини

ташкил этишини, психологик вазифасига кўра онглараро мuloқотни амалга оширишини кузатамиз. Буни қўйидагича тасвирлаш мумкин: Акбар – Садр, Акбар – Маҳкумлар, Турсунбой жонталаш – Табиб, Нигина – Табиб, Акбар – Табиб, Искандар – Табиб. Романда ўндан ортиқ қаҳрамонларнинг психологик портретлари яратилади.

Роман жанри тарихидан ечимиға кўра “Исён ва итоат” романини очиқ романлар туркумига мансуб дейиш мумкин. Қисмат ҳақлигига ишонган ҳар бир ўқувчи Садр бу бир баҳона, Акбарнинг ёзиғида қамалиш бўлган, деган фикр билдириши тайин. Эътибор берайлик, роман талқини жараёнида Садр иккинчи бор – Табиб томонидан Акбар ҳаракатига ойдинлик киритиш учун суриштирилади. Сўнг эса бирон марта у эсланмайди ҳам, роман воқеалари тизимида учрамайди ҳам. Гўё у вагондан тушиб қолган йўловчикдек. Аслида эса Акбар ҳаётини алғов –далғов қилган, унинг руҳига кириб олган исён дебочаси сифатида у ҳолатдан бу ҳолатга ўтиб юради. У ҳатто акаси билан муносабатда ҳам, Диана ва хотини Зарифа орасидаги аросат йўлида ҳам мавжуд. Ҳатто Акбарнинг шаҳар ва қишлоқ орасидаги саросар юришида ҳам Садр мавжуд. Унинг ҳаёти ҳақидаги маълумот асарда муҳимлик мақомига эга эмас. Садр Акбар кўксидаги зулм – исённинг юзага келишига сабабчи омил сифатида Акбар руҳиятида яшайверади.

Романда психологик восита вазифасини ўтовчи образлардан бири – Турсунбой жонталаш образидир. Унинг Акбар билан алоқадорлиги йўқ. Аммо асар ғоясини очиб беришга хизмат қилувчи персонажлардан бири десак адашмаймиз. Унинг ёзиғи – қора меҳнат. Бу ўзбекнинг кинояга йўғрилган гротеск образи. У Тоғай Мурод Дехқонқулининг маънавий укаси.

Турсунбой жонталаш қисмати Табиб руҳияти, онги, шуурида шаклланган Одам, Олам ва Яратган фалсафасига аниқлик киритади. Акбарга маёқ бўлаётган ўгитларининг бир учи Турсунбой жонталашга, бир учи эса Нигинага бориб тақалади.

Ўз қисмат йўлини ботинидаги исённи енгиб алал-оқибат Оллоҳ ягоналигига, унинг Яратувчилигига шафе келтирган маънавий устоз – Табиб

одамзод йўл қўяётган хатолардан изтиробга тушади, айниқса тиббиётдаги клонлаш ҳодисасининг моҳияти ва оқибатини ўйлаб маънавий азоблар исканжасида қолади.

Табибнинг ўлими олдидан шогирди Ақбар билан бўлган сухбати эътиборга молик, ҳатто асар ғоясини поёнига етказувчи мантиқий хулоса десак адашмаймиз: “Ҳар қандай бошланган нарса қачондир, қайдадир якун топади. Лекин гап шундаки, сен шу икки нуқтани – ибтидо ва интиҳони ўз ҳаётинг давомида бирлаштира оласанми? Ундан ҳам муҳимроғи – сенинг бағрингга, сенинг дунёингга сиғадими шу икки нуқта?! Агар сиғса, сен яратган дунё шунга қобил чиқса, демак, сен улгурасан: ўлмасдан бурун ниҳояни топасан...” (114-б)

Романинг иккинчи қисм 13 фаслида Табибнинг истиғфори ички монолог шаклида берилади. Ушбу истиғфорда Оллоҳга муножаат Исёну Итоат, Журъату Иккиланиш, Ҳидоят қаҳрамоннинг Оллоҳни англаған онги ва руҳидаги кескин психологик диалог шаклида талқин этилади. Бизнингча, бу ҳам ёзувчи эриша олган бадиий маҳорат белгисидир.

“Исён ва итоат” романида психологизмни зуҳур этган сюжет ва композицион шаклларни тадқиқ этар эканмиз, роман қаҳрамонларига хос хусусият онглараро психологик мулоқот романнинг композицион қурилишида ҳам намоён бўлганини бир – бирига мантиқан боғланган талқин шаклларида кўрамиз.

## **2.2. Образ, характер ва портретлар тасвирида бадиий психологизмнинг ўрни**

Бадиий психологизмнинг асосий усуслари ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, ёзувчининг ҳикоя қилиш усулига аниқлик киритиш лозим. Инсон ички оламининг тасвири биринчи шахс тилидан ҳам, учинчи шахс тилидан ҳам берилиши мумкин. Бу ҳикоя қилиш шаклларининг ҳар бири турлича имкониятларга эга. Биринчи шахс тилидан ҳикоя қилиш қаҳрамон психологик сувратининг ҳақиқатга яқин иллюзиясини юзага келтиради.

Чунки ўзи ҳақида инсоннинг ўзи гапирайпти. Кўп ҳолларда биринчи шахс тилидан ҳикоя икрор характерида бўлади, бу ўз навбатида таъсирчанликни кучайтиради. Ҳикоя қилишнинг бу шакли кўпинча асарда бош қаҳрамон битта бўлиб, муаллиф ва китобхон унинг онги ва руҳиятидаги ўзгаришларни кузатиб бораётган ҳолларда қўлланилади. Қолган персонажлар иккинчи даражали бўлиб, уларнинг ички дунёси айтарли тасвирланмайди.

Учинчи шахс тилидан ҳикоя қилиш ички дунё тасвири бобида кенгроқ имкониятларга эгалиги билан ажралиб туради. Бунда муаллиф китобхонни ҳеч қандай чекловларсиз персонаж ички дунёсига олиб киради ва руҳият иқлимини чуқурроқ, батағсилроқ кўрсатади. Қаҳрамон қалбida муаллиф билмайдиган сир йўқ – у қаҳрамон ҳақида ҳамма нарсадан воқиф, муаллиф ички жараёнларни миридан-сиригача таҳлил қилиши, туйғулар, фикрлар, кечинмалар ўртасидаги сабаб-шарт алоқаларини изоҳлаши ҳам мумкин. Ҳикоячи қаҳрамоннинг ўз-ўзини таҳлил қилишини шарҳлаб ўтиши, ҳатто қаҳрамон ўзи илғамаган ёки тан олишни истамаган психологик кечинмалар ҳақида сўзлаши мумкин.

Бир вақтнинг ўзида ровий қаҳрамоннинг ташқи ўзини тутишини, мимикаси, пластикасини психологик таҳлил предметига айлантириши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Учинчи шахс тилидан ҳикоя қилиш асарга психологик тасвирнинг турли усусларини жалб этиш имконини беради: бундай ҳикоя тўқимасига ички монологлар, ошкора иқрорлар, кундалик ва мактублардан парчалар, тушлар, галлюцинациялар енгилгина қоришиб кетаверади.

Учинчи шахс тилидан ҳикоя бадиий вақт билан эркин муносабатга кириша олади, қаҳрамон руҳиятида кечадиган оний ҳолатлар таҳлили чоғида вақт узоқ муддатга тўхтаб қолиши ёки асарда тасвирланаётган узоқ муддатли воқеалар ҳақида қисқа маълумот берилиши мумкин. Бунга сюжет тармоқларининг алоқасини мисол келтириш мумкин. Бу муаллифга умумий ҳикоя қилиш тизимида психологик тасвирнинг салмоғини орттириш, китобхон эътиборини воқеалар тафсилотидан ҳис-туйғулар тафсилотига

кўчириш имконини беради. Шунингдек, бундай шароитда психологик тасвир ўзининг максимал деталлаштирилган даражасига кўтарилади: дақиқалар ва ҳатто сониялар ичида юз берадиган психологик ўзгаришлар тасвири бир неча сахифани эгаллайди. Ниҳоят, учинчи шахс тилидан ҳикоя қилиш орқали бир эмас, бир неча қаҳрамонлар ички оламини тасвирлашга эришилади.

“Бадиий асарда бош қаҳрамон асарнинг асосий ғояси ва умумий руҳини пафос даражасида ушлаб туриши лозим. Йўқса, асар пафосига ҳам, қаҳрамон жозибасига ҳам путур етади”<sup>73</sup>, - деб ёзади академик Б.Назаров.

У.Ҳамдамнинг қаҳрамонлар характеристикаси устидаги изланишларининг ажралиб турадиган ўзига хослиги қаҳрамоннинг ҳаёти давомида кўрган-кечиргандаридан хulosа чиқара-чиқара, одамлардан “бегоналашиб” боришида намоён бўлади. Асрлар мобайнida ечимини топмаган масалалардан чарчаган пайтлари “ўзига қамалиб олгиси” келади. Худди шу ҳолатда тасвирланаётган барча воқеа-ҳодисалар қаҳрамон психологик оламидан келиб чиқиб тасвирланади ва таҳлил этилади. Адабиётшунос олим К.Жўраев эътирофича: «Исён ва итоат»даги воқеалар тасвири ичида ҳам ёзувчи шахси яққол кўриниб туради. Факат ижодкорнинг маҳорати шундаки, у яратган образларнинг ҳаммаси ҳар хил, бири иккинчисига ўхшамайди, индивидуал, ўзига хос. Улар шеъриятдаги лирик қаҳрамон ёки тимсоллар прототипи эмас. Аммо шу билан бирга ёзувчи ўша қаҳрамонлари ичида, қалбida, улар билан маслакдош. Қаҳрамонларининг ички монологларида экзистенциал адабиёт вакили, ёзувчи, драматург, эссеист, актёр ва театр режиссёри Альбер Камю нафаси эшитилиб тургандай, унинг танқидий руҳи, исёнкор абсурд туйғуси сезилиб туради»<sup>74</sup>. Бу фикрга тўла қўшилиб бўлмайди. Юқорида ҳам исботлашга уринганимиздек, Шарқ менталитети ичида тарбияланган, руҳий-маънавий олами шаклланган, шу муҳит ичида ҳаракатланаётган, яшаб кун кечираётган инсонда Камюга хос абсурдлик туйғуси намоён бўлиши мумкин эмас. Чунки шарқона ҳаёт

<sup>73</sup> Назаров Б. Давр ва қаҳрамон // Ўзбек адабий танқидчилиги. – Тошкент: «Фан». 1979. 96, 215 – бетлар.

<sup>74</sup> Жўраев К. Ёзувчи исёни ва итоати. Бу ҳақда қаранг: интернет материали: [www.ulugbekhamdam.uz](http://www.ulugbekhamdam.uz)

фалсафаси, воқеалар ривожи, характер мантиқининг ўзи бунга изин бермайди. Беоналашувнинг Табиб, Акбар, Турсунбой жонталашга хос якуни ҳам “Исён ва итоат”да ҳеч қандай экзистенциал кайфият, абсурд якуннинг йўқлигини кўрсатадики, булар тадқиқотчи К.Жўраев хулосасининг бирёқлама чиқарилганини кўрсатади.

“Исён ва итоат” романида қаҳрамонни типиклаштиришнинг лирик тамойили устунлик қиласи. Акбарнинг психологик ўзини тутиши реалистик жиҳатдан тўла шартланган. Ёзувчининг персонажлар ички дунёсини зиддиятлар, тангликлар, азоб-оғриқлардан иборат психологик ҳолатлар, оғир кечинмалар орқали чизиши ҳам шундандир. Бироқ бу қаҳрамонларнинг ўзлари учун эмас, балки уларнинг ғоявий-маънавий изланишларининг интенсивлиги ва инсон табиати битмас-туганмас синоатлар макони эканига ургу бериш мақсадида қилинган. Биламизки, Улугбек Ҳамдам қаҳрамонларининг ички дунёси ҳамиша икки қутб, бир-бирига зид икки ҳол кўламида ҳаракатланади. Рухият мураккабликларига бундай – иложи борича кўламдор ёндашиш, чуқурроқ кириб боришга интилишлик уни мутлақ англаш бўлмасликни тушуниш орқали юзага чиқади.

Психологик деталлар инсон ички оламини гавдалантиради. Қалб тебранишлари – фикрни тўлиқ айтолмасдан, фақат ишора билан чекланиш усули ёки “нутқ орқали ифодаланмаган диалог”га мансуб унсурлар: кинесик ҳолатлар – хатти-ҳаракат, мимика ва пантомима элементлари ҳамда кулги, йифи, нутқ темпи каби паралингвистик элементлар психологик детал шаклини ифодалайди (И.В.Страхов) ёки персонаж динамик портретининг деталлари (мимика, пластика, маъноли ҳаракатлар, тингловчига қаратилган нутқ, физиологик ўзгаришлар) дея номланади. Психологик тавсифнинг “жамловчи-белгиловчи” шаклига нисбат берадиган бундай детални адабиётшунос А.П.Скафтиков “ҳисларнинг вербал (оғзаки) тасвири<sup>75</sup>” деб атайди.

---

<sup>75</sup> Скафтыков А. П. Нравственные искания русских писателей. – М., 1972. – С. 437.

Мисол учун, романдаги ижобий образлардан бири Табиб инсон ДНКси устида тадқиқотлар олиб бораётиб, ўзи ишлайдиган бўлим бошлиғи, профессорнинг ғаламислигини, инсониятга душманлигини сезиб қолади. Шунинг ортидан қамоққа “йўлланма” олган бўлишига қарамай, кейинчалик профессорнинг “Гриппнинг давосини топишга умрни сарфлаб ўтиришнинг ҳеч ҳожати йўқ. Одамзод дардини оламан, деб овораи сарсон бўлиб, алал-ошибат на бошқаларга, на ўзига ёрдами текканларни кўп кўрганмиз. Ҳа энди, одамларнинг ўзи ҳам бунга арзимайди-да. Қайтага гриппга ўхшаган касалликларни вақти-вақти билан кучайтириш, тарқатиб бориш керакки, ўшанда мўртроклару заифроқлардан тозаланиб турардик. Бу ёғи доридармондан анча-мунча пул ишлаб олиш мумкин бўлади...” деган гапларидан аччиқланмай ҳам қўяди.

Персонаж характерини очиш психологик тасвирининг бирламчи муҳим вазифасидир. Юз-кўз ифодаси, мимика, имо-ишора, гавда ҳолати каби новербал хатти-харакатлар кўпинча персонаж кўнглида кечаётган ҳислардан гувоҳлик беради. “Исён ва итоат” романида Акбарнинг нафақат ташқи қиёфаси, балки ташқи таъсир орқали шаклланган психологик олами – қалб драматизми яратилади. Ёзувчи, айниқса, қаҳрамонларнинг аҳволи-руҳияси, ички психологик эврилишлари ўзини зоҳир қилган ҳолатларни маҳорат билан тасвиrlайди: “Акбарнинг оёқ-қўллари қакшаб оғрирди. Улар калтак зарбидан чунонам эзилгандики, ҳатто бошқариб бўлмайдигандек эди. Лекин турган ерида ортиқ қолиб бўлмасди. Гарчи зўравонлар кетган эса-да, яrim йўлда фикрини ўзгартириб қайтиб кеп қолса нима бўлади? Устига-устак Акбарга мардлик қилиб бир боғлам пул ташлаб кетишган бўлса... Акбар тишини тишига қўйиб ҳаракатга келди, нарироқда турган стул олдига бордида, унга суюниб ўрнидан туриб олди ва шунда чап қўлидаги кучли, чидаб бўлмас оғриққа дуч келди: у синган эди...” (21-б)

Ташқи кўриниш баъзида персонаж характерига ишора қиласи. Муаллиф Акбарнинг портретини чизар экан, унинг ўзбекларга хос мард, содда, покдомон, шу билан бирга бошқаларга ўхшамаслигини кўрсата

боради. Унинг кўнглидаги исён ҳеч нарсадан қониқмаслик ва бунинг ортидан келиб чиқадиган хатти-ҳаракатлардан иборат эди. Китобхон роман бошидаёқ қаҳрамоннинг ғайриоддийлигидан воқиф бўлади ва бу исённинг Ғарб модернизмидагидек Яратганга эмас, жамиятдаги ноқисликлар эканига амин бўла боради. .

Персонаж портрети – бу унинг ташқи кўриниши: юзи, жуссасининг статик ёки динамик (юздаги ифода, айниқса кўз, мимика, хатти-ҳаракат, қилиқ ва юришидаги ўзига хослик) тасвиридир; персонаж либоси – портретнинг бир қисмидир. Портретнинг баъзи бир табиий қирралари бадиий асарда муҳим ўрин тутади. Улар китобхонда персонажнинг қайси миллатга мансублиги ва ижтимоий келиб чиқиши ҳақида дастлабки тасаввурларни уйғотади. Бунда унинг либослари, маънавиятидан далолат берувчи ўзини тутиши катта аҳамият касб этади: “Улкан чуқурликда жойлаштирилган ва чор томони панжара билан ўралган бу машина гўшт майдалайдиган баҳайбат “мясорубка” эканлигини Акбар энди англали. Тилига дуо кўчиб чиқди. Кўз олдида ўғли ва қизи намоён бўлди. Сўнг улар аччик ёшга тўлди.

- Ҳали вақт бор, тиз чўкиб ёлборсанг, тирик қолишинг мумкин, ўзбек!.. – орқадан Bossнинг овози эшитилди.

- Ўзбеклигимдан ташқари яна мен эркакман!!.. – бақирди Акбар унга бехуда ҳамла қилиб” (17-б.).

Ушбу лавҳадан кўриниб турибдики, ўлим ёқасида турган Акбарнинг портрети динамик тарзда чизилган: унинг қиликлари, ўзини тутишидаги алоҳидалик психологик тасвир орқали амалга оширилган. Айнан шу қилиғи ва сўзларидан сўнг Boss ҳам мардларча иш тутади ва уни ўлдирмасдан қўйиб юборишни буоради.

Аммо Акбар портрети, характеристери ва сюжет мантиқидаги бўш ҳалқа ҳам шу ерда кўринади. Ичида болаларини эслаб эзилаётган, йиглаётган қаҳрамоннинг ташқарида “эркак”лигини иддао қилиши бир оз психологик номутаносибликни келтириб чиқаради. Ўз душманларини қиймалашдан ҳам қайтмайдиган Bossнинг мана шундай жўжахўроларча ҳавои дўқдан кейин

мардга айланиши мантиқан ўзини оқламайды. Ўз навбатида ёзувчи назарда тутаётган Акбарга хос ботирликка ишончдан кўра шубҳа уйғотади. Демак, портрет тасвири характерга мос тушмоғи учун унинг ҳаёт мантиғидан олинган далили, тасдиғи бўлиши мақсадга мувоғиқдир. Акс ҳолда ҳаёт воқелиги билан солиштирув жараёнида ўз шубҳасига далил топмаган ўқувчи бу асардан узоқлашади. Ундаги воқеаларга ҳам, одамларга ҳам ишонмайди.

Қаҳрамон портретининг ўзига хослиги асарнинг қайси адабий жанрга мансублигига ҳам боғлиқдир. Драмада муаллиф асосан персонажнинг ёши, ҳаракатдаги шахслар рўйхатида тутган мавқеи, ўзини тутиши билан боғлиқ деталларни ремаркада кўрсатиб ўтиш билан чекланади. Персонажни майда тафсилотлари билан тасвирлаш эпосга хос хусусият бўлиб, айнан эпик асарларда қаҳрамон портрети фавқулодда батафсил кўриниш олади, унинг жамиятдаги мавқеи ва характери ҳақида муфассал таассурот уйғотади.

Замонавий назариётчилар бадиий қаҳрамонга “ҳаракат, кечинма, фикр субъекти” (Л.В. Чернец), одат ва қилиқлар, мулоҳаза ва новербал хулқ-автор жамулжамидан туғиладиган кўптаркибли мукаммал тизим, дея таъриф беришади. Бадиий асар поэтикасининг портрет, пейзаж, интерьер каби компонентлари сюжетни ташкил этадиган воқеалар ва персонажларни тасвирлаш билан турли даражада алоқадордир. Портретни тасвирлаш йўллари, йўсинглари ҳам ранг-баранг. Эпик асарларда портретларни экспозицион ва динамик (ўсувчан, ривожланувчан) портретларга ажратиш мумкин. Экспозицион портрет – бу одатда, асарда илк марта кўриниш берган қаҳрамон ташқи кўринишидаги деталларнинг бирма-бир санаб ўтилишидир.

Экспозицион портрет қатор типиклашган характеристикалар йиғиндисидан иборат бўлиб, персонаж психологик ҳолатининг қандайлигидан қатъи назар, ўзида шахснинг ўзгармайдиган, барқарор сифат ва хислатларини акс эттиради. У бадиий умумлаштирилган бўлиб, айни пайтда, асосий қаҳрамонлар тақдирига таъсир этувчи кучларнинг аломатларини ҳам ўзида ифодалайди. Бунга романдаги Табиб портретини мисол қилиб келтирса бўлади:

“Табиблик ўзи шунақа: бир кун беморга қўшилиб йиғласанг, бошқа кун у билан бирга куласан. Турсунбой жонталашнинг ўлими табибни қанчалик эзган бўлса, Нигина қизнинг кундан-кунга соғайиб бораётганлиги шунча қувонтиарди. Ҳа, табиб шунақа эди. Ҳар битта касални даволай бошлар экан, ўша бемордаги дардга қарши ўзи жангга киришар, енгиб чиққанда ҳаммадан кўра кўпроқ севинар, енгилганда эса ўзини қўйгани жой тополмай қийналар, ўзини – инсонни ожиз сезиб типирчиларди” (59-б).

Аслий-психологик портрет нафақат қаҳрамон ташқи қиёфасини, балки унинг шахс сифатидаги тадрижий динамикасини ҳам акс эттиради. Бундай портрет бадиий асарларнинг марказий қаҳрамонлари учунгина хос. Тавсифланиш йўсинига қараб психологик портрет пинхоний ёки очиқдан-очиқ тасвирга эга бўлиши мумкин. Умуман, портретларни тасвирилаш усуллари турли-туман бўлиб, унда муаллифнинг холис характеристикаси ҳам, қаҳрамоннинг нутқида англашиладиган таассуротлари ҳам, ички субъектив идроки ҳам кўзга чалинади. Акбарнинг роман охирлагани сайин шахс сифатида интенсив шаклланиб бориши ёзувчи томонидан очиқдан-очиқ психологик таҳлил орқали тасвириланади, алалоқибат унинг ўзи устозлик мақомига кўтарилади, Искандарга йўл кўрсатади.

Психологик портретда муаллифнинг асосий диққат-эътибори қаҳрамон характерини очадиган, ўй-кечинмаларини ифодалайдиган қабариқ (ноёб) деталга қаратилади. Образни психологик ва ахлоқий-маънавий мазмун билан тўлдирадиган бундай детал портретда ўзига хослик касб этади. У орқали қаҳрамоннинг психологик белгилари аниқ-равshan кўринади:

“Одамга рух ҳаётидан жудаям оз илм берилди”, дейилади муқаддас китобларда. “Эҳтимол шу бехабарликдадир инсон изтиробларининг бир учи, тағин ким билади дейсиз”, - деб яшади бутун умр Акбар. Энди... қачонки унинг бағрида гуриллаб ёнган исён гулхани ўчгач, ғофиллик ҳам уни қийнамай қўйди. Қайтага, исён ўрнида туғилган ўша кайфият – ўша итоат... рухида қандайдир бир маърифат бор эди. Маърифатки, ғофилликни, унинг аламини ювиб юборишга қодир... Маърифатки, бутун умр жизганаги чиқиб

куйган кўнгилга, куйиб кетган кўнгилга бир енгил, бир сарин, бир ёқимли шаббодадай таъсир қиласидиган...” (133-бет.)

Разм солинса, шу биргина парчадан инсон қалби эврилишларининг тасвири персонаж характеристикасида қанчалик катта аҳамият касб этишини англаш мумкин. Персонаж нутқида англашилаётган муаллифнинг холис характеристикиси ҳам, Ақбарнинг ички субъектив идроки ҳам портретда якқол намоён бўлаётир. Муаллиф биргина итоат деталидан фойдаланиб қаҳрамон руҳиятининг иқлимини таҳлилга тортмоқда.

Динамик портрет, асарда қаҳрамон ташқи қиёфасининг батафсил тасвирига етарли ўрин ажратилмаган ҳолларда, роман бўйлаб сочилиб кетган алоҳида деталлар шаклида бўй кўрсатади. Ёзувчи қаҳрамонни янги қирралар билан бойитиш, ташқи кўриниши ва ўзини тутишидаги ўзгаришларни қайд этиш мақсадида портретга қайта-қайта мурожаат этиши мумкин. “Исён ва итоат” романининг аввалида ёш, қизиққон Ақбарнинг қамоққа тушиб қолиши тасвириланса, сюжет силжиши давомида у улғаяди, фарзандли бўлади, асар сўнгига келиб устози – Табиб қатори бўлиб қолади. Муаллиф ўз қаҳрамонини тўлақонли тасвирилашга эришади: тасвир ва портрет бир йўла бериб борилаверади. Портретни бу тарзда бериш характер табиийлигини белгилайди, уни жонлантириб юборади.

Айрим ҳолларда портрет бошқа бир персонаж нигоҳлари орқали ҳам берилиши мумкин. У ҳолда портрет ўзлаштирма таассуротларни узатади. Бундай портрет шуниси билан аҳамиятлики, у бир вақтнинг ўзида персонажни ҳам, унга қараб турганларни ҳам характерлайди:

“... Диана Ақбарнинг қулоқ чаккасида пайдо бўлган бир-икки оқ толаларни пайқадиyo, ўзида – шахсиятида, қарашларида қиттай бўлса-да бир чўкишни, қартайишни, тақдирга тан беришни кўрмади, сезмади. Аксинча, аёл бу ғалати сеҳрга эга эркакнинг дунёсига қанчалик киргани сайин унга шунчалик яқинлашиб, боғланиб, меҳр-муҳаббати ортиб борарди” (108-б).

Адабий портретлар – характерлар бадиий тасвирининг асосий воситаларидан бири сифатида муҳим ифодавий функцияларни бажаради:

характерга “кириш” ҳисобланади; унинг муҳим қирраларини белгилайди; характер тўлалигига, бутунлигига аниқлик киритади; биргина персонажнинг бир ёки бир нечта портрети орқали характернинг жонсиз ё динамиклиги кўринади.

Улугбек Ҳамдам қаҳрамонни тасвирлаш бобида бор-йўғи бир нечта ёрқин детал билан чекланиб қўя қолади, у ҳақидаги тўла тасаввур қилиш имконини эса китобхонга беради, бундай вазифани, табиийки, нуктадон китобхонгина бажара олади. Демак, ёзувчининг мақсади руҳиятлараро мулоқатга китобхонни ҳам чорлайди. Хуллас, психологик тасвир орқали қаҳрамоннинг маънавий дунёси, психологик олами аниқ-равшан кўринади. Образнинг қалбини, ички дунёсини чуқур ёритиш учун психологик усул ва воситаларни маҳорат билан қўллайди.

### **Боб бўйича холоса**

1. Мустақиллик даври ўзбек романларида инсон ички оламига муносабатнинг ўзгариши ва қалб дунёсининг психологик таҳлилида мураккаб бадиий воситаларни истифода этиш тамойили етакчилик қиласи. Албатта, бу жиҳат давр кишилари реал образини шакллантириш, ижтимоий-психологик муаммолар доирасидаги одамнинг бадиий концептуал муаммо даражасига кўтарилиши билан боғлик.

2. Янги давр адабий жараёнида ўзининг қонуний мақомига эга, айни мақом қонунийлиги учун мутассил фаоллик позициясини қўлдан бермай келаётган У.Ҳамдам реал воқелик тасвири фонида рамзий-мажозий ва психологик усулларни бирлаштириб ўзининг синтезлашган индивидуал бадиий-психологик таҳлил усулини яратишга мувофақ бўлди. Бу биринчи галда, ҳозирги ўзбек насида миллий эстетик тафаккур такомили ва маънавий мақомларнинг жиддий янгиланишидан далолат беради. Айни тамойилларнинг тадрижий ривожланиб бориши, катта эпик жанр – роман тараққиёти учун ҳам муҳим бир босқич бўлиб хизмат қиласи.

3. У.Ҳамдамнинг «Мувозанат» асари, воқеликни бадиий идрок этиш ва ифода тарзига кўра, миллий роман такомил йўлидаги бир босқичдир. Ушбу роман, том маънода, вақт ва давр романидир. Чунки унда тасвирланган давр воқелиги, инсонлар, жамият ичида кечган маънавий-психологик ҳолатлар ўзининг табиий (қисмат битган) тузилишига кўра оригинал ва қайтарилимасдир. На ўтмиш, на келажакдаги бирор ёзувчи бу давр романини айнан шу тарзда ёза олмаслиги роман оригиналлиги даҳлсизлигига мутлоқ кафолатдир. Чунки “Мувозанат” шу давр, шу жамият ичра яшаб, унинг мураккабликлари, азоб-уқубатларини тотган, бир сўз билан, шу қисматни яшаб ўтган шахс, мазкур жамиятнинг қонуний аъзоси томонидан ёзилган.

4. Дарҳақиқат, романда жамият кайфиятининг инсон руҳиятига бевосита ва билвосита таъсири бадиий мушоҳада теранлиги ҳамда бадиий-эстетик салоҳиятининг ички қонунияти бир бутунликда уйғунлашиб талқин этилиши ёзувчининг ютуғи ҳисобланади. Адиб қаҳрамон руҳиятини таҳлил қиласи экан, ҳар бир персонаж яшашдан мақсад ва маъно қидиради. Оллоҳ томонидан буюрилган фарз ва амалларни икки дунё мезонидан келиб чиқиб баҳолайди ва баҳоли қудрат бажаради, шунга кўра романда психологик, фалсафий ва илоҳий тушунчалар бадиий умумлашма мазмун касб этади.

5. «Исён ва итоат» романида умуминсоний муаммолар ва қадриятлар ёзувчининг исломий-фалсафий қарашлари орқали бадиий инъикос эттирилган. Ёзувчининг фалсафий мушоҳадалари теран, онглараро психологик мулоқот, инсоннинг яралиши ва яшаш моҳияти ислом фалсафасининг устуни Куръони Карим асосида ўзига хос услубда бадиий инкишоф этилган. Романда соддадан мураккабликка, шахс оламидан умуминсоний қадриятлар талқинига қадар жонлантирилган макон ва замон ичра яшаётган инсон ва давр руҳияти поэтик метафориклаштирилган реал ҳаётнинг синкретик тасвири орқали бадиий ифодаланган.

6. Романда портрет, диалог, монолог, туш, психологик тимсоллар, ҳиссий ҳаракатлар, пейзаж, галлюцинация каби ранг-баранг психологик усул ва воситалар бадиий метафоризациянинг ўзига хос мустақил усуллари

сифатида намоён бўлади. Қахрамонларнинг онг ва онг ослариаро психологик муроқоти романнинг ўзига хос композицион қурилишини таъминлаган.

7. Романда ёзувчининг ҳикоя қилиш усули психологизмнинг асосий воситаси сифатида намоён бўлган. Ёзувчи персонаж характерини очишда психологик тасвирнинг вербал (нутқ орқали) ва юз-кўз ифодаси, мимика, имо-ишора, гавда ҳолати каби новербал воситалари кенг фойдаланган. Асарда бош қахрамон Ақбарнинг нафақат ташқи қиёфаси, балки ташқи таъсир орқали шаклланган психологик олами – қалб драматизми яратилган.

8. “Исён ва итоат” муайян маънода “Мувозанат” романинг мантиқий давомидир. Чунки бу романда ҳам, худди “Мувозанат”даги каби инсоннинг яратилиш, яралмиш қисмати, ўзни ва Яратганни англаш жараёнлари ёритилади. Фақат мувозанатда ижтимоий-психологик таҳлил етакчилик қилган бўлса, “Исён ва итоат”да улкан умумбашарий воқеликни мутафорик умумлаштириш, поэтик моделлаштириш усули устувор. Худди шу жиҳати балан “Исён ва итоат” янги мазмун ва янги шаклдаги ўзига хос роман ҳисобланади.

### **III. БОБ. “САБО ВА САМАНДАР” РОМАНИДА УСЛУБ ВА БОТИН ПСИХОЛОГИЯСИ ТАСВИРИ**

#### **3.1. “Сабо ва Самандар” романининг услубий хусусиятлари**

Сўнгги йилларда яратилган илмий мақола, тадқиқот, монография ва илмий рисолаларда психологик таҳлил, психоаналитик усул, уларнинг тасвир воситалари, муаллиф психологиясига оид қатор фикрлар билдирилди. Уларда илгари сурилган энг муҳим хуносаларни умумлаштирганимизда бадиий психологизм, психологик таҳлилнинг адабий жанр ва жанр компонентлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда турли шакл ҳамда қўринишларини намоён этиши аён бўлади. Яъни бадиий психологизм ёки психологик таҳлил ҳикоя, қисса жанрларига нисбатан роман жанрида ўзгачароқ шаклда намоён бўлганидек, сюжет, композиция, образ, услугуб каби бадиий компонентлар аро ички семантик муносабатни таъминлайди, айни бадиий компонентларнинг ҳар қайсисида ўзига хос поэтик функция бажаради.

Диссертациянинг олдинги бобларида бадиий психологизмнинг роман композицияси, сюжети, образлари структурасида қандай вазифа бажаришини кўриб ўтдик. Ушбу фаслда эса, “Сабо ва Самандар” романининг ички табиати, бунда муаллиф танлаган талқин усулидан келиб чиқиб, психологик тасвир, бадиий таҳилнинг асар услубида намоён бўлиш хоссалари ҳақида фикр юритамиз.

Улуғбек Ҳамдам “Мувозанат”, “Исён ва итоат”, Сабо ва Самандар” романларига хос умумий бир жиҳат борки, бу аввало, образлар руҳияти, бадиий-эстетик қарашларининг бир-бирига яқин психологик тасвир этилганидир. Романларнинг бош қаҳрамонлари – Юсуф, Акбар ва Самандар бир-бирининг турли жиҳатларини тўлдирадиган, бир ҳаётий мантиққа интилган шахслар дейиш мумкин. Масалан, Юсуф ўз кучи билан шахсий ҳаётини қуришга интилувчи, изланувчан, фикри кенг шахс, Акбар ҳаётда ўз ўрнини топиш, яхшининг қадрига этишга, хатолар қилганда ўз

қилмишларини таҳлил қила оладиган, Самандар ёшлиқдаги мухаббатини унугомай яшаётган шахс сифатида эътиборга лойик. Ҳар учала образни ҳам олам ва одам муносабатларининг нозик қирраларини тадқиқ этиши бирлаштиради.

Айни биз назарда тутган ҳолатлар муштараклиги уч роман образини умумлаштирувчи, бирбутун (ҳатто умуминсоний дейиш ҳам мумкин. Ш.Б.) психологик баён ва таҳлилда яққол кўринади. Бунда психологик таҳлилнинг умумлашма моҳият касб этиши, мазмун ва мантиқнинг умумбашарий кўламга кўтарилишига олиб келади. Ушбу жиҳат ёзувчининг ушбу умумлашмаларида ёрқин акс этган: “Инсониятнинг тарих давомида топган энг катта мантиғи – бу Худога эътиқод! ... Чунки одамни бу дунёда мувозанатда тутиб турувчи, айни вақтда ундан ҳеч ким ва ҳеч қандай куч тортиб ололмайдиган олий қудратга эҳтиёжи мавжуд... Худога эътиқод қилишдан бошқа ҳеч қандай куч бу эҳтиёж ўрнини шу вақтгача босолмаганига кўра одамзотнинг энг катта мантиғи аввал қандай Худо бўлган бўлса, ҳозир ҳам ўшандайлигича қолмоқда”<sup>76</sup>. Зотан, кишида ишонч бўлмаса, у ривожланмайди, ўсмайди. Эътиқодсиз одамдан хавфли одам йўқ. Бундайларнинг манқуртга, доктриник одамга айланишини Лариса хола образи мисолида кўриб ўтдик. Шу маънода Институт ўқитувчиси Юсуф гўё Оллоҳ буюрган тақдири талабаларга тарих сабоқларини ўқитиш бўлса, адабиёт ўқитувчиси Акбарнинг ўз қисматига қараб юриши ўқувчиси юзига тортган бир шапалоғидан бошланади. Сабо ва Самандарга Оллоҳ мажозий ишқ берган. Улар ана шу ишқ билан ўзаро боғланган. Эътибор қилинса, ҳар учала асарда ҳам эътиқод мантиғи умумийликни ташкил этади. Худди мана шу мантиқ – Оллоҳ буюрган қисматни яшаш бадиий қаҳрамонлар талқини орқали амалга оширилар экан, ёзувчи инсон ботинини тасвир этишда психологизмнинг турли усул ва воситаларини қўллайди. Кўрсатиб ўтиш жоизки, ҳар бир романда бу усул ва воситалар янги-янги имкониятларни намоён этади.

---

<sup>76</sup> Улугбек Ҳамдам. Инсон мантиқ фарзанди. WWW

“Сабо ва Самандар” романи юзасидан турли муносабатлар билдирилди. Жумладан, Қ.Хусанбоева романни “буюк ишқ қиссаси”, тадқиқотчи Н.Қиличев “лиро-психологик роман”, Қ.Йўлдошев “романда миллий эпослардагига ўхшаб насрый баённинг шеърий ифода билан уйғунлашиб келиши миллий роман синтаксисига киритилган жиддий ўзгариш, асарга эсселашган тафаккур хос”<sup>77</sup>, – дея таърифлаган. Эътибор берсак, ҳар бир эстетик фикр “Сабо ва Самандар” бадиий хусусиятидан келиб чиқиб билдирилган ва улар асарнинг турли жиҳатларини таҳлил этишади, хулосалар эса бир нуқтада – роман моҳиятида туташади. Турли хил муносабат ва таҳлил йўсинларининг юзага келишига сабаб эса ёзувчи услубининг ўзига хослигидир. Айнан мана шу жиҳат рецептив жараёнда турли муносабатларнинг шаклланишига асос бўлган.

“Сабо ва Самандар” мутолааси жараёнида туғиладиган илк тасаввур - икки кўнгил ишқининг куйланаётганидадир. Муаллиф-ровий баҳшиёна услугуда гоҳо сўзлайди, гоҳо куйлайди, гоҳо китобхон билан баҳслашади ва шу йўсинда ўзи ва китобхон бир вақтнинг ўзида ҳам воқеалар кузатувчиси ва иштирокчисига айланади. Ишқ - дард, унинг давоси висол, - дея таъриф берган эди Ибн Сино. Самандар ва Сабонинг ишқи Оллоҳ томонидан берилган неъмат бўлиб, Яратган фақат суйган бандаларинигина бундай ишқдан насибадор этади. Негаки, ошиқ-маъшуқа бир-бирларини севишлари ва ишқларини асрай олишлари билан ҳар лаҳзада Оллоҳни ёдга оладилар, Оллоҳга тавалло қиласидилар, Оллоҳдан ёр васлини сўрайдилар, ҳеч бўлмаса суйганларига омонлик тилайдилар. Буларнинг бариси энг юқори психологик ҳолатларда – соғиниш, куйиниш, ичикиш, айрилиқ азобларида рўй беради.

Ёзувчининг маҳорати шундаки, Самандар Сабони учратмай туриб, қалбининг туб-тубида интуитив ички сезги билан кимнидир излайди, истайди... “Хаёлан Мажнуннинг қиблага юзланган ҳолда Оллоҳга йиғлаб

<sup>77</sup> Хусанбоева Қ. Буюк мухабbat қўшиғи. // Тил ва адабиёт таълими, 2009. № 10. – Б.30-54; Н.Қиличев. “Сабо ва Самандар” романида ишқ талқини. // Филологик тадқиқотлар тўплами, – Нукус, 2010. – Б.117-120; Йўлдош Қ. Замонавий ўзбек насли ёки эсселашган тафаккур. // Тил ва адабиёт таълими, 2011. – №7-8.

қилган илтижолари билан бирга яшайди”<sup>78</sup>. Психологик изтироб, қалб ниdosи гүё Оллоҳга етади. Гойибдан бир гўзал сиймоси кўрингандай бўлади. Лекин бу “Муҳаббат... кишига баҳт келтириши керак, агар келтирмаса, ақл-идрокка суюниб ундан воз кечилади”, деган Азиза эмасди.

Ёзувчи Самандарни мажозий ишққа руҳан тайёрлайди. Романга олиб кирилган Нодир ва Нилуфар ҳикояти Самандар учун оддий ишқ эртаги эмас эди. Асар гўё шаклан роман ичida ишқий қисса, моҳиятан эса ишқ ичидаги ишқни намоён этади. Романдан романга йўналтирилган психологизм тадрижи “Сабо ва Самандар”да янада кучли ва аниқ намоён бўлади. Биринчи ҳикоят – Нодир ва Нилуфар ишқи қиссаси гўё Сабо ва Самандар ишқи қиссасининг дебочасидек туюлади. Ишқ куюгининг психологик азоблари Нодирни бу оламдан тамоман узади: “Кун кеч бўлди. Нодир отаси чошгоҳда чиқиб кетганда қай алфозда ўтирган бўлса, ҳозир – кун кечида ҳам ўшандоқ: тиззалари устида деворга қараган кўйи, бошини хам қилганча қотиб қолганди. У бир нарсадан бошқа - юрагини аёвсиз қуидираётган оловдан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нимани ҳис қилмас, ҳис қилолмасди” (34-б).

Нодирнинг ушбу портретида қаҳрамон ботинида юз бераетган иложисизлик исёни тобора жунбушга келади, уни руҳан янчиб ташлайди. Ровий китобхонга “Ошиқнинг ақли ўрнида ҳам ишқ олови ловиллар экан ва у даҳшатли ҳайрат ила эгасининг жизғанагини чиқариб қуидирар экан...” дея ҳам Нодирга, ҳам ишққа таъриф беради. Нодир ва Нилуфар қиссасини онаси Самандарга қайта – қайта сўзлаб беради ва ҳар гал Самандар бу икки муҳаббат соҳибига тан беради, уларнинг ишқидан ҳайратланади, гўё ўзини ана шундай ўтда ёнмас, сувда чўқмас ишққа чоғлайди.

Кўринадики, “Сабо ва Самандар” романида бадиий психологизмнинг портрет усули ёзувчи томонидан юксак маҳорат билан қўлланилади.

Кўрсатиб ўтиш жоиз, ёзувчи уч роман ғоясини очиб беришда бир – бирини такрорламайдиган бадиий унсурларни қўллайди. Романдан романга

<sup>78</sup> Улугбек Ҳамдам. Сабо ва Самандар. – Тошкент: «Муҳаррир», 2009. – Б.16 (Кейинги ўринларда иқтибослар ушбу нашрдан берилади ва сахифа кавс ичидаги кўрсатилади).

қадар шаклланиб борган ёзувчининг психологик услуби “Сабо ва Самандар”да тўлиқ намоён бўлади. Романда психологизмнинг аналитик ва динамик принциплари уйғун ҳолатда қўлланилади ва синтетик принципни шакллантиради. Ҳар бир романда психологизм турли моҳиятни: “Мувозанат”да фалсафийликни, “Исён ва итоат”да маънавий-психологик асосларни, “Сабо ва Самандар”га хос жиҳатни эса илоҳий-мистик, ҳам лиро-психологик, ҳам ижтимоий-фалсафийликни юзага чиқарувчи асосий восита бўлиш билан бирга ёзувчи услубини ҳам юзага чиқаришга хизмат қиласди.

Роман матнида сатрма-сатр, сахифама-саҳифа лирик проза, эпик проза, соф лирика бир-бири билан уйғунлашиб қаҳрамон психологик ҳолатини гоҳо юқори авжда, гоҳо маъюс ва сокин, худди мусиқий аккорд жарангидек савт билан тасвирлайди. Муаллиф роман руҳига, қаҳрамонлар оламига шунчалар сингишиб кетадики, ўқувчининг назарида дўмбирасини завқ билан чалиб куйлаётган баҳши-ровий учун ҳам факат Нодир ва Нилуфар, Сабо ва Самандар бор, ишқ бор, ишқ бериб қаҳрамонларни жунунваш қилган Оллоҳ бор, ва ҳикоятни бор вужуди билан тинглаётган сұхбатдош ўқувчи бор. Психологик яқинлик қаҳрамон руҳиятини тасвирлаш, Оллоҳга илтижо, қаҳрамонга ёки сұхбатдошга мурожаат шаклида қўлланилади: “Йўқ улар бир-бирларини эшитмади. Лекин, уларнинг қалбларини ёриб чиқкан додлари Худойимга етиб борди. Уларни Худо эшитди! Йўқса, шундай бўлармиди, айтинг! Йўқса, тилсиз, кулоқсиз тўлқинлар тоғдек юксалиб, қутурган сувнинг икки бетида оқиб бораётган озурда дилларни, мадорсиз вужудларни бир-бирининг бағрига келтириб ташлармиди? Айтинг!? Йўқ, айтольмайсиз, тушунтириб беролмайсиз бунинг нелигини! (41-б).

Нодир ва Нилуфарнинг оқиб кетаётган манзараси тасвирланган ушбу лавҳа таъсирчанлиги, ровий ва тингловчи-китобхоннинг воқеа иштирокчиси эканлиги ровийнинг риторик сўроқларида, китобхон ҳам бу ҳолни ечишга оқиз эканлиги унинг психологик жимлигига англашилади.

“Сабо ва Самандар” романида қаҳрамонлар образи, муаллиф ровий ва тингловчи-китобхон образлари “Нодир ва Нилуфар” қиссасига нисбатан

босиқ ва сезиларли даражада муҳит таъсирида бўлишади, ҳатто айтиш мумкинки, қандайдир даражада бурч маъсулиятини ҳам бажаришади ва шунга кўра бир асарнинг ўзида психологизмнинг усул ва воситалари турли вазифаларни бажаради.

Роман ғоясини очиб беришда қаҳрамон, муаллиф ва ўқувчи иштироки ёзувчи томонидан қўлланилган психологизм воситаларининг таъсирини янада оширади ва вазифасига янада аниқлик киритади, ҳатто нутқ унсурлари психологик вазиятларни очиб беришга хизмат қиласди:

“Оломон! . . . – падарига лаънат шу оломоннинг! . . . ўз табиатига содиқ қолди-да, ўз жоҳилликлари ва қизиқишларининг жирканч эътиқод ва амалларининг ўлжаси – исёнкор севинган диллар сари чанг солди ва . . . Ва ҳаммаси тамом бўлди: Нодир ҳам, Нилуфар ҳам бир зум ҳам тараддуудланмасдан, иккиланмасдан ўзларини қутуриб оқаётган сувнинг қаърига бараварига отдилар! . . . (39-б.)

Ушбу лавҳада лаҳза сайин кескинлашиб бораётган психологик вазиятда қаҳрамонларнинг психологик ҳолати берилмайди, батафсил тасвирланмайди. Аммо мавжуд ўта кескин вазиятда инсон амалга ошириши лозим бўлган ечим – психологик ҳаракат мавжуд. У бу ердаги кўп нуқта, ундов белгилар сўзловчи руҳиятидаги кескинликни, сўзга сиғмайдиган психологик ҳолатни ифодалашга хизмат қилган. Бундай психологик ечимга сабаб – оломон, унинг босқинчи руҳи. “Психологизмни санъаткорнинг шахсидан ажратиб тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳар қандай асаддаги психологизм тасвирида ўша асарни яратувчи ёзувчининг ўзига хос психикаси имкониятлари намоён бўлади”<sup>79</sup>, деган таърифга биноан, келтирилган парчадаги психологик ҳолат биринчи галда муаллиф психологияси, асар моҳиятидаги ишқ фалсафасининг мантиғи деб баҳолаш мумкин. Ушбу таъриф В.Гётенинг “ёзувчи ички дунёсининг ёрқин ифодаси – унинг услуби” деган холосасига ҳамоҳанг бўлиб, ўзбек адабиётидаги бадиий психологизм

<sup>79</sup> Умуроғ X. Сайланма. Биринчи жилд. Рисолалар. – Тошкент: «Фан», 2007. – Б.34.

фалсафасининг етук манбалари билан бақамти ўсиб бораётганига далил бўла олади.

Демак, бадиий асардаги хар бир бадиий унсур ёзувчи услубини очиб беришга хизмат қиласр экан, айнан “Сабо ва Самандар” романида қўлланилган психологизм усул ва воситалари - характер қирраларини таҳлил қилиш ҳам, қалб диалектикаси (Н.Чернишевский.) ҳам ижтимоий муносабатлар майший тўқнашувларнинг ҳарактерларга таъсирини таҳлил қилиши ҳам синтезлашган ҳолда намоён бўлган Улуғбек Ҳамдам услубини ифодалайди.

“Сабо ва Самандар”нинг сюжет тизимида, композицион қурилишида, ҳикоя қилиш услубида, қаҳрамонлар типологиясида, воқеа-ходисалар тафсилотида, пейзажларда психологизм воситалари бир-бирини тўлдирган мутаносиб ҳолда қўлланилади. Роман талқинига жалб қилинган манба икки ишқ қиссаси ёзувчининг маънавий – фалсафий қарашлари ва унинг концепциясини тушунишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Роман ўзида миллат ва муаллифнинг маънавий-психологик муаммоларини ижодий шаклда мужассамлаштиргани, асарда инсон ҳаётининг мазмуни, яшашдан мақсад ва ўлим каби фалсафий тушунчалар ёзувчининг инсон бадиий талқинига янгиша ёндашувлар орқали ифодалангани билан ҳам эътиборга молик ҳисобланади.

Романда ёзувчи шахс маънавий – психологик дунёсини макон ва замон ичра бадиий жонлантиради ва шу орқали реализмнинг янгидан-янги имкониятларини кашф этади. Бунда сентиментализм, романтизмга хос унсурлардан ҳам реализм фонида фойдаланади. Моддий дунёда инсон нафақат турмуш икир – чикирлари, ёки бурч масъулиятлари, балки ўз психологик олами, қўнгил маслаги билан яшашга ҳақли деган ёзувчи мулоҳазалари, қатъий хulosалари роман гоясини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади ва айтишимиз мумкинки, психологик таҳлил мезони (таъкид бизники – Ш.Б.) вазифасини ўтайди. Бундай бадиий моҳият

романдаги ҳар қандай психологик тавсиф замирига сингдирилган муаллифнинг алоҳида маънавий – фалсафий муносабатини англатади.

“Сабо ва Самандар” романининг ғоявий – бадиий мазмуни дунё ва инсон қалби нозикликларини теран бадиий тасвирланганлиги билан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Муҳаббат, оила ва никоҳ масалаларининг асарга бош мавзу қилиб олинганлиги инсон туйғулари, унинг маънавий-психологик олами, оила ва яқинлари олдидаги масъулиятининг психологияк изтироблар талқини орқали очиб берилиши романга хос энг асосий жиҳатлардан - ёзувчи бадиий маҳоратини, сўз санъатини психологизм орқали инкишоф этилганлигидадир. Ёзувчи томонидан қўлланилган психологизмнинг усул ва воситалари қаҳрамоннинг эстетик вазифаси – ИШҚ моҳиятини очиб беришга қаратилган бўлиб, улар уйғунликда қалб кечинмаларини, севгининг изтиробларини, висол хуррамлиги-ю ҳижрон азобларини тажассум этади.

Ёзувчининг бошқа романларида психологик ҳолатлар персонаж ривожида воқеаларнинг бир ўзанда кечади, воқеалари мантиқий кетма-кетликда қурилган бўлса, “Сабо ва Самандар”да психологик жараёнлар бир маромда кечмайди. Табиийки, бу қаҳрамонлар ҳаётида юз бераётган воқеа-ҳодисалар таъсири билан бир қаторда уларнинг ишққа ошно қалбларида кечаётган изтироблари – соғинч ва ҳижрон силсилаларини ҳам акс эттириб, шахс психологик оламини билан реал оламни ёнма-ён тасвирлайди. Ҳатто баъзи ўринларда субъектив олам, персонаж рухияти тасвири кенгрок жой олганига ҳам гувоҳ бўлинди. Бундай психологик жараёнлар ёзувчи томонидан қаҳрамон портрети, ички ва ташқи монолог, туш, пейзаж орқали ифодалар экан, улар қаҳрамоннинг ҳар хил психологик ҳолатларида турлича ифодаланади. Севишганларнинг ёр васлини истаб Оллоҳга илтижолари ижобат бўлган оний лахзалардаги Сабо ва Самандарнинг психологик ҳолатларини – энг юксак илохий туйғуларни ёзувчи маҳорат билан тасвирлай олган, дейишимизга асос бўлади: “*Оҳ, қани энди уларнинг ҳаёти шу оқшиомда – бошларидан кумуши қор эланиб ёгаётган, вужуд, руҳ – бутун борлиқлари*

*маҳбуб ва маҳбубанинг измида майин куйдек эмранаётган лаҳзаларда тұхтаб қолса!”* (250-б.)

Ёзувчи нафақат Сабо ва Самандарнинг психологик портретларини, балки романга олиб кирилган ҳар бир персонаж психологик ҳолатини аниқ тасвирлаган: “Солиҳанинг күзлари маъносиз – худди жон тарк этган тананинг беихтиёр очилиб қолган күзларидек жилvasиз эди!!!”(251-б.) да рашк азобидан Самандарнинг битикларига ўт қўйган Солиҳанинг оғир психологик ҳолатини ифодаласа, “Азиза бир муддат акс-садосиз қолди. Лекин унинг нималардир демоқчи бўлгани ғалати тарзда тебранаётган келбатидан сезилиб турарди... Тўлқинлар азобини юрагида кўтарганча (Азиза – таъкид бизники. Ш.Б.) ташқарига чиқиб кетди...”(297-б)да севгиси жавобсиз қолган аёлнинг армонлари унинг психологик портретига чизгилар беради. Болалик дўсти Ҳамиднинг Самандарга “Бизни унутсанг, уйимизга келмасанг, сен менга дўстлик қилган бўласан! Менинг сенга дўстлигимни эса унут!” (271-б) деганда у ўзининг бир умр севиб келаётгани хотини Азиза ўзганинг дарди билан яшаётгани азобларининг изтиробларини кўксида олиб ўтаётганини, бу эса унинг жимлигидан кўра исёнини англатишини ва бу қаҳрамон психологик портретида албатта аламзадалик зухур бўлишини китобхон яхши тушунади. Шу жойда дўстга хиёнат эпизодининг “Мувозанат” ва “Сабо ва Самандар” романларида параллел келиши кишини ҳайратга солади. Илк роман қаҳрамони бундай ношаръий ишдан изтироблар чекиб, ўзини турли важлар билан оқлашга уринганидек, “Сабо ва Самандар” қаҳрамони юрагини ҳам ушбу эгиз изтироб тимдалайди. Изтироблар иккилиги қайсиdir қирралари билан муаллиф руҳияти, маънавий-маърифий дунёси, биографиясидаги қоронғу нұқталарга бориб туташгандек туюладики, бундан айни эпизоднинг асардан-асарга кўчиб юриш синоати ёришгандек бўлади.

Улугбек Ҳамдам психологик услубининг яна бир жиҳати: динамик, аналитик, ичдан кўрсатиш принципларининг синтетик ҳолда намоён бўлиши бўлиб, “Сабо ва Самандар”нинг бешинчи бўлим биринчи бобида бу ҳолат

қуидаги акс этган: “Вақт оқар дарё, дейишади ва негадир уни таъриф қилишганда инсон сувдан айро ҳолда – тепада қолиб кетади”.

Шу бобнинг саккизинчи бўлими эса бор-йўғи ўн бир сўздан иборат: “Бу орада қалдирғочлар қадим ўлқага яна бир неча марта келиб кетдилар”.

Ушбу фикрлар романдаги ички вақтнинг бир лаҳзасидан олинган тасвир бўлиб, унда қаҳрамонлар рухияти, кечирган ҳаёти ифодаланган. “Қалдирғочларнинг бир неча марта келиб кет”иши замирида ўтган вақт ва умри севганига интилиш билан ўтган персонажлар ҳаётига ишора бор.

Учинчи бўлим, ўттиз тўққизинчи бобда Сабодан видо хатини олган Самандарнинг ҳолати ровий-муаллиф, Бакир тавсифи ва Самандарнинг ҳолати, ҳаракатлари орқали очиб берилади. Бу Самандарнинг энг кескин психологик портрети берилган десак адашмаймиз: “Ниҳоят, Самандар чўққига чиқиб, қаддини ростлади, чуқур-чуқур нафас олди, кейин... кейин кутилмаганда худди жиннига ўхшаб ҳайқира кетди: “Aaaa, aaaaaaaa...” Самандар кўзларини юмган, қўлларини эса мушт қилган қўйи кўкка қараганча ҳалиям телбаларча ҳайқиради: Ҳaaa!! Ҳaaaaa!!!...” (157-158-б.).

Шу тасвирда орқали мумтоз Шарқ шеъриятида Насимий, Машраб каби ишқ йўлида куйган ошиқларнинг психологик ҳолатининг насрий ифодаси акс этгандек туюлади. Айнан ана шу ҳамоҳанглик романнинг мумтоз анъаналар вориси сифатида эътироф этишга асос бўлса, унга насрий баён ва персонаж портрети ёзувчининг новаторлик маҳоратининг белгиси ҳисобланади. Бу ерда аввал, “а-а-а”, кейин эса “ҳaaa!!!” деб қичқириши ҳамда тоғ устига чиқишида рамзийлик мавжуд. Тоғ юксаклик ҳисобланиб, турмушнинг турли майда ташвишлари, одамларнинг одатий ҳаёт тарзидан ҳоли, Самандар ўзининг асл моҳиятини англаб, ошкор қилса бўладиган жойга айланган. Оддий одамлар орасида бу ҳолат жиннилиқ, психологик бузилиш деб қабул қилинса, бу ерда ҳаёт мазмуни, тириклик моҳияти сифатидаги талқинга эга бўлади. Бир қарашда Самандарнинг томир-томирига, ақлу шуурига, ўйу ҳаёлига, рухига сингиб кетган ишқнинг фарёди, ишқ бергану васлин бермаган Оллоҳга исён бордек туюлади. Бироқ, у исёндан кўра, кўпроқ ўз

қалбидა тўпланиб қолган дардни борлиққа чиқариши билан персонаж қалби, руҳини тозалаш, енгиллатишга қилинган уриниш деб баҳоланиши мумкин. Чунки Мажнуннинг ҳолатида ҳам шундлай ҳолатлар бўлганки, бу ишқнинг табиатига хос хусусият бўлиб, ёзувчи маҳорат билан тасвирлаган. Натижада у Бакирга ҳам таъсир қиласди: – Бакир энди унинг қўзларидан шошқатор бўлиб ёш қуиилиб келаётганини кўрди. Кўрди-ю, ўзининг ҳам кўзларига ёш келди. Кафти билан артди, “Вой худойим-эй, наҳот одам боласини шунаقا севиш мумкин бўлса!?” (158-б.) Чунки ишқдан ғофил юрак, одам бўлмайди. Бакирнинг қалбидаги бу ишқдан таъсирланиш, психологик аксланиш юз бериши табиий ҳодиса саналади. Чунки Самандарнинг руҳиятидаги ўзгаришлар ўзининг юқори чўққисига етди. У нурдек товланиб, қуёшдек қуиб турган ҳолатни тасвирлаш учун муаллифда имкон йўқ. Уни англаш учун атрофни тасвирлаш лозим бўлади. Шу сабаб Бакир руҳиятидаги тасвир орқали Самандарнинг руҳиятидаги кескинлик даражаси кўрсатилган.

Романда қаҳрамон “мен”ини намоён этишга хизмат қиласди яна бир жиҳат шуки, эпик асарга лирик турга хос жиҳатлар ижодий қайта ишланиб, сингдириб юборилган. Масалан, ҳазрат Навоийнинг қуидаги сатри асардаги умумий кечинма ифодасига киритиб юборилган:

*Сен бўлсангу мен жаҳонда мавжуд,  
Бўлса яна коинот нобуд...*

Мазкур мисра романнинг мазмуний структурасидаги умумий оҳангга мувофиқ равишда, персонажнинг психологик оламни теран ифодалашга хизмат қиласди. Самандар ўз номи билан ишқ ўтида ёниб, қуиб, яна қайта тирилувчи қуш сифатидаги моҳиятга яқинлашади.

Романнинг бошқа ўринларида ҳам Самандар номидан битилган шеърларда қуйма фикрлар, юксак лирик пафос намоён бўлади. Бундай синкетик услуб қаҳрамон психологик оламини, қалб кечинмаларини ифодалашда ёзувчига қўл келади. Айни пайтда, бош қаҳрамон ва муаллиф биографиясидаги уйғунликни англашимизга ёрдам беради. Бизга маълумки, У.Хамдам прозаик бўлиши билан бирга яхши шоир ҳам. Унинг шеъриятида

рад этилган мұхаббат пафоси, куйган ошиқ образи бўртиб кўринади. Мана шу жиҳатларига кўра романдаги Самандар образининг биографик асосларидан бири қахрамон ҳам, муаллиф ҳам туғма шоир эканлигидир.

Тўғри, эпик тасвирда лирика хос хусусиятларни синтезлаштириш “Исён ва итоат” романида ҳам учрайди. Акбарнинг психологик ўзини тутиши реалистик жиҳатдан тўла шартланган. Ёзувчининг персонажлар ички дунёсини зиддиятлар, тангликлар, азоб-огриқлардан иборат психологик ҳолатлар, оғир кечинмалар орқали чизиши ҳам шундандир. Бироқ бу қахрамонларнинг ўzlари учун эмас, балки уларнинг ғоявий-маънавий изланишларининг интенсивлиги ва инсон табиати битмас-туганмас синоатлар макони эканига ургу бериш мақсадида қилинган. Биламизки, Улуғбек Ҳамдам қахрамонларининг ички дунёси ҳамиша икки қутб, бирбирига зид икки ҳол кўламида ҳаракатланади. Руҳият мураккабликларига бундай – иложи борича кўламдор ёндашиш, чуқурроқ кириб боришга интилишлик уни мутлақ англаб бўлмасликни тушуниш орқали юзага чиқади.

Адабиётшунос олим К.Жўраев эътирофича: «Исён ва итоат»даги воқеалар тасвири ичида ҳам ёзувчи шахси яққол кўриниб туради. Фақат ижодкорнинг маҳорати шундаки, у яратган образларнинг ҳаммаси ҳар хил, бири иккинчисига ўхшамайди, индивидуал, ўзига хос. Улар шеъриятдаги лирик қахрамон ёки тимсоллар прототипи эмас. Аммо шу билан бирга ёзувчи ўша қахрамонлари ичида, қалбида, улар билан маслакдош<sup>80</sup>. Дарҳақиқат, Самандар тоққа чиқиб, кўкка қараб қичқиради, аламларини чексиз коинот билан бўлишади. Бироқ, у Ғарб экзистенциалистлари сингари “маънисизлик йўли”ни танламайди. Самандар образининг туб моҳияти эса самимий ишқ талқинида ёришади.

Шуни таъкидлаш лозимки, муайян ёзувчининг ижодини ёки унинг бирор бир романини психологизмнинг аниқ бир шакли билан чеклаш мутлақо мумкин эмас. Адабиётшунослигимиз тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳар бир ёзувчи ўз ижодида (ёки алоҳида романда) психологизмнинг турли

<sup>80</sup> Жўраев К. Ёзувчи исёни ва итоати. Бу ҳақда қаранг: интернет материали: [www.ulugbekhamdam.uz](http://www.ulugbekhamdam.uz)

шаклларидан кенг фойдаланади. Бироқ бу шакллардан бирортаси етакчилик қилиши табиийдир. Улуғбек Ҳамдам ҳам ўзининг аввалги икки романида психологик таҳлил воситалари ва усулларидан самарали фойдалана олишини намоён қилган бўлса, “Сабо ва Самандар” романи орқали бадиий психологизмнинг юксак имкониятларини асарга моҳирона сингдира олган етук ижодкор сифатида бўй кўрсатади.

Ёзувчининг “Сабо ва Самандар” романида бадиий психологизм усул ва воситалари маҳорат билан қўлланилди. Бу эса Улуғбек Ҳамдамнинг ўзини психологик ёзувчи сифатида тўлиқ намоён эта олди дейишимизга асос бўлади. Фикримизни исботини асардаги психологизм категориясининг сюжет линиялари, композицион-хикоя қилиш услуби, қаҳрамонлар типологияси, пейзаж лавҳалари, поэтик деталлар ҳамда асарнинг асосий бадиий унсурлари билан мутаносиблигига намоён бўлади: “Нимасини айтайин, қодир Эгам инсонни бир кўчадан олиб ўтишга қарор қилган бўлса, унинг қаршисида сон-саноқсиз бошқа кўчаларнинг дарвозалари ланг очиқ турган ҳолда у юз уриниб шуларнинг бирига кирмоқчи бўлса-да, ниятига етмас экан” (73-б.). Романдан келтирилган парчада кўча рамзий маънода инсон олдида турган ҳаётий йўл, умр йўли вазифасида келиб, унга инсон Яратгандан изн бўлмаса киролмаслиги таъкидланган. Бу эса Самандар ишқ йўлига ўз ихтиёри билан кирмагани, балки тақдири азалда унга ахборот аслида мумтоз адабиётдаги ошиқ қисмати билан яшаш битилгани, энди шу ҳаётга кўнишиб яшаётганига ишора мавжуд.

Ёзувчи концепциясини биринчи навбатда бош қаҳрамонлар юзага чиқарар экан, ушбу роман моҳиятида ҳам ёзувчининг аввалги икки романи моҳияти мантиқан давом этади. Юсуф, Акбар, Самандар бир-бирига касби яқин – устоз, муаллим, ҳатто тутими бир-бирига ўхшаш: ҳақиқат, адолат тарафдори, ўзини ва ўзлигини англаган шахслар; кураш аъмоли: биринчи навбатда, ўз ботинига ва зиддиятларга қарши исён. Бир қарашда уч романда уч хил моҳият акс этгандек туюлади: “Мувозанат”да олам ва одам аро психологик мувозанат бўлмоғи учун албатта жамиятда иқтисодий,

ижтимоий, маънавий мувозанат бўлмоғи, “Исён ва Итоат”да бандасининг Оллоҳ буюрган амални эмас, ичидаги жунуни кўрсатган йўлдан юриши оқибатида не-не синовларга дуч келиши, ўз кечмишига қарши исён қилиши, Оллоҳни тан олиши учун бу машаққатли йўлни босиб ўтиши тайинлиги, яралиш ва яшаш моҳиятини англагандагина итоатга келиши талқин этилган бўлса, “Сабо ва Самандар”да инсон бошига яна бир синов – ишқ савдосини солиб синайди. Учала роман моҳиятидаги психологик-маънавий яқинлик ёзувчининг орзу-интилишларини, концептуал қарашларини ифодалаш билан бирга, ёзувчининг бадиий-эстетик маҳоратини юзага чиқарган бадиий психологизмни тадқиқ этишимизга асос бўлади.

Яралишидан Самандар образининг эстетик вазифаси – инсон қалбининг яхшиликка, қадрга, меҳрга ошнолиги баробарида шоиртабиатлилигини очиб бериш. Унинг табиатидаги бу жиҳатлар болалигидан аён бўлади. Болалик дўйстлари Шердил ва Ҳамидни алоҳида эъзозлаши йиллар давомида ҳам самимий, ўзгармай қолиши унга хос собитлилик ва садоқат тимсоли сифатида роман ибтидосидан интиҳосига қадар бўй кўрсатади. Ундаги жонбозлик, орзуси йўлидаги интилишлари, оиласини моддий жиҳатдан қийнаб кўймаслик учун қилган сайъи ҳаракатлари болалигидан унга хос табиатни англашимизга ёрдам беради. Онаси суйлаб берган Нодир ва Нилуфар ишқи қиссаси ва унинг фожиали хотимаси унинг хаёлини, ақлу ҳушини чулғаб олади, хаёлан ўз Лайлисини излади, унга тимсоллар ахтарди. Балоғат ёшида синфдоши Азизанинг севгисига сазовор бўлди, аммо ўзи уни сева олмади. Азиза синфдош дўсти Ҳамидга турмушга чиққан бўлса-да, юрагидан Самандарни ситиб чиқара олмади. Оқибатда Ҳамид дўстидан нафратланадиган, ҳатто уйларига келмаслигини, уни, дўст эканликларини унутишини илтимос қилиш даражасига борди. Самандар образи талқини жараёнида муаллиф психологизмнинг аналитик, ичдан кўрсатиш, ҳамда синтетик принципидан кенг фойдаланади. Бундай талқин услуби қаҳрамонни кенг очиб беришга хизмат қилади.

Муаллиф ҳис-туйғуни, психологиязмни, ички монологларни очиб берішда романтик тасвирдан фойдаланса, авж нұқталар ифодаси, қаҳрамон ботинидаги коллизияларнинг түқнашуви каби реалистик сақналар таъсирчанлигини психологик таҳлил орқали таъминлайды:

“Ха, Самандар уйланган, у ёқда Сабо турмушга чиққан, ҳар иккиси ҳам фарзандли бўлган бўлса ҳам барибир... барибир, Самандар буларнинг барчасига зарурат тақозоси, тирикликтинг шартлари, деб қаради. Алалхусус, ўзининг асл ҳаётини Сабога бўлган муҳаббатидан иборат деб билар, бунга заррача шак келтирмасди. Фақат ишқ, фақат угина инсонга нафас олиш ҳуқуқини беради, дерди у. Шунинг учун ҳам у тақдирдан, Яратгандан ўз ҳаётига тааллуқли мўъжизани кутар, кутар ва яна кутарди... “Йўқса, нега мен севдим, нега Сабо севди? Нега бизлар учрашдик? Бизларнинг кўришиш ва севишишимиз асло тасодиф бўлмаган! Унда катта маъно бор эди ва у изсиз, мевасиз йўқолиб кетиши мумкин эмас!” деб фикрлар эди Самандар” (166-б).

Роман бош қаҳрамонлари Самандар ва Сабонинг бошқалардан ажralиб туришлари, ўзгача эканликлари, “бу дунёning одамига сира ўхшамас”ликлари (126-б) зукко китобхон диққатини аввалбошданоқ жалб этади. Асардаги психологизмни тайин этган муҳим жиҳатлардан бири, муаллифнинг Самандар мисолида реал ижобий инсонни тасвирлаш истагидир. Улуғбек Ҳамдам роман хусусидаги сұхбатлардан бирида бу ҳақда шундай дейди: “Кўнгил кишисининг юрагида аввало, инсонга бўлган азим бир муҳаббатнинг яشاшига шубҳа қилмайман. Лекин бу туйғу кўпинча ошкор этилмайди. Бунга шарқ халқларининг қон-қонига сингиб кетган одобахлоқ қоидалари ҳам, инсоннинг диний-ижтимоий, маънавий-психологик ҳолати ҳам мусодаа этмайди. Бироқ ташқарининг тўсиқлари ҳар қанча маҳобатли ва мустаҳкам бўлмасин, ичкари ҳам ўз табиатига кўра нафас олишда давом этаверади. Зиддиятлар, қаҳрамон бағрини қоқ иккига айириб ташлайдиган конфликтлар шу янглиғ дунёга келади. “Сабо ва Самандар” ана шулар ҳақидаги роман. Унда анъанавий романларга ўхшаш ва ноўхшаш

тарафларнинг бўлиши табиий. Қисқача айтсак, менгзайдиган томони ҳаётбахш анъаналарни давом эттиришга интилиш билан, ноўхаш жиҳати замон кайфияти ва ёзувчи дунёқарашидаги айричалик билан белгиланиши ҳам мумкин”<sup>81</sup>. Бу айричалик, айниқса, ёзувчининг асарда одамларни иккига: оддий ва ғайриоддийга ажратишида яққол кўринади. Самандар оддий одамлар тоифасидан эмас, у – кўнгил одами. Сабо ҳам аввалбошда ўз тақдиридан бехабар ҳолда дугонаси ҳақида: “Фууу, Шахлонинг йигити борку, бошига урадими ўқитувчини?..” – дейиши билан оддийлар сирасига киришини билдириб қўйган бўлса-да, асар давомида аста-секин ўса боради, ёзувчи қўллаган динамик психологизм қаҳрамонни оддий инсонлар фарқлайди, шакллантиради. Шу ўринда, Улугбек Ҳамдам оддийлик ва ғайриоддийликни бир-бирига қарама-қарши қўяётгани, буни қаҳрамонлар тасвирию таҳлилида, асар композициясининг муҳим бўлаги саналадиган ҳикоя қилиш усууларининг турли кўринишларида ифодалагани ойдинлашади. Ёзувчининг ижодий нияти “Цивилизация инсонни ўз юрагидан ташқарига – темир-терсаклар шовқин солиб турган кўчага қувиб солди. Натижада одам боласи ўз қалбидан, ҳис-туйғуларидан узоқлашди ва руҳан хасталана бошлади. Аммо фожеа шундаки, бундай бемор ўзини касал деб ўйламайди. Назаримда, бугун сунъий роботларни яратишнинг ҳожати йўқ, ўз юрагидан бадарға этилган инсоннинг ўзи энг даҳшатли роботга айланмокда”<sup>82</sup> деган сўзларида тажассум топади-ки, унинг ифодаси сифатида талқинга Шердил образи олиб кирилади ва бу образ динамик принцип орқали таҳлил этилади. Эътироф этиш керак, айнан шу образ назаримизда ёзувчи томонидан психологик пардаланган ҳолда намоён бўлади. Бу ҳолат дўстига монанд Самандар номли робот яратганида, Самандарни маст қилиб қўйнига Сабо исмли қизни қўшганида, Самандарнинг қабрини зиёрат қилиб дил иқрорини айтганда Шердилнинг ҳам кўнглида пинҳона асрайдиган сирлари

<sup>81</sup> Инсон табиат ва жамият маҳсули (Тадқиқотчи Х.Тўлибоев ва ёзувчи Улугбек Ҳамдам сухбати), [www.ulugbekhamdam.uz](http://www.ulugbekhamdam.uz).

<sup>82</sup> [www.ulugbekhamdam.uz](http://www.ulugbekhamdam.uz).

борлиги, юраги ҳали темир роботга айланмаганини билдиради. Аммо бу лавҳалар эпизодик кўринишга эга бўлиб, унга нисбатан ёзувчи психологизмнинг аналитик принципини қўллаган дейишимизга асос бўлмайди.

Демак, ёзувчи наздида ўз юрагига қулоқ солмаган Шердил каби инсонлар, аксарият замондошларимиз севги-муҳабbat китобларда, фильмларда мавжуд, кундалик турмушда унинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ, деган ёки шунга яқин фикр эгалариidlар. Ўз-ўзидан аён-ки, улар ҳар нарсани фойда ва зарап тарозисида ўлчайдиган моддиюн дунё одамлари. Орамизда Сабо ва Самандарга ўхшаган одамлар ҳам топиладики, улар кўпчилик ғайриоддий деб тушунади, ҳатто психологик хаста деб ҳам ўйлади. Одамларнинг худди шундай муносабати жамият психологиясини юзага келтиради. Худди шундай психологик муҳит ва муносабатни ёзувчи Самандарни билган одамлар, ҳатто дўсти Бакир, ёки Сабонинг ота-онаси, дугоналарининг муносабати орқали ифодалайди. Роман сюжетида “Мунозара” кўрсатуви ташкил этган “Цивилизация ва инсон туйғулари муносабати” мавзусидаги баҳсада инсон туйғуларига нисбатан икки хил – Самандарнинг “Ишқ ошиқ учун бирдан-бир ва ягона дунёқарашдир... Муҳабbat – бу тириклиknинг маъниси, инсон бўлишнинг асоси ва ҳаёт жавҳаридир” деган фикри ва Шердилнинг “Одамни ичкарида... кўнгилда нима иши бор? .умуман, кўнгилу ҳис-туйғуларнинг тарихда бирон кишига фойда келтирганини кўрган борми? Улар қоринни тўйдирадими, узоқни яқин, мушкулни осон қиласдими?” деган мулоҳазалари бир-бирига зид моҳиятни билдиради.

Романда муаллиф тилидан баён қилинган “Во дариф, дейман менки, одам боласи наҳотки шундайин ишққа қодир эса?! Наҳотки бундайин ишқнинг ўзи бўлса?! Ахир замонлар неча бор турланиб, рост туйғулар устига ёлғонлари қат-қат ётмадими? Бани инсон ҳам сотқин ҳислар ила тил бириктириб, чинларининг қачонлардир мавжуд эканини, уларнинг бағрида ўзини чексиз саодатли бўлганини унутиб юбормадими?!.. Во дариф!.. Агар

Самандарнинг қалбida ҳалигача ўшандайин ишқ баралла яшаётган эса, Яратганинг олдидағи урвоққина иймоним билан қасамки, бу йигит қўчани тўлдириб юрган одамзоднинг қавмидан эмас! Йўқ!!! У ўзга сайёралиқдек ноёб биз учун, бизнинг замонлар учун!..” деган ҳайрати замираиде кундан-кунга турланиб, тусланиб бораётган цивилизация шароитидаги бозор шартларининг ривожланиши инсонлараро муносабатларда ҳам акс этиши ётибди.

Ёзувчи қаҳрамонни юксак инсоний туйғулар билан бойлик, тақаббурлик каби оддий ҳаётий ҳолатлар қарама-қаршилиги қайнаб ётган саҳналарда тасвирлар экан, Самандарнинг “бу дунёning одамига сира ўхшамас”лигига амин бўламиз, беихтиёр кўнглимизда “бундай қаҳрамон ростдан ҳам ижобий жиҳатдан мавжудми?” деган савол туғилади. Муаллиф – ҳикоячи бўлсада, воқеалар ва одамларни четдан кузатаётган, гўё-ки уларда яширинган чуқур мазмунни, чархи дуннинг кажрафторлигини зарур даражада мушоҳада эта олмайдиган киши ниқобини кийишга мажбур бўлади. Муаллиф фикрини маъқуллайдиган иккинчи бир овоз – “ровий” овози пайдо бўлади.

Ёзувчи роман бошиданоқ китобхон эътиборини мана шу фарқقا, таққосга қаратади. Унинг одамларни ана шу икки тоифага ажратиши андуҳли ишқ қиссасининг бошроғида Улуғбек Ҳамдам оддийликнинг оригиналликдан фарқини кўрсата туриб, ғайриоддий қаҳрамон жиҳатларини таъкидлай бошлайди. Юқоридаги сухбатда ёзувчи ўз романинг ғоясини шакллантиришда бу икки қарама-қарши қутбнинг - оддий ва ғайриоддий инсонларга муносабатини қоғозда ифодалашнинг нақадар мушкул эканлиги ҳақида ҳам айтиб ўтади. Ҳаётнинг ўзи биз идеал деб атаганимиз – ғайриоддий, аслида эса инсон шундай бўлиши керак бўлган манбани ишқقا мубтало бўлган замондошларимизнинг тақдирини ёниқ эҳтирос билан тасвирлашда нафакат муаллиф ҳикояси, балки ровий иштироки ҳам зарур бўлади. Шунинг учун ҳам асарда икки овозлилик юзага келади, муаллиф ўзи қоғозга тўка олмаган фикрларни ровий образи орқали ифодалашга интилади

ва бунга муваффақ бўлади ҳам. Қахрамон ички монологларида, ровий ривоясида, ўзиники бўлмаган нутқ тарзида қахрамон ички дунёси муаллиф маҳорати, юксак эстетик тафаккури орқали ифодаланади. Самандар ва Сабо образларига ҳам “Объектив характердан лирик характергача бўлган образ эволюцияси тасвир обьектидаги ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ: индивидуал психологиянинг чукурлашуви, муайян изтироб силсилалиги алоҳида аҳамият бериш давр ҳаётининг ботиний манзараларини кўрсатишга хизмат қиласди. Шу ассоциатив алоқалар натижасида лирик характер шаклланади”<sup>83</sup> дейишимизга асос бўлади.

Ёзувчининг “Мувозанат”, “Исён ва итоат” романлари учун персонаж ривожида воқеаларнинг бир ўзанда кечиши, мантиқий кетма-кетлик хос бўлса, “Сабо ва Самандар”да образ импульсив тўлғанишларда, сюжет ривожида ўзини яққолроқ кўрсатади. Биринчи навбатда бу Самандарнинг психологик портретини яратишга тегишидир. Образ чекига тушган бадиий юк шунчаликки, Самандарнинг импульсив тўлғанишлари билан боғлиқ ҳар бир сюжет нуқтаси унинг кейинги тақдиринга туртки бўлади. Айни пайтда, тасодиф бот-бот тақдирнинг сийлови сифатида келади. Мисол учун, Самандар ва Сабонинг “тасодифан” учрашиб қолишинларнинг ўзида қандайдир психологик яқинлик мавжуд, аслида бу ҳеч қандай тасодиф эмас, ички зарурият билан шартланган ҳодиса эди. Бу зарурият қахрамонларнинг психологик тузилишидан, ўзларини катта бир ишққа, жонларини қурбон қилгулик ҳисга асир бўлишга чоғлаб юрган Сабо ва Самандарнинг ҳаётий ҳолатларидан келиб чиқади.

Романда қахрамонларнинг ички нутқлари асосан икки шаклда: муаллиф ҳикоясидаги (айтиб бераётган) монолог (қахрамоннинг фикрлари, ҳиссиётларини ифодалаш билан бирга роман композициясида ҳам алоҳида роль ўйнайди) ва қахрамон шуурида кечаётган монолог (психологик жараённинг ўзини, ўз психологик ҳолатини таҳлил қилишни акс эттиради)

<sup>83</sup> Киканс В.П. Современная советская поэма. – Рига: «Зинатне», 1982. – С. 68, 148.

тарзида бўй кўрсатади. Самандарнинг Сабосиз юрган, Сабони истаб юрган аянчли ҳолатларини тасвирлар экан, муаллиф қаҳрамон психологик аҳволини гоҳ ички монолог орқали, гоҳ тўғридан-тўғри муаллиф нутқи орқали ифодалайди:

“Бас энди, Самандар, шунча умрингни, кучу қувватингни дайди шамолларга бердинг. Ўғлинг кап-катта бўпқолди. Қараб турсанг, одамни тушунадиган... Қизинг ҳам ўсиб келаяпти. Аёлинг шундай аёлки, қули бўлсанг арзийди... Кел, энди эски дардингни қўй. Одамлар айтмоқчи, “Куйдим, ёндим!” дейишни бас қил! Ишла. Ҳаётнинг, тирикликнинг гаштини сур. Ўзинг учун бўлмаса, шу қорақўз ўғил-қизу лобар хотининг учун қил шу ишни! Иродали бўлсанг, унутасан ўша қуриб кетгур ишқ деган савилни... Ахир, неча йил бўлди... У, адаси айтганидек, ўз тенгига тегиб кетди. Болача орттирган бўлса, мени аллақачон эсдан чиқарган. Ўз оиласию ўз дарди билан андармон бўлиб юргандир. Қизик, кўчада кўришиб қолсак, ўзини қандай тутаркин?.. Мени танирмикан?.. Ёки кўрмасликка, билмасликка олиб ўтиб кетармикан? Ахир, ҳалиям орқасидан пойлоқчилар эргашиб юрган бўлса... Ким билади... Эҳ, бошим ғовлаб кетди, бас қил энди, бас, Самандар!..” (181-б) Ушбу лавҳанинг эътиборли жиҳати, нутқ икки хил шаклда – қаҳрамон ва муаллиф нутқи тарзида берилган.

Кўринганидек, ички монолог қаҳрамон ҳаётида, дунёқарашида, ўз-ўзига муносабатида ўзгаришлар юз берганда кузатиладиган кескин ва ноқулай вазиятларда персонаж рухиятини аниқ-тиник очаяпти. Самандар қалбидаги психологик конфликт асосида оиласи, яқинлари олдидаги мажбурият билан юрагида яшаётган ишқнинг келиша олмаслигидан келиб чиққан зиддият ётибди. Ушбу лавҳада қаҳрамон ботиний олами, унинг ҳоҳишистаклари психологизмнинг ичдан очиб бериш принципи орқали юксак маҳорат билан тасвирланганини, бундай эстетик лавҳалар эса романни бадиийлик билан таъминлаганини эътироф этиш керак.

Роман бадиий спецификасини белгилаб берган муҳаббат, висол мавзуси, оила ва яқинлар олдидаги мажбуриятлар муаммоси муаллиф

эътиборининг инсон индивидуаллиги, шахснинг психологик изтироблари муҳити томон юз буришига олиб келган. Шунинг учун ҳам “Сабо ва Самандар” романининг ўзига хос хусусияти сифатида бадиий психологизм яққол намоён бўлган. Ёзувчи асарда персонажларнинг ҳисларини ташқи вазиятлар ва ички зиддиятлар замон ва макондаги жараёnlар силсиласи сифатида кўрсатишга эришган.

Айтиш лозимки, психологизм Улугбек Ҳамдамнинг “Сабо ва Самандар” романида бадиий психологик тасвирнинг тўрт асосий принципи: динамик, аналитик, ичдан кўрсатиш ва синтетик принциплари асар қаҳрамонларининг талқини орқали намоён бўлган. Лекин ўрни келганда уларни аралаш қўллангани ҳам кузатилди.

### **3.2. Романда қаҳрамонлар ички дунёсининг психологик тасвири**

Бадиий асар талқини ва таҳлили жараёнида маълум бўладики, психологик тасвир турли асарларда турлича вазифаларни бажаради. Баъзи асарларда психологик таҳлил ва психологик деталлар у қадар фаол кузатилмайди. Бунда асосий тасвир обьектини қаҳрамонлар ички дунёси, унинг бадиий-психологик тасвири ташкил этади.

Айрим ҳолларда эса, психологик тасвир матннинг салмоқли қисмини банд этиш баробарида бошқа унсурларга нисбатан мустақиллик касб этади ва асар мазмунини тушунишнинг фавқулодда муҳим жиҳатига айланади. Бизнингча, бундай асарда алоҳида бадиий услуг – психологизм юзага келади. Психологизм бу бадиий тасвир воситалари кўмагида қаҳрамон ички олами: унинг фикрлари, кечинмалари, хоҳишлиари, ҳиссий ҳолатларини батафсил тасвир орқали кашф қилишдир.

Олдинги бобларда кўрсатиб ўтганимиздек, психологик тасвирнинг уч асосий шакли мавжуд бўлиб, ички олам тасвиридаги барча конкрет усуллар алал-оқибат ўшаларга бориб тақалади. Бу уч шаклнинг иккитаси назарий жиҳатдан рус адабиётшуноси И.В.Страхов томонидан ажратиб қўрсатилган

эди: “Психологик таҳлилнинг асосий формаларини характерлар тасвирининг “ички” – ҳаракатдаги шахсларнинг ички дунёсини уларнинг ички нутқлари, хотира образлари ва тасавурлари кўмагида бадиий ифодалаш; “ташқи” – ёзувчининг нутқни, нутқ орқали ифодалашнинг ўзига хос хусусиятларини, мимика ва психиканинг бошқа ташқи кўринишларини психологик таҳлил қилиши кабиларга ажратиш мумкин”<sup>84</sup>. Адабиётшунос психологик тасвирининг биринчи шаклига шартли равища *бевосита*, иккинчисига эса *бильвосита* деб таъриф берган. Ушбу психологик воситалар кўмагида биз қаҳрамон ички оламини бевосита эмас, балки психологик ҳолатнинг ташқи белгилари орқали билиб оламиз.

Психологизмнинг асосий усувлари ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, ёзувчининг ҳикоя қилиш усулига аниқлик киритиш лозим деб ҳисоблаймиз. Инсон ички оламининг тасвири биринчи шахс тилидан ҳам, учинчи шахс тилидан ҳам берилиши мумкин. Бу ҳикоя қилиш шаклларининг ҳар бири турлича имкониятларга эга. Биринчи шахс тилидан ҳикоя қилиш қаҳрамон психологик сувратининг ҳақиқатга яқин иллюзиясини юзага келтиради. Чунки ўзи ҳақида инсоннинг ўзи гапирайпти. Кўп ҳолларда биринчи шахс тилидан ҳикоя иқрор характерида бўлади, бу ўз навбатида таъсирчанликни кучайтиради. Ҳикоя қилишнинг бу шакли кўпинча асарда бош қаҳрамон битта бўлиб, муаллиф ва китобхон унинг онги ва руҳиятидаги ўзгаришларни кузатиб бораётган ҳолларда қўлланилади. Қолган персонажлар иккинчи даражали бўлиб, уларнинг ички дунёси айтарли тасвиранмайди.

Учинчи шахс тилидан ҳикоя қилиш ички дунё тасвири бобида кенгроқ имкониятларга эгалиги билан ажralиб туради. Бунда муаллиф китобхонни ҳеч қандай чекловларсиз персонаж ички дунёсига олиб киради ва руҳият иқлиmlарини чуқурроқ, батафсилроқ кўрсатади. Қаҳрамон қалбида муаллиф билмайдиган сир йўқ – у қаҳрамон ҳақида ҳамма нарсадан вokiф, муаллиф

<sup>84</sup> Страхов И.В. Психологический анализ в литературном творчестве: пособ. для студ. /В 5 ч./ – Саратов: Изд. Саратовского университета, 1973. – Ч. 1. – С. 14.

ички жараёнларни миридан-сиригача таҳлил қилиши, туйғулар, фикрлар, кечинмалар ўртасидаги сабаб-шарт алоқаларини изоҳлаши ҳам мумкин. Ҳикоячи қаҳрамоннинг ўз-ўзини таҳлил қилишини шарҳлаб ўтиши, ҳатто қаҳрамон ўзи илғамаган ёки тан олишни истамаган психологик кечинмалар ҳақида сўзлаши мумкин.

Бир вақтнинг ўзида ровий қаҳрамоннинг ташқи ўзини тутишини, мимикаси, пластикасини психологик таҳлил предметига айлантириши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Учинчи шахс тилидан ҳикоя қилиш асарга психологик тасвирнинг турли усулларини жалб этиш имконини беради: бундай ҳикоя тўқимасига ички монологлар, ошкора иқрорлар, кундалик ва мактублардан парчалар, тушлар, галлюцинациялар енгилгина қоришиб кетаверади.

Учинчи шахс тилидан ҳикоя бадиий вақт билан эркин муносабатга кириша олади, қаҳрамон руҳиятида кечадиган оний ҳолатлар таҳлили чоғида вақт узоқ муддатга тўхтаб қолиши ёки асарда тасвирланаётган узоқ муддатли воқеалар ҳақида қисқа маълумот берилиши мумкин. Бунга сюжет тармоқларининг алоқасини мисол келтириш мумкин. Бу муаллифга умумий ҳикоя қилиш тизимида психологик тасвирнинг салмоғини орттириш, китобхон эътиборини воқеалар тафсилотидан ҳис-туйғулар тафсилотига кўчириш имконини беради. Шунингдек, бундай шароитда психологик тасвир ўзининг максимал деталлаштирилган даражасига кўтарилади: дақиқалар ва ҳатто сониялар ичиди юз берадиган психологик ўзгаришлар тасвири бир неча саҳифани эгаллайди. Нихоят, учинчи шахс тилидан ҳикоя қилиш орқали бир эмас, бир неча қаҳрамонлар ички оламини тасвирлашга эришилади.

“Бадиий асарда бош қаҳрамон асарнинг асосий ғояси ва умумий руҳини пафос даражасида ушлаб туриши лозим. Йўқса, асар пафосига ҳам, қаҳрамон жозибасига ҳам путур етади”<sup>85</sup>, - деб ёзади академик Б.Назаров.

У.Ҳамдам яратган қаҳрамонлар характеристикиси устидаги изланишларининг ажralиб турадиган ўзига хослиги қаҳрамоннинг романтик

<sup>85</sup> Назаров Б. Давр ва қаҳрамон // Ўзбек адабий танқидчилиги. – Тошкент: «Фан». 1979. 96, 215 – бетлар.

кайфиятда эканлигига кўринади. Буни биз “Исён ва итоат” романидаги баъзи қаҳрамонлар билан “Сабо ва Самандар” романидаги персонажларнинг ўзаро қиёсий таҳлилида кўришимиз мумкин. Ҳар икки асарда ҳам қаҳрамонлар ўз ҳаётлари давомида кўрган-кечирганларидан хулоса чиқара-чиқара, одамлардан “бегоналлашиб” боради. Самандар ва Акбар образлари мисолида бу жиҳат яққол кўринади. Улар идрокида асрлар мобайнида ечимини топмаган масалалардан чарчаган пайтлари “ўзига қамалиб олгиси” келади. Худди шу ҳолатда тасвиrlанаётган барча воқеа-ҳодисалар қаҳрамон психологик оламидан келиб чиқиб тасвиrlанади ва таҳлил этилади.

“Сабо ва Самандар” романининг бош мавзуси – ишқ, ғояси – ишқнинг Оллоҳ берган неъмат, шу билан бирга қисмат эканлигини қаҳрамонлар тақдири орқали очиб бериш, ёзувчининг концепцияси - инсон комиллигининг ишқ орқали такомилга эришуви масалалари ва унинг бадиийлик орқали шартланганлигидир. Демак, асар моҳиятан ишқ талқини экан, унга хос барча поэтик унсурлар шу мантиқни очиб беришга қаратилади. Тадқиқотимизда психологизмни ёзувчи маҳорати маҳсули сифатида эътироф этар эканмиз, “Сабо ва Самандар” романида қаҳрамонлар психологик оламини очиб беришда аҳамиятга молик бадиий жиҳатлар айнан ишқ эканига амин бўламиз.

Давр ҳодисалари, замон ўзгаришлари инсон қалбида акс-садо беради. Ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий кайфиятлар оқими қалбга йўналади, унинг зарбларига таъсир кўрсатади. Бадиий асар қалбнинг ўта шахсий, шу баробарда ижтимоий маҳсули бўлганлиги боис, замоннинг ўзгараётгани, тафаккурнинг янгиланаётгани унга ҳам ўз муҳрини босади. Бадиий асар мана шундай ўзгаришларнинг, ўсишларнинг тасвир ойнаси. Унда ғояларнинг амалга ошиши, инсон онги ва маънавиятининг тараққиёти, ижобий янгиликлар касб этиш жараёнларини кузатиш мумкин. Шунга кўра бир даврда яратилган қаҳрамон бошқа бир даврда яратилган қаҳрамондан бир ижодкор яратган характер ўзга ижодкор рўёбга чиқарган характердан фарқланади. Шу билан бирга, характер ва қаҳрамонлар табиатида муштарақ

жихатлар ҳам мавжуд бўлиб, бу, энг аввало, қаҳрамонлар психологик оламини бадиий тадқиқ этишда кўринади.

Маълумки, бадиий асар матни тадқиқ этилганда, ундаги барча унсурларнинг ўзаро ўйғунлигини ҳисобга олиш тўғри илмий хулосаларга келиш учун имкон беради. Шу нуқтаи назардан, романда сюжет ва психологизм муносабатини ўрганиш ҳам муайян ёзувчининг индивидуал услуги ва маҳоратини ойдинлаштиришга имкон беради. Сюжет бадиий асарда воқеалар занжири, персонажларнинг макон ва замондаги ўзгаришлар, бир-бири билан алмашиниб турадиган вазият ва ҳолатлардаги ҳаётини бадиий психологизм ёрдамида тасвирлар экан, адабий қаҳрамоннинг психологик олами, ҳис-туйғу ва кечинмалари сюжет воқелигида ўз ифодасини топади. Ёзувчи тасвирлайдиган воқеалар асарнинг предмет дунёсини ташкил қиласа, персонажлар рухиятининг тасвири романда бадиий психологизмни ташкил этувчи ибтидо саналади.

“Сабо ва Самандар” романи мураккаб сюжетли асардир. Унда воқеалар тизими ёзувчининг аввалги романларидан фарқ қиласи. Бу муаллиф танлаган характернинг мураккаблигига боғлик. Самандар ҳамма қатори тақдир азалга – пешонасига ёзилганига кўниши, яъни кўпчиликнинг наздида “тўғри йўлдан кетиши” мумкин эди. Аммо у ўз аҳдидан қайтмайди, ҳатто хотини, гулдек фарзандлари бўла туриб маҳбубасига талпинади. Худди шундай тақдир Сабонинг ҳам чекига тушган. Ўзбекона тарбия топган қиз тиз чўкиб ялинган отасининг юзидан ўтолмайди. Тўйга розилик беради. Сабонинг дадаси Сайдкамол ака қизини молиявий ҳамкорига турмушга беришга сўз бериб қўйган. Аммо қизи оддий бир ўқитувчига кўнгил қўйиб ўтирибди. Ҳамма нарсани пул, амал ҳал қиласи деб ўйлаган ота севгини ҳам сотиб олмоқчи бўлади:

“Пул керак санга, уй-жой қилиш учун, Тошканга яхшироқ ўрнашиб олиш учун, кейин машина-пашина дегандек, а?..

Самандар тишини тишига босганча, муштларини қисиб, айни чоғда шайтонга ҳай бериб, сабр билан томошанинг сўнгини кутарди...

- Йўқ, санга элликта етмайди, санга юз минг ёзиб бераман. Юз минг доллар! – Сайдкамол ака чекни йиртиб Самандарнинг олдига ташлади. – Олде, дап бўл! Қизимга бошқа қўнғироқ қилма! Шартни бузсенг, ўзингдан ўпкала, бола!

Самандар ўрнидан турди, - битта нарсага ҳайронман, – деди дона-дона қилиб.

- Нимага экан? – ажабланиб сўради Сайдкамол ака ҳам беихтиёр Самандарга эргашиб ўрнидан туаркан.

Сиздек... юраксиз одамдан Сабодек кўнгил кишиси қандай қилиб туғилган экан?.. - Самандар изига бурилиб ташқарига чиқиш учун шахдам одимлар билан кетаркан, бояги йигитларнинг эшик олдида ўзига қараб турганига кўзи тушди. Аммо йигитлар хўжайнинларига бир қараб олишгач, Самандарнинг чиқиб кетишига монелик қилишмай ён беришди” (140-143-б).

Асар сюжетининг кульминацияси ҳисобланган ана шу воқеадан сўнг икки ошиқ ҳаётида мисли кўрилмаган машаққатлар, чексиз азоблар бошланади. Аслида роман конфлиkti моддият ва маънавиятнинг рўбари келишидан, дунёning ўзидек кўхна инсоний туйгуларнинг тамаддун билан қарама-қаршилигидан бошланади.

“Роман сюжетидаги таъсирли ўринлардан, авж нуқталаридан бири Сабонинг отаси Сайдкамол аканинг шотирлари, тансоқчилари воситасида Самандарни кўчадан тутиб келтиргани ва у билан қилган мулоқатидир”<sup>21</sup>. Кўринадики, адабий қаҳрамонларни у ёки бу воқеага аралашмаган ҳолда тасаввур қилишининг иложи йўқ. Воқеа-ходисалар персонажлар учун ўзига хос “ҳаракат майдони” ҳисобланиб, юз бераётган нарсага нисбатан ҳиссий ва ақлий жавоблари, ўзини тутишлари ва қилиқлари орқали китобхонлар олдида уларнинг тўлақонли образи намоён бўлади.

Асар сюжетида воқеалар ривожига туртки бўлган ана шу воқеадан сўнг икки ошиқ ҳаётида мисли кўрилмаган машаққатлар, чексиз азоблар бошланади. Аслида роман конфлиkti моддият ва маънавиятнинг рўбари

<sup>21</sup> Тўраев Д. Рангин тасвирлар жилоси. – Тошкент: «Академнашр», 2014. 162-бет.

келишидан, дунёнинг ўзидек кўхна инсоний туйғуларнинг тамаддун билан қарама-қаршилигидан бошланади.

Асар сюжетидаги воқеалар ривожи ҳақида сўз кетганда, аввало, асар муаммосини бадиий тадқиқ этишга имкон берадиган, муаллифнинг ижодий ниятини юзага чиқарадиган роман хронотопи хусусида сўз кетади. Улуғбек Ҳамдам “Сабо ва Самандар” учун танлаган сюжетда Самандарнинг водийдан, Сабонинг Тошкентдан бўлиши – ижодий ният ижроси учун энг мақбул вариант. Негаки, романнинг ўзаги бўлмиш “ишқий-маиший” сюжет чизигининг Тошкент – Андижон орасида кечиши ёзувчига ўзини ўйлатган муаммолар тадқиқи учун зарур воқеаларни асарга олиб кириш имконини яратади. Жумладан, ишқ дардидан ўртанаётган Самандарнинг онасининг олдига бориши, Тошкентдаги саргардонликлари каби воқеалар асарга ҳеч бир зўракиликсиз, ўқувчи хаёlinи банд этган Самандар - Сабо линиясига узвий боғланган ҳолда олиб кирилади ва, муҳими, улар адигба шахс эрки, юрак амри муаммосини атрофлича бадиий тадқиқ қилиш, фикрларини ифодалаш имконини яратади. Кўринадики, сюжетнинг бадиий асардаги энг муҳим функцияси – ёзувчи бадиий концепсияни шакллантириш ва ифодалашга хизмат қилишида намоён бўлар экан.

Самандар билан Сабонинг оилали, бир касбнинг эгаси бўла туриб интим туйғулар сиртмоғидан ўзларини бўшата олмаганликларини биргина ирова бўшлиги билан изоҳлаб ўтиб кетавериш тўғри бўлmas, муаллиф қаҳрамонлари тақдирини шу тахлит қуарар экан, ҳар қайси одамнинг ўз тақдир йўналиши борлигига, туғилганидан то ўлгунга қадар пешонасида борини кўришга маҳкумлигига ургу беради.

Психологик кечинмаларнинг билвосита ифодасини чизар экан, Улуғбек Ҳамдам қаҳрамон кечинмалари ва ўзини тутиш мотивлари ўртасидаги қўп томонлама алоқани акс эттирадиган алоҳида ҳар бир психологик деталга ургу беради. Бу ерда мимика, ҳатти-харакат, нутқ ва физиологиядаги ўзгаришлар инсон руҳиятининг ташқида намоён бўлишини билдиради. Характерига кўра

бундай хатти-ҳаракатлар персонаж томонидан беихтиёр ёки атайлаб қилиниши мумкин.

Романда характер ва характерлараро зиддиятлар конфликт ривожини жонлантириб туради. Аммо, Самандар руҳиятидаги зиддиятлар унинг бошқалар билан бўладиган қарама-қаршилигини босиб тушади. Айни шу сифатга асосланиб, Самандарни фожеий характер дейиш мумкин, бироқ унинг драматик характер тарзида касб этаётган қиёфаси лиро-эпик тасвир жўрлигига амалга ошади. Улугбек Ҳамдам Самандар ҳаётининг энг драматик лаҳзаларига қўпроқ эътибор қаратади. Драматик лаҳзалар тасвири эса лиро-эпик омухталик бағридан ўсиб чиқади:

*Кумуши қишининг қучогига юр, кетдик,  
Юргил, ташвишларни осиб қўй дорга.  
Бу дунёning охирига ким етди? –  
(Ким эътибор берар бўлса дил – ёрга!)*

*Кумуши қишининг қучогига юр, кетдик,  
Юргил, кўнгилларга малҳам бўлсин у!  
Тирикчилик дедик, рўзгор-ши дедик,  
Орзуларнинг юзларига боқмай сўлдик-ку... (238-б)*

Ушбу лирик киритмада ошиқнинг дунёга “бегона”лиги психологик жиҳатдан мантиқий ва ғайримантиқий воситалар қоришмасидеку тасаввур уйғотади. У дунёдан тўйған. У ўзини тўйдирган бу дунёning иссиқ бағрини тарқ этишни истайди. Тарқ уни қаёққа йўлламоқда? “Кумуш қишининг қучогига”. Қиши, совуқлик, оқлим томон интилиш туйғуси психоанализда танатос – ўлим синдиромининг инсон борлиғига ҳукмрон мавқега чиқиши билан изоҳланади. Мавжуд дунёning иссиқ қучогидан алданган инсон руҳияти, ундан лаҳзама-лаҳза бегоналашиб борар экан, нажот ва қутулиш ўйлини совуқлик ва қиши тимсолида кўради. Унинг кумуш (оппок)лигининг боиси шуки, бу ранг ва ҳарорат қип-қизил ва иссиқ қонга тескари, яъни ўлимнинг рамзидир. З.Фрейд “танатос” туйғусининг пайдо бўлиши ва якуни

ҳақида сўз юритар экан, бунинг сабаби инсон эгоси ва биологик жисмининг жамият томонидан сиқиб чиқарилиши, ғайришуурый алам билан боғлаб тушунтиради<sup>86</sup>. “Сабо ва Самандар”даги Нодир ва Нилуфар, Сабо ва Самандарлар фожиасининг психологик асосланишида шу жиҳат етакчилик қиласиди, буларнинг барчаси ёзувчининг Фрейд таълимотидан чуқур хабардор эканлигини кўрсатади. Лирик киритмадаги “кумуш қиш” бирикмасининг роман пафоси марказини ишғол этиши, бизнингча, шундай омиллар билан боғлиқ.

Асарда ёзувчи томонидан қўлланилган нутқ, туш таъбири, ҳодиса тасвири, асос, диалог каби объективлаштирилган психологик воситалар характерларнинг муайян қирраларини тўлдиришга қаратилган. Асар тилининг бадиий жозибаси тасвир воситаларининг унсурлари қаҳрамон психологик оламини очиб беришга хизмат қиласи. Романда Самандар ҳали Сабони учратмай туриб уни тушида кўради. Асар давомида уларнинг иккаласи ҳам қайта-қайта бир-бирларини тушда кўрадилар. Ёзувчи туш бадиий детали орқали қаҳрамонларнинг ички оламига разм солади, уларни ўртаётган масалаларнинг китобхонга тушунарли бўлишига имконият яратади, кейинги воқеаларга “замин тайёрлайди”. Зеро, туш шунчаки тасодифий ҳодиса бўлмай, инсон рухиятининг бир кўриниши, онг ости кечинмаларининг ўзига хос намойиши ҳамdir. Шу боис романда қаҳрамонларнинг туш кўришлари психологик таҳлил воситаси сифатида келади:

“Алҳол, бир туш кўрди. Сабо эди тушда ҳам. Улар икковлон қўл ушлашиб, гўзал бир чаман ичра бир жуфт қушчалардек баҳтиёр юришган экан. Бир пайт Сабонинг ёдига нимадир тушибди-ю, “Адамла бир иш тайинлаган эдилар, бажариб тезда келаман”, дея боғдан чиқиб кетибди. Самандар кутибди, кутибди, кутибди... Лекин Сабодан дарак бўлмабди. Кўп ўтмай қош қорайиб, тун зулмати атрофни ўз қаърига олибди. Лекин

<sup>86</sup> Қаранг: Жўракулов У. Психоанализ ва бадиий ижод /Худудсиз жилва китобида. – Тошкент: «Фан», 2006. – Б. 37-67.

Самандар кетмабди. Боя, кундузи чаман-чаман очилиб турган гулзор ҳам, оқ, қизил, пушти гуллаб димоғу кўзни қувонтирган алламбало дараҳтлар ҳам қайгадир чекингану уларнинг ораларидан хунук-хунук товушланиб бойқушлар чиқиб келаётгандек бўлибди. Йигитнинг кўнглига худди тун каби аста сирғалиб саросима кириб келибди. Бироқ ҳар қанча қўрқмасин, Сабони кутибди. Боғдан бир одим ҳам силжимабди. Тишини тишига қўйиб кутибди, кутаверибди. Нихоят, оёқларидан мадор кетиб, тик туришга ҳам қурби келмай қолганда тим қора олис уфқда милтиллаб бир дона юлдуз қўринибди. Ва у Сабога ўхшаб жилмайбди. Шунда Самандарнинг ичидаги балқиб қуёш чиқибди. Энди унинг учун туннинг ваҳми қолмабди, оёқларига мадор, кўзларига нур қайтиб келибди...” (85-86-б)

Самандар тушининг таъбирини воқеалар ривожидан англаймиз.

Романдаги туш мотивининг бу қадар батафсил, чуқур эътибор билан тасвирланиши, бизнингча, икки омилдан келиб чиқади: биринчиси, роман қаҳрамони ва унга қисман прототиплашув йўли билан ҳамдардга айланган муаллифнинг романтик кайфият ава муаммоларнинг романтик ечимида мойиллиги. Дарҳақиқат, амалга ошмаган орзуладар, шафқатсиз ҳаёт тўсиқларидан қутулишнинг ўзи мушкул. Бундай мушкулотларни енгишнинг биргина осон ва самарали йўли бор – бу ҳам бўлса, туш. “Ўткан кунлар” қаҳрамони Кумушни Отабекдан рақиблари ажратишгандан сўнг барча орзустакларининг тушларида бажо бўлганини айтади. Отабек ҳам тушнинг сунъий, бир оз заарли йўлини танлайди – бўзагирликка берилиб кетади, Кумушини шу ҳолатида кўради, у билан дардлашади. Иккинчи жиҳат ёзувчи бадиий тафаккурида ассоциатив тарзда яшаётган халқ оғзаки ижоди, ундаги гойибона ишқ, унинг тушда аён бўлиш мотивидир. Кўринадики, “Сабо ва Самандар” бир қарашда енгил, замонавий ишқ талқинидаги асарга ўхшаб туюлса ҳам, моҳиятида фольклор, мумтоз адабиёт (Навоий “Лайли ва Мажнун”), шунингдек, замонавий жаҳон адабиёти, фалсафаси ва психологияси (фрейдизм) билан чамбарчас боғланади.

Туш инсон руҳиятининг ифодасидир. Роман воқеалари тизимида Сабо ҳам бир неча марта туш кўради. Ҳар гал тушида Самандарни кўради, уйкусида Самандарнинг исмини айтиб чақиради. Умуман, Улубек Ҳамдам туш мотивига улкан бадиий-эстетик вазифа юклайди. Романдаги психологик тушлар қаҳрамонлар тақдирини аввалдан башорат қилиб беради. Туш рамзлар тили орқали қаҳрамонлар ички оламидаги силсилалар ёритиб берилади, туш бадиий детали кўмагида характерлар психологик таҳлилга тортилади.

“Қаҳрамон ва муаллиф ўзаро муносабатларининг бундай шаклини характер деб атаемиз, - деб ёзади М.М.Бахтин, - унда қаҳрамон алоҳида шахс сифатида намоён бўлади. Энг асосийси ҳам шунда: қаҳрамон бизга бошдан алоҳида шахс сифатида тақдим этилади. Муаллифнинг фаоллиги қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати доирасида амалга ошади, ҳар бир ҳолат қаҳрамонга берилган тавсифномадай қабул қилинади, асар бошдан охир у ким? – деган саволга хизмат қиласи ва ечимга олиб келади”<sup>87</sup>.

“Сабо ва Самандар”да ҳам муаллиф ва қаҳрамон ўртасидаги муштараклик жуда мустаҳкам. Муаллиф ва у яратган характер узвий яхлитлик касб этган, муаллиф ва характерни ажратадиган чегара йўқдек. Ёзувчи ижодига хос жиҳатлар, муносабатлар гўё “Сабо ва Самандар”да ўз ифодасини топгандай.

Бизнингча, мустақиллик йиллари романчилигига инсон руҳияти иқлиmlарига тобора чуқурроқ кириб борганлиги, қалб тебранишларини аниқ илғаганлиги, инсоний дардларни теран идрок этганлиги муаллиф “мен”и орқали ифода этилаётган тасвир усули ўзини оқлаганлиги ҳамда “мен”нинг шахс сифатида шаклланганлиги билан изоҳланади.

Психологик деталлар инсон ички оламини гавдалантиради. Қалб тебранишлари – фикрни тўлиқ айтольмасдан, фактат ишора билан чекланиш усули ёки “нутқ орқали ифодаланмаган диалог”га мансуб унсурлар: кинестик ҳолатлар – хатти-ҳаракат, мимика ва пантомима элементлари ҳамда кулги,

<sup>87</sup> Бахтин М. Эстетика словесного творчества. – М.: Искусство, 1979. – С. 16, 151.

йиги, нутқ темпер каби паралингвистик элементлар психологик детал шаклини ифодалайди (И.В.Страхов) ёки персонаж динамик портретининг деталлари (мимика, пластика, маъноли ҳаракатлар, тингловчига қаратилган нутқ, физиологик ўзгаришлар) дея номланади. Психологик тавсифнинг “жамловчи-белгиловчи” шаклига нисбат берадиган бундай детални адабиётшунос А.П.Скафтиков “ҳисларнинг вербал (оғзаки) тасвири<sup>88</sup>,” деб атайди.

Романдаги персонажларнинг аксариятини тасвирлашда психологик тасвирнинг портрет характеристикиси, диалогик саҳналар, бош қаҳрамон характерини эмперик ифодалаш, мимика, жест, сўзлар талаффузидаги ўзгаришлар каби усулларидан фойдаланган. Диана, Лариса хола, Турсунбой жонталаш, Марат, Искандар, Маҳкам, Фарида, Садр каби персонажлар асосан Акбар ва қисман Табибнинг ички дунёсини очиб беришга хизмат қилишган.

Персонаж характерини очиш психологик тасвирнинг бирламчи муҳим вазифасидир. Юз-кўз ифодаси, мимика, имо-ишора, гавда ҳолати каби новербал хатти-харакатлар кўпинча персонаж кўнглида кечаётган ҳислардан гувоҳлик беради. Масалан, “Исён ва итоат” романида Акбарнинг нафақат ташқи қиёфаси, балки ташқи таъсир орқали шаклланган психологик олами – қалб драматизми яратилади. Ёзувчи, айниқса, қаҳрамонларнинг аҳволи-рухияси, ички психологик эврилишлари ўзини зоҳир қилган ҳолатларни маҳорат билан тасвирлайди.

Ташқи кўриниш баъзида персонаж характерига ишора қиласди. Муаллиф Акбарнинг портретини чизар экан, унинг ўзбекларга хос мард, содда, покдомон, шу билан бирга бошқаларга ўхшамаслигини кўрсата боради. Унинг кўнглидаги исён ҳеч нарсадан қониқмаслик ва бунинг ортидан келиб чиқадиган хатти-харакатлардан иборат эди. Китобхон роман бошидаёқ қаҳрамоннинг ғайриоддийлигидан воқиғ бўлади.

---

<sup>88</sup> Скафтиков А. П. Нравственные искания русских писателей. – М., 1972. – С 437.

Персонаж портрети – бу унинг ташқи кўриниши: юзи, жуссасининг статик ёки динамик (юздаги ифода, айниқса кўз, мимика, хатти-ҳаракат, қилиқ ва юришидаги ўзига хослик) тасвиридир; персонаж либоси – портретнинг бир қисмидир. Портретнинг баъзи бир табиий қирралари бадий асарда муҳим ўрин тутади. Улар китобхонда персонажнинг қайси миллатга мансублиги ва ижтимоий келиб чиқиши ҳақида дастлабки тасаввурларни уйғотади. Бунда унинг либослари, маънавиятидан далолат берувчи ўзини тутиши катта аҳамият касб этади.

Қаҳрамон портретининг ўзига хослиги асарнинг қайси адабий жанрга мансублигига ҳам боғлиқдир. Драмада муаллиф асосан персонажнинг ёши, ҳаракатдаги шахслар рўйхатида тутган мавқеи, ўзини тутиши билан боғлиқ деталларни ремаркада кўрсатиб ўтиш билан чекланади. Персонажни майдада тафсилотлари билан тасвирлаш эпосга хос хусусият бўлиб, айнан эпик асарларда қаҳрамон портрети фавқулодда батафсил кўриниш олади, унинг жамиятдаги мавқеи ва характеристери ҳақида муфассал таассурот уйғотади.

Замонавий назариётчилар бадий қаҳрамонга “ҳаракат, кечинма, фикр субъекти” (Л.В.Чернец), одат ва қилиқлар, мулоҳаза ва новербал хулқ-атвор жамулжамидан туғиладиган кўп таркибли мукаммал тизим, дея таъриф беришади. Бадий асар поэтикасининг портрет, пейзаж, интерьер каби компонентлари сюжетни ташкил этадиган воқеалар ва персонажларни тасвирлаш билан турли даражада алоқадордир. Портретни тасвирлаш йўллари, йўсинлари ҳам ранг-баранг. Эпик асарларда портретларни экспозицион (деталлаштирилган портрет, образнинг деталлаштирилган тасвири) ва динамик (ўсувлан, ривожланувчан) портретларга ажратиш мумкин. Экспозицион портрет – бу одатда, асарда илк марта кўриниш берган қаҳрамон ташқи кўринишидаги деталларнинг бирма-бир санаб ўтилишидир.

Экспозицион портрет қатор типиклашган характеристикалар йигиндисидан иборат бўлиб, персонаж психологик ҳолатининг қандайлигидан қатъий назар, ўзида шахснинг ўзгармайдиган, барқарор сифат ва хислатларини акс эттиради. У бадий умумлаштирилган бўлиб, айни

пайтда, асосий қаҳрамонлар тақдирига таъсир этувчи кучларнинг аломатларини ҳам ўзида ифодалайди. Бунга романдаги Табиб портретини мисол қилиб келтирса бўлади:

“Табиблик ўзи шунаقا: бир кун bemорга қўшилиб йиғласанг, бошқа кун у билан бирга куласан. Турсунбой жонталашнинг ўлими табибни қанчалик эзган бўлса, Нигина қизнинг кундан-кунга соғайиб бораётганлиги шунча қувонтиарди. Ҳа, табиб шунаقا эди. Ҳар битта касални даволай бошлар экан, ўша bemордаги дардга қарши ўзи жангга киришар, енгиб чикқанда ҳаммадан кўра кўпроқ севинар, енгилганда эса ўзини қўйгани жой тополмай қийналар, ўзини – инсонни ожиз сезиб типирчиларди” (59-б).

Аслий–психологик портрет нафақат қаҳрамон ташқи қиёфасини, балки унинг шахс сифатидаги тадрижий динамикасини ҳам акс эттиради. Бундай портрет бадиий асарларнинг марказий қаҳрамонлари учунгина хос. Тавсифланиш йўсинига қараб психологик портрет пинҳоний ёки очиқдан-очиқ тасвирга эга бўлиши мумкин. Умуман, портретларни тасвирлаш усуллари турли-туман бўлиб, унда муаллифнинг холис характеристикаси ҳам, қаҳрамоннинг нутқида англашиладиган таассуротлари ҳам, ички субъектив идроки ҳам кўзга чалинади. Акбарнинг роман охирлагани сайин шахс сифатида интенсив шаклланиб бориши ёзувчи томонидан очиқдан-очиқ психологик таҳлил орқали тасвирланади, алалоқибат унинг ўзи устозлик мақомига кўтарилади, Искандарга йўл кўрсатади.

Психологик портретда муаллифнинг асосий диққат-эътибори қаҳрамон характерини очадиган, ўй-кечинмаларини ифодалайдиган қабариқ (ноёб) деталга қаратилади. Образни психологик ва ахлоқий-маънавий мазмун билан тўлдирадиган бундай детал портретда ўзига хослик касб этади. У орқали қаҳрамоннинг психологик белгилари аниқ-равшан кўринади:

“Одамга рух ҳаётидан жудаям оз илм берилди”, дейилади муқаддас китобларда. “Эҳтимол шу бехабарликдадир инсон изтиробларининг бир учи, тағин ким билади дейсиз”, - деб яшади бутун умр Акбар. Энди... қачонки унинг бағрида гуриллаб ёнган исён гулхани ўчгач, ғофиллик ҳам уни

қийнамай қўйди. Қайтага, исён ўрнида туғилган ўша кайфият – ўша итоат... руҳида қандайдир бир маърифат бор эди. Маърифатки, ғофилликни, унинг аламини ювиб юборишга қодир... Маърифатки, бутун умр жизғанаги чиқиб куйган кўнгилга, куйиб кетган кўнгилга бир енгил, бир сарин, бир ёқимли шаббодадай таъсир қиласидиган...” (133-бет).

Разм солинса, шу биргина парчадан инсон қалби эврилишларининг тасвири персонаж характеристикасида қанчалик катта аҳамият касб этишини англаш мумкин. Персонаж нутқида англашилаётган муаллифнинг холис характеристикаси ҳам, Ақбарнинг ички субъектив идроки ҳам портретда яққол намоён бўлади. Муаллиф биргина итоат деталидан фойдаланиб қаҳрамон руҳиятининг иқлимини таҳлилга тортмоқда.

Динамик портрет, асарда қаҳрамон ташқи қиёфасининг батафсил тасвирига етарли ўрин ажратилмаган ҳолларда, роман бўйлаб сочилиб кетган алоҳида деталлар шаклида бўй кўрсатади. Ёзувчи қаҳрамонни янги қирралар билан бойитиш, ташқи кўриниши ва ўзини тутишидаги ўзгаришларни қайд этиш мақсадида портретга қайта-қайта мурожаат этиши мумкин. “Исён ва итоат” романининг аввалида ёш, қизиққон Ақбарнинг қамоққа тушиб қолиши тасвирланса, сюжет силжиши давомида у улғаяди, фарзандли бўлади, асар сўнгига келиб устози – Табиб қатори бўлиб қолади. Муаллиф ўз қаҳрамонини тўлақонли тасвирлашга эришади: тасвир ва портрет бир йўла бериб борилаверади. Портретни бу тарзда бериш характер табиийлигини белгилайди, уни жонлантириб юборади.

Айрим ҳолларда портрет бошқа бир персонаж нигоҳлари орқали ҳам берилиши мумкин. У ҳолда портрет ўзлаштирма таассуротларни узатади. Бундай портрет шуниси билан аҳамиятлики, у бир вақтнинг ўзида персонажни ҳам, унга қараб турғанларни ҳам характерлайди:

“... Диана Ақбарнинг қулоқ чаккасида пайдо бўлган бир-икки оқ толаларни пайқадиyo, ўзида – шахсиятида, қарашларида қиттай бўлса-да бир чўкишни, қартайишни, тақдирга тан беришни кўрмади, сезмади. Аксинча,

аёл бу ғалати сехрга эга эркакнинг дунёсига қанчалик киргани сайин унга шунчалик яқинлашиб, боғланиб, меҳр-муҳаббати ортиб борарди” (108-б).

Бу ерда адабий портертлар бадиий тасвири мукаммал тасвири сифатида муҳим вазифани бажарган. Буларни фаслда таҳлили келтирилган “Сабо ва Самандар” романидаги образлар билан таққосланган, ҳар иккаласида ҳам характерлар нисбатан тўлароқ чиқишига, характернинг жонли ифодасига эришилганлиги кўринади.

“Сабо ва Самандар” романида ишқий-психологик туйғулар тасвири катта ғоявий-бадиий вазифани бажарадики, унинг кўмагида замондошларимиз ҳаётидаги ижтимоий муаммолар моҳияти ҳам очила боради. Самандар ва Сабо ўртасидаги ишқий муносабатлар фақатгина маънан умумийликка асосланган бегараз муҳаббат эмас, балки икки қўш тақдирнинг аралашиб кетишини ҳам ифодалайди. Ишқий-психологик зиддиятлар орқали биргина бош қаҳрамонларнинг эмас иккинчи даражали характерлар зийнати ҳам очилади. Муҳаббат қўлами, кучи, унинг намоён бўлиш шакли қаҳрамонлар шахсиятининг ўзига хосликларини характерлайди. Сабо билан биргина учрашув, биргина мулоқот Самандарнинг хаёлларини ағдар-тўнтар қилиб юборади. Ботинида юз берган “буюк бир инқилоб” зохирида аксланади:

“У юрмас, балки қуш каби, энг енгил ва энг баҳтли қуш каби учар, парвоз этарди. Ойнинг ўн беши қоронгу бўлса, қолган ўн беши ёруғ дейишарди. Шу кулли рост чиқди. Ойнинг, ойномонинг бу ўн беши шундай ёруғ, шундай чароғонки, йигитнинг юракларига танда қўйган зулматларгача ташқарига қувиб солди. Энди ҳамма ёқ ойдинликка, ойнинг нурига чулғанди... Баҳт деганлари шу бўлса керак...” (94-б). Муҳаббатдан масур үигитнинг психологик ҳолати кечинмалари тасвири бир вақтнинг ўзида ҳам воқеалар ривожини, ҳам туйғулар ривожини англатади. Бу ерда ошиқ (Самандар) ички олами, ботини психологиясини ёритишида, юқорида таъкидлаганимиздек, ҳолатнинг учинчи шахс тилидан ҳикоя қилиб берилаётгани муҳим аҳамият касб этган. Чунки инсон психологиясида ўзидан

кўра бирорларни тасвирлаш, ўз ботинидан кўра ўзгалар ботинини фош этиш истаги кучлироқ бўлади. Агар шу ҳолат биринчи шахс тилидан ҳикоя қилинганида бунчалик лириклиқ, интимлик ва назокатли тасвирга эришиб бўлмас эди.

Асардаги Сабо образи доимий ўсиш-улғайишда, интенсив тикланишда тасвирлангани учун бўлса керак, китобхон кўз ўнгида унинг ички гўзаллиги тобора очила боради. Бой-бадавлат оиланинг эрка қизининг ишқи Самандарга тушади. Сабонинг Яратганга илтижоси илоҳий тус олади ва роман воқеалари ривожида тўла-тўкис ижобат бўлади ҳам:

“Вой Худойим, агар муҳаббат баҳт бўлса, мен пойингга тиз чўкиб, ишқдан ўзга баҳт сўрамайман! Менга шуни бер ва то тирик эканман, мени ундан маҳрум айлама! Мен ишқнинг уйида сўнгги нафасимгача қолишни истайман! Ишқ билан кўз очиб, ишқ билан кўз юмсан дейман! Мени шу ерда тўхтат, мени ҳаёт деб аталмиш узун йўлнинг ишқ бекатида тушириб ва унутиб қолдир, эй Парвардигор!” (88-б.)

Мазкур муножотдан сўнг романда қолипловчи бир ривоят келади ва композициядаги бу тартиб қалби Ишқнинг суурорли онларига ошуфта Сабонинг руҳиятидаги драматизмни очишга жуда қўл келган. Золим подшоҳнинг Оллоҳга қилган муножоти ва бунинг ортидан ҳар қандай жангда музaffer қозониши ҳақидаги бу ривоят А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида уста Олим тилидан келтирилган ривоят, X.Султоновнинг “Ёзнинг ёлғиз ёдгори” қиссасида Адаш Карвоннинг қамоқдан қайтишини кутган Ойнисанинг бардошини бўрттирадиган ривоятларга ўхшаб кетади. Китобхон Сабо билан боғлиқ ушбу ривоят орқали Оллоҳдан ижобат бўладиган соатда Сабонинг дуои илтижоси қабул бўлган бўлса ажаб эмас, деган хulosага келади.

“Оламнинг яратилишидан мақсад инсон, инсоннинг яратилишидан “мақсад эса комил инсондир”<sup>89</sup>, - деб ёзади Усмон Турар. Инсон ўзида

<sup>89</sup> Турар Усмон. Тасаввуф тарихи. Турк тилидан Н.Ҳасан таржимаси. – Тошкент: «Фан», 1999. 144, 140-бетлар.

Раббоний ва нафсоний хусусиятларни бирлаштирган борлик. Нафс унсурларидан қутула бориш жараёнида комиллик сари йўл очилади. Сабо ҳам ўзини кутаётган дабадали ҳаётдан қўра, ҳақиқий ишқни дейди. Бу йўлнинг қандай эканлигини тасаввур қилолмаса-да, унинг бекатида қолиб кетишини истайди.

“Комиллик йўлига кирган инсон шариат, тариқат ва ҳақиқат босқичларини босиб ўтиши керак”<sup>90</sup> - деб ёзади адабиётшунос Э.Очилов. Мумтоз адабиётимизда бу йўл инсонни психологик, маънавий камолотга етакловчи йўл ҳисобланган. Албатта, тасаввуфда комил инсон илоҳийлаштирилган – унинг мезонлари юксак. Комил инсоннинг заминдаги тимсоли сифатида сўнгги пайғамбар – Муҳаммад алайҳиссалом эътироф этилган. Қолган анбиёю авлиёларнинг камолоти эса ул зотга нисбатан олинган. Демак, биз ҳам шу илму маърифати юксак, хулқу одоби гўзал, сўзи ва иши кўпчиликка ибрат бўладиган шахсларни, образларни баркамол инсонлар дейишга ҳақлимиз.

Романдаги ишқ моҳиятини кенгроқ очиб берадиган, ёзувчининг юксак бадиий маҳорати намоён бўлган лавҳалар Сабо ва Самандарнинг радио тўлқинлари орқали бўлган психологик мулоқатидир. Ушбу лавҳалар орқали ёзувчи ўзининг концепциясини: ишқ – Оллоҳ берган иноят, ишқ - икки қалбнинг бир вақтда бир-бирига талпиниши, умр - бир лаҳзалик висол ҳаққи, севилган ва севган қўнгил тўқилмалари – инсон рухиятининг энг гўзал ва бетакрор саҳифалари эканлиги орқали очиб беради.

Сабо билан Самандарнинг ўзлари билмаган ҳолдаги сўнгги учрашуви китобхон рухиятидаги мувозанатни издан чиқаради. Наҳот шунчалар қудратли муҳаббатнинг висоли хотиралардан, шу кичкинагина мулоқотдан иборат бўлса? Наҳотки ошиқ-маъшуқлар бир умр кутган висолдан бошқа ҳеч нарсани талаб қилишни исташмаса? Балки ишқи илоҳийликка даъво қиласидан одамларгина шунаقا бўлишар, деган фикрлар ўтади киши хаёлидан. Уларнинг бир кунда, бир вақтда юрак хуружи туфайли дунёни тарк

<sup>90</sup> Очил Э. Фарҳод – комил инсон // Тафаккур. 2000. – №3. -36-42 б. 38

этишлари ҳам қандайдир илоҳийлик касб этади. Ёзувчи ишқни Оллоҳнинг оддий (ғайриоддий) бандалари кўнглидаги муҳаббат даражасидан илоҳий ишқ рутбасига кўтаради.

Мустақиллик даврида яратилган асарлардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, руҳий покланиш, тозариш жараёни замонавий романчиликда ўзгачароқ тарзда амалга ошмоқда. XX аср ибтидосидан 80-йилларгача яратилган романларда комил инсон ижтимоийликдан келиб чиқиб талқин этилган. Тасаввуф адабиётида инсон ўз нафсиغا қарши курашган бўлса, XX аср адабиётида инсон ўз нафсиغا эмас, ўзгаларга қарши курашди, инсонга муносабат, ҳаётга муносабат давр мафкураси билан боғлиқ ҳолда кескин ўзгарди. Фоялар инсоннинг эмас, инсон ғояларнинг хизматкорига айланди. Шу сабаб асрлар давомида Шарқ адабиётида етакчи мавзу саналган комил инсон масаласига эътибор сусайди. Истиқлол арафаси, айниқса, 90-йиллар адабиётида тасаввуф анъаналарининг зоҳир бўлиши комил инсон бадиий талқинини муҳимлик даражасига кўтарди.

Шу ўринда комиллик - руҳий баркамоллик, деб таърифлашни лозим топган бўлардик. Руҳий баркамолликка эса қалбдаги сезгилар ва сезимларни, ҳислар ва туйғуларни тафтиш этиш ҳамда уни илоҳий ҳилқат шуълалари билан нурлантириш орқали эришилади, деб ўйлаймиз

Одатда, ошиқ ҳолатида психологияк бекарорлик, жонсараклик сезилади. Ишқ туфайли кўнгил қаърида мудраб ётган туйғулар жунбушга келади. Ошиқнинг рашкию ашки, шубҳа ва гумонлари, изтироб ва муҳаббати бирпаста тилига кўчади. Ана шундай психологик ҳолат гирдобига тушган романдаги лирик “мен”, яъни комиллик мартабасига интилаётган қаҳрамон Илоҳга муножотлар қиласиди, ўзини бўлаклаб ташлаётган муаммонинг ечимини кўрсатишни сўраб арз қиласиди:

“Оҳ, менинг пажмурда бўлган дилим, энди нима қиласиз!? Энди менинг сендан ўзга кимим қолди! Наҳот бунга чидаш мумкин! Ё тавба! Кимга мурожаат қилишимни ҳам билмайман! Қайга қарамай, ҳар тарафда фитна, фириб ва алдов!.. Эй яратган Эгам! Мен сенинг устингдан Ўзингга арз

қиласан! Ҳа-ҳа, арз қиласан!.. Ахир... ахир бошқа нима чорам қолдики, кўллаб кўрмаган бўлсан?.. Уҳ!.. Оғзинг мундайроқ куйса, қатиқни пуфлаб ичарсан, аммо росмана куйса, умуман, ҳеч нима ичмай қуяркансан! Менинг ҳолим ана шундай: оғзи ростмана куйган одамникига монанд: мен энди ҳеч нима истамайман!..” (261-262 – б.)

Муаллиф қахрамон ички оламидаги ҳис-түғёнлар тасвирини берар экан, инсон табиатидаги бесаранжомликни, ҳақ ва ҳақиқатдан чекинишни, руҳдаги мутеликни, зиллат ва залолатга мойилликни аёвсиз, шафқатсиз таҳлил ва танқид қиласди. Ёзувчи Самандарнинг ишқи илоҳий йўлига ўтган, бу йўлга бисотида бор энг азиз матоҳи – умрини тикканлигини таъкидлайди.

Комилликка йўл ҳақиқий ишқдан бошланади. Ишқсиз одам комилликнинг кўчасига ҳам йўламайди. Ишқقا эса, тайнинки, озорсиз эришилмас. Эътибор қилсак, “ишқ” – арабча сўз бўлиб, унинг лугавий маъноси зарпечак демакдир. Зарпечак бақувват, ерга чукур илдиз отган ўсимликларни қурита олмаганидай, ишқ ҳам маънан етук ва руҳан саботлиларни абгор қила олмайди. Ишқ асли ўз моҳияти билан инсонни руҳиятнинг мусаффо осмонларига, комиллик сарҳадларига етаклайди.

Тасаввуф таълимотига мувофиқ, инсон ўзида икки зид қувват курашиб турган бир борлиқ ҳисобланади. Руҳнинг ҳолат ва ҳаракати, парвози нафси амморанинг тийилишини талаб этади. Нафсни енгиш руҳнинг йўлини нурафшон этади. Улубек Ҳамдамнинг “Исён ва итоат” ва “Сабо ва Самандар” романларида ана шу тасаввуфий фалсафадан руҳ олади, бизни ўраб турган табиат ва жамиятни поэтик идрок этишимизга, қолаверса, “олами суғро”, яъни ўзликни англашимизга кўмак беради.

Адабиётшунос У.Жўракуловнинг «Романдаги портрет ва характер қахрамонлар фаолияти, улар ўртасидаги руҳий мулоқот, фикр ҳаракати ва исмлар билан уйғунлашиб кетадики, бу роман бадииятининг янада ошиши, умрбоқийлик касб этишига хизмат қиласди»<sup>91</sup> деган фикрини Улубек Ҳамдам

<sup>91</sup> Жўракулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. жанр. Хронотоп. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – Б. 200 (356-б).

романларига нисбатан берсак ҳам бўлади. Чунки романлардаги тасвир, портрет, характерлар нутқи, мимикаси каби психологик унсурларда бадийликни янада теранлаштирадиган, қучайтирадиган жиҳатлар мавжуд. Жамиятимиз ҳаётида кечётган маънавий такомиллашув жараёни бугунги романларнинг тасвир марказида турибди. Комиллик фалсафаси мумтоз адабиётимизда воқеа-ҳодисалар оқимида аксини топган бўлса, замонавий адабиётда бу ҳол ёзувчи шахсининг бой интеллектуал олами, унинг руҳият иқлиmlари тасвирини бериши орқали рўёбга чиқаётир. Роман қаҳрамонлари Самандар ва Сабонинг Оллоҳга бўлган ишқи уларнинг Ватанга, элга, ёрга, инсонга бўлган ишқи билан бирлашиб кетади. Натижада ишқ замиридаги маъно ва тушунчалар уфқи кенгаяди.

### **Боб бўйича хунос**

1. “Исён ва итоат” ҳамда “Сабо ва Самандар” романларида бадий психологизмни аналитик, динамик, ичдан кўриш принциплари бирлашиб, синтетик принципни ташкил қилган. Ёзувчининг психологик таҳлил воситалари ҳамда усулларидан самарали фойдаланиши натижасида психологизм романнинг услугубий доминант белгиси сифатида бўй кўрсатган.

2. Ҳикоя қилиш усулларининг ўзгариши, муаллиф, ровий, персонаж нутқидаги тафовут, ёзувчининг муайян ғояни турли нуқтаи-назардан туриб ифодалashi каби услугубий ўзига хослик кузатилади. Романнинг бадий ютуқларидан бири - муаллиф, ровий, персонаж нутқининг бир вақтда қўлланилиши баробарида, тингловчи-китобхоннинг воқеа-ҳодисалар иштирокчисига айлантира олган.

3. Романда муаллиф ҳикояси, ровий ҳикояси, тингловчи-китобхон иштироки, қаҳрамон нутқида бахшиёна сўйлаш, ритм ва оҳанг мавжудлиги, талқинда лиро-эпик моҳият бадий матн хусусиятини белгилаши психологизмга хос жиҳатларни янада ойдинлаштирган. Ички монологлар қаҳрамонлар ҳаётида, дунёқарашида, ўз-ўзига муносабатида, ўзгаришлар юз

берганда кузатиладиган кескин вазиятлардаги персонаж рухиятини аниқ ифодалашга хизмат қилған.

4. Адабий портретлар – характерлар бадиий тасвирининг асосий воситаларидан бири сифатида муҳим ифодавий функцияларни бажаради: характерга “кириш” хисобланади; унинг муҳим қирраларини белгилайди; характер тўлалигига, бутунлигига аниқлик киритади; биргина персонажнинг бир ёки бир нечта портрети орқали характернинг жонсиз ё динамиклиги кўринган.

## УМУМИЙ ХУЛОСА

Жаҳон адабиёти тарихида бўлгани сингари минг йиллик ўзбек адабиётида ҳам бадий психологизм илдизлари туркий мифология, ўзбек халқ фольклори: эпос, халқ қиссачилиги, мумтоз қиссачилик анъаналаридан келиб чиқади. Бадий психологизм қатор манбаларда ёзувчи – персонаж – ўқувчи ёки ижодий жараён – бадий асар – ўқувчи ички олами формуласига бўйсуниши айтилади. Ҳақиқатдан ҳам, бадий психологизм шу учлик доирасида замон, макон ва индивидуал ижодкор муносабатининг ҳосиласи ўлароқ такомиллашиб боради. Замонавий ўзбек насрини комплекс кузатиш асносида келинган хулосалар фикримизга яққол далил бўлади.

1. Ўзбек романларида бадий психологизмнинг кучайиши, воқеа-ҳодисалар тасвиридан инсон онги, психологик олами такомили натижасида миллий романчилигимиз тадрижий ўсган. Хусусан, реалистик роман анъаналарини ўзига хос ривожлантирган У.Ҳамдамнинг “Мувозанат” романида шахс ва жамият муаммосининг бадий-психологик таҳлили етакчилик қиласи. Бунда ёзувчи воқеликни идрок қилишнинг анъанавий тамойилларини бадий синтезлаш йўлидан боргани роман тафаккуридаги янгиланишлар учун эстетик асос вазифасини бажарган.

2. Гарчи, реалистик метод имкониятларидан кенг фойдаланилган бўлсада, У.Ҳамдам ижтимоий-психологик вазият талқинида миллий-адабий анъаналарни ва жаҳон адабиёти тажрибаларига муштараклаш йўлидан борган. Роман поэтикасида «ўтиш даври» синовлари акс этаётган замондош инсон руҳияти силсилаларини психологик акс эттиришга эришган.

3. Бу роман воқеликни бадий идрок этиш ва ифода тарзига кўра миллий роман тараққиётида ўзига хос янгилик ҳисобланади. Романда жамият кайфиятининг инсон руҳиятига бевосита ва билвосита таъсири бадий-психологик таҳлил нуқтаи назаридан мукаммал акс эттирилган. Ушбу романда ёзувчи ҳар бир қаҳрамон руҳиятини таҳлил қиласи экан, фалсафий теранлик ракурсларида туриб, ўз қаҳрамонлари сафида яшашдан мақсад-

муддао қидиради. Оллоҳ томонидан буюрилган фарз ва амалларни икки дунё мезонидан келиб чиқиб баҳолайди. Шунга асосан эзгуликни ёқлади, нафс ва ёвузликни қоралайди.

4. Шу жиҳати билан роман бугунги инсон психологик борлигини тадқиқ этиш концепциясининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Мустақиллик даври ўзбек романларида инсон ички оламига муносабатнинг ўзгариши ва қалб диалектикасини бадиий-психологик тасвири такомилида намоён бўлади. Айни жиҳат давр кишилари реал образини шакллантириш, ижтимоий-психологик муаммолар доирасидаги одамнинг бадиий-концептуал образини талқин этишда муҳим омил вазифасини бажаради.

5. У.Ҳамдам реал воқелик тасвири фонида рамзий-мажозий ва психологик усулларни бирлаштириб ўзининг синтезлашган индивидуал бадиий-психологик таҳлил усулини яратишга мувофақ бўлди. Унинг «Мувозанат» асари, воқеликни бадиий идрок этиш ва ифода тарзига кўра, миллий роман такомил йўлидаги бир босқичдир. Кейинги романларида тасвирланган давр воқелиги, инсонлар, жамият ичида кечган маънавий-психологик ҳолатлар ўзининг табиий тузилишига кўра оригиналлик касб эта борди.

6. Хусусан, «Исён ва итоат» романида умуминсоний муаммолар ва қадриятлар ёзувчининг исломий-фалсафий қарашлари орқали бадиий инъикос эттирилган. Ёзувчининг фалсафий мушоҳадалари теран, онглараро психологик мулоқот, инсоннинг яралиши ва яшаш моҳияти ислом фалсафасининг устуни Куръони Карим асосида ўзига хос услубда бадиий инкишоф этилган.

7. Романда соддадан мураккабликка, шахс оламидан умуминсоний қадриятлар талқинига қадар жонлантирилган макон ва замон ичра яшаётган инсон ва давр руҳияти поэтик метафориклаштирилган реал ҳаётнинг синкетик тасвири орқали бадиий ифодаланган. Ундаги портрет, диалог, монолог, туш, психологик тимсоллар, ҳиссий ҳаракатлар, пейзаж,

галлюцинация каби ранг-баранг психологик усул ва воситалар бадий метафоризациянинг ўзига хос мустақил усуллариридир.

8. Қахрамонлар турмуш тарзи, ижтимоий мавқеи, майший ҳаёти ва қизиқишлиари онгги ва онг ости дунёси аро психологик диалогизм мазкур роман композициясининг оригиналлигини таъминлаган муҳим омилдир. Муаллифнинг ровийлаштирилиши, ушбу романдаги ҳикоя қилиш усулининг ўзига хослигини таъмин этган ва бадий психологизмнинг асосий воситаси бўлиб келган.

9. Исён ва итоат” муайян маънода “Мувозанат” романинг мантиқий давомидир. Чунки бу романда ҳам, худди “Мувозанат”даги каби инсоннинг яратилиши, олам ичра жўнатилган яралмиш (инсон) қисмати, ўзни ва Яратганинни англаш жараёнлари ёритилади. Фақат “Мувозанат”да ижтимоий-психологик таҳлил етакчилик қилган бўлса, “Исён ва итоат”да улкан умумбашарий воқеликни метафорик умумлаштириш, поэтик моделлаштириш усули устувор.

10. Худди шу жиҳатлари билан “Исён ва итоат” янги мазмун ва янги шаклдаги ўзига хос роман услубини намоён этади. Унда ёзувчи персонаж характерини очишда психологик тасвирнинг вербал (нутқ орқали) ва юз-кўз ифодаси, мимика, имо-ишора, гавда ҳолати каби новербал воситалари кенг фойдалангани бош қахрамон Акбарнинг нафақат ташқи қиёфаси, балки ташқи таъсир орқали шаклланган психологик олами – қалб драматизми яратилишига омил бўлган.

11. Ҳикоя қилиш усулларининг ўзгариши, муаллиф, ровий, персонаж нутқидаги тафовут, ёзувчининг муайян ғояни турли нуқтаи-назардан туриб ифодалashi каби услубий ўзига хослик қузатилади. Романинг бадий ютуқларидан бири - муаллиф, ровий, персонаж нутқининг бир вақтда кўлланилиши баробарида, тингловчи-китобхоннинг воқеа-ҳодисалар иштирокчисига айлантира олганидир. Шунингдек, “Исён ва итоат” ҳамда “Сабо ва Самандар” романларида бадий психологизмни аналитик, динамик,

и чдан кўриш принциплари бирлашиб, синтетик принципни ташкил қилган, психологизм романнинг услубий доминант белгиси ўлароқ намоён бўлган.

12. Романда муаллиф ҳикояси, ровий ҳикояси, тингловчи-китобхон иштироки, қаҳрамон нутқида бахшиёна сўйлаш, ритм ва оҳанг мавжудлиги, талқинда лиро-эпик моҳият бадиий матн хусусиятини белгилаши психологизмга хос жиҳатларни янада ойдинлаштирган. Ички монологлар қаҳрамонлар ҳаётида, дунёқарашида, ўз-ўзига муносабатида, ўзгаришлар юз берганда кузатиладиган кескин вазиятлардаги персонаж руҳиятини аниқ ифодалашга хизмат қиласди. Адабий портретлар – характерлар бадиий тасвирининг асосий воситаларидан бири сифатида муҳим ифодавий функцияларни бажарган.

Умуман, У.Ҳамдам романларида бадиий психологизм ўзининг синтетик табиати билан хилма-хилллик, оригиналлик касб этади. Мустақиллик даври ўзбек романчилигининг янги қирраларини намоён этади. Ёзувчи романларида реалистик, романтик, сентиментал, модернистик методларнинг уйғунлашуви, “ўтиш даври” ва ундан кейинги даврда халқимиз бошидан кечирган муҳим воқеаларнинг психологик жиҳатдан мукаммал тасвирланишига замин ҳозирлаган. Айни пайтда, романлардаги биографик элементлар, Шарқ ва Farb фалсафасининг бадиий уйғунлаштирилиши У.Ҳамдам ижодининг бугун ва келажакдаги аҳамиятини яққол кўрсатади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

### **I. ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ АДАБИЁТЛАР**

1. Миллий истиқтол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 74 б.
2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 173 б.
3. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ҳамда шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017. –Б.78.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. 360 б.

### **II. ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АДАБИЁТЛАР**

5. Адабиёт. Бадиият. Абадият. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – 234 б.
6. Алиев А. Маънавият, қадрият ва бадиият. – Тошкент: Академия, 2000 . – 630 б.
7. Аристотель. Поэтика. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – 149 б.
8. Аҳмедова Ш. Мактубот ва адабий танқид. – Тошкент: Фан, 2005. – 99 б.
9. Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Тошкент: Маънавият, 2001. – 69 б.
10. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 560 б.
11. Борев Ю. Эстетика. Изд. З. – М.: Политиздат. 1980. – 399 с.
12. Болтабоев X. Қатағон қилинган илм. – Тошкент: Хазина, 1996. – 120 б.
13. Джойс Дж. Улисс. (часть III). Комментарии. – М.: Знаменитая Книга, 1994. – С. 365-605.
14. Жўрақулов У. Ҳудудсиз жилва. –Тошкент: Фан, 2006. – 203 б.

15. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. –Т.: F.Гулом нашриёти НМИУ, 2015. – 356 б.
16. Жўраев Т. Жеймс Жойс. – Тошкент: Наврӯз, 1993. – 51 б.
17. Жўраев Т. Онг оқими. Модерн. – Фарғона, 2009. – 203 б.
18. Имомова Г. Психологик изтироблар: Руҳият тасвирида диалог ва монолог. – Тошкент.: “Ёзувчи”, 1992. 21 б.
19. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент.: “Фан”, 2008. -158 б.
20. Йўлдошев К. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 152 б.
21. Йўлдошев К. Ёник сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – 546 б.
22. Каримов Б. Қодирий қадри. – Тошкент: Халқ мероси, 2002. – 84 б.
23. Каримов Б. Янгиланиш соғинчи. – Тошкент.: Адабиёт жамғармаси, 2004.– 79б.
24. Каримов Б. Абдулла Қодирий. –Тошкент: Фан, 2006. – 231 б.
25. Каримов Н. Чўлпон. Маърифий роман. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 463 б.
26. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. Биринчи китоб. – Тошкент: O’zbekiston, 2008. – 533 б.
27. Каримов Ҳ. Истиқлол даври насли. – Тошкент.: Zarqalam, 2007. – 96 б.
28. Каримов Ҳ. Ўзбек романларининг тараққиёт тамойиллари. – Тошкент.: Миллий кутубхона, 2008. – 122 б.
29. Кулакова И. С Философия и искусства модернизма. – М.: Изд-во Политиздат, 1980. – 271 с.
30. Мамажонов С. Бизнинг Чўлпон. – Тошкент: Ёзувчи, 1997.
31. Мирвалиев С. Ўзбек романи. (Жанр манбалари ва унинг ташкил топиши). –Т., Фан, 1969. 313 б.
32. Мирвалиев С. Абдулла Қодирий. – Тошкент: Фан, 2004. – 170 б.

33. Мирвалиев С. Шокирова Р. Ўзбек адиблари. Тошкент: Фан,2007. – 270 б.
34. Миллий уйғониш. – Тошкент: Университет, 1993. – 127 б.
35. Мустақиллик даври адабиёти. – Тошкент: Нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – 287 б.
36. Мирқосимова М., Рустамова М. Жанр ва маҳорат. – Тошкент: Миллий кутубхона, 2007. – 69 б.
37. Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти. – Тошкент: Янги аср авлоди,2005. – 418 б.
38. Назаров Б. Ўзбек адабиёти танқидчилиги. – Тошкент: Фан, 1979. – 284 б.
39. Назаров Б. Истиқлол самараси // Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш.-Т.: Университет, 1999.-Б.4-5.
40. Называть вещи своими именами. – М.: Прогресс, 1986. – 638 с.
41. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 109 б.
42. Норматов У. Тафаккур ёғдуси. – Тошкент: 2005. – 119 б.
43. Норматов У. Устоз ибрати. –Тошкент: Миллий кутубхона, 2007. – 126 б.
44. Норматов.У. Ижод сехри. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 351 б.
45. Норматов У. Нафосат гурунглари. – Тошкент: Мұхаррір,2010. – 385б.
46. Норматов У. Қодирий мўъжизаси. –Т.: O’zbekiston.-2010. Б. 270.
47. Николина. Н.А. Филологический анализ текста. Учеб. пособие. – М.: Академия, 2003. – 253 с.
48. Нурматов М. Танқид ва эстетика. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976. – 169 б.
49. Психоанализ асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 142 б.

50. Расулов А. Танқидчилик уфқлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – 149 б.
51. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. – Тошкент: Фан, 2006. – 231 б.
52. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 334 б.
53. Расулов А. Бетакрор ўзлик. – Тошкент: Mumtoz soz, 2009. – 286 б.
54. Раҳимжонов Н. Бадиий асар биографияси. – Тошкент: Фан, 2008. – 261 б.
55. Раҳмонов Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. (қўлланма). – Тошкент.: Янги аср авлоди, 2004. – 237 б.
56. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари.–Тошкент.: 2004. –127 б.
57. Солижонов Й. Нутқ ва услуб. –Тошкент.: “Чўлпон” нашриёти, 2002.-128 б.
58. Тўраев Д. Ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси. – Тошкент: Университет, 2001. –166 б.
59. Умиров X. Таҳлил санъати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978. – 143 б.
60. Умиров X. Ўзбек романчилигига бадиий психологизм - (қўлланма). –Т., “Ўқитувчи”, 1982, 46 б.
61. Умиров X. Бадиий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. –Т., “Фан”, 1983, 146 б.
62. Умиров X. Қаҳрамоннинг маънавий олами ва эпиклик. –Тошкент.: “Фан”, 1995. - 46 .
63. Умиров X. Сайланма. –Тошкент: Фан, 2007. 1– жилд. –205 б.
64. Умиров X. Сайланма. // Адабий-танқидий тадқиқотлар. 2 – жилд. – Тошкент: Фан, 2007. – 206 б.
65. Умиров X. Сайланма. // Хотиралар, қатралар, сабоқлар, ҳажвлар. 3 – жилд. –Тошкент: Фан, 2007. – 204 б.

66. Умурев Ҳ.Сайланма. // Эҳтиёж тафти. 5 – жилд. – Самарқанд: 2011. – 214 б.
67. Улугов А. Асл асарлар сехри. – Тошкент: Нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. – 157 б.
68. Уэллик Р., Уоррен О. Теория литературы. – М.: Прогресс, 1978. – 325 с.
69. Фалсафа қомусий лугат. –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, Шарқ, 2004. – 495 б.
70. Философский словарь. – М.: Политиздат, 1980. – 445 с.
71. Хализев В.Е. Теория литературы. Изд. 3. – М.: Высшая школа, 2002. – 437 с.
72. Холмуродов А. Роман ва руҳият. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1999. – 94 б.
73. Худойберганов Н. Ишонч. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – 247 б.
74. Чўлпон ва танқид (нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Б.Каримов). – Тошкент: Адабиёт жамғармаси, 2004. – 82 б.
75. Шарафиддинов О. Ижодни англаш баҳти. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 237 б.
76. Шодиев Н. Руҳият рассоми. –Т., “Фан” нашриёти. 1977, 48 б.
77. Қаршибой М. Талотўпдан уйғунлик сари. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 79 б.
78. Қурунов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Халқ мероси, 2004. – 222 б.
79. Қурунов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент: Фан, 2008. – 275 б.
80. Қурунов Д. Мом синдроми. –Тошкент. 2008.
81. Қўшжонов М. Диidor. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 136 б.
82. Қўчқоров Р. Мен билан мунозара қилсангиз... – Тошкент: Маънавият, 1998. – 94 б.

83. Кўчкорова М. Бадиий сўз ва руҳият манзаралари. – Тошкент. Мухаррир. 2011. – 232б.
84. Қосимов Б. Излай-излай топганим... – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – 272 б.
85. Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Тошкент: Маънавият, 2002. – 400 б.
86. Ғафуров И. Дил эркинлиги. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 150 б.
87. Ғафуров И. Ҳаё – халоскор. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 383 б.
88. Фарб фалсафаси. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, Шарқ, 2004. – 718 б.
89. Ўзбек адабий танқиди: (антология). Тузувчи ва нашрга тайёрловчи Б. Каримов. – Т.: TURON – IQBOL, 2011, -544 б.
90. Ҳозирги ўзбек адабиётининг миллий ўзига хослиги. – Т., “Фан”. 1984, - 199 б.
91. Ҳозирги адабий жараённинг актуал проблемалари. – Т., “Фан”, 1984, - 166 б.
92. Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 198 б.
93. Ҳамдамов У. Янгиланиш эҳтиёжи. – Тошкент: Фан, 2007. – 196 б.

### **III. ЖУРНАЛ ВА ГАЗЕТАЛАРДАГИ МАҚОЛАЛАР**

94. Мирзиёев Ш.Ш. Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан учрашувдаги маъruzаси. “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир”/ Халқ сўзи, 2017 йил, 4 август.
95. Абдуваҳоб У. Кўнгил наъматаги // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1997. – №4. – Б. 3-6
96. Акрамов Б. Руҳият мусаввири // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1994. – №12. – Б. 147-150
97. Борев Ю. Инсон ҳамда инсоният ҳаётининг олий мақсади ва маъноси // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2011.-№4. –Б. 158-163.

98. Дўстмуҳаммад X. Концепцияни янгилаш учун... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1990. – 16 февраль.
99. Дўстмуҳаммад X. Тавбадан тозаришгача... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1990. – 13 март.
100. Дўстмуҳаммад X. Истиқлол ва адабиёт // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.– Тошкент, 1993. – 6 август.
101. Ёкубов И. Ўзбек романининг маънавий-психологик асослари // Шарқ ўлдузи. – Тошкент, 2011. №4.- Б.109-119.
102. Жаббор А. Ўз даврининг машхур асари // Ёшлиқ. – Тошкент, 1990. – №11. – Б. 74-78
103. Жойс Ж. Навқирон санъаткорнинг сийрати // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2007. – №3-4. – Б. 3-98
104. Жўрақулов У. Асл адабиётнинг нашъу намоси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2000. – 27 октябрь.
105. Йўлдошев Қ. Ўзбек модерн адабиёти: илдизлар, принциплар ва хусусиятлар // Филология масалалари. – Тошкент, 2004. – №2-3. – Б. 4-12
106. Йўлдошев Қ. Роман ва бугунги ўзбек романчилиги // Шарқ ўлдузи. – Тошкент, 2011 №4. –Б. 131-136.
107. Йўлдошев Қ. Замонавий ўзбек насли ёки эсселашган тафаккур // Til va adabiyot talimi. – Тошкент. 2011. № 7-8. – Б.43-66.
108. Каримов Н. Ойбек: тош экан бошим // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1992. – № 7-8. –Б.14–15, 24–25.
109. Каримов Н. Ойбек номли чўқчи // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 1999.– №1. – Б. 8-13
110. Каримов Н. Шаффоф туйгулар шалоласи // Ёшлиқ. – Тошкент,1985. –№ 5. – Б.58–59.
111. Каримов Н. Кечанинг кундузи борми? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1994. – 28 октябрь.
112. Каримов Н. Унутилган саҳифа // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1997. – 10 октябрь.

113. Карвонли Ҳасан. Икки йўл синтези // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2000. – 18 август.
114. Матёқубов С. Бадиий психологизм қирралари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2006. №4, Б.72-74.
115. Мирзаев Т. Янги мезонлар қандай бўлмоғи керак? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1995. – 3 март.
116. Мирзаев С. Бу умр боқийдир // Мулоқот. – Тошкент, 2003.– № 3. – Б.12-14.
117. Назаров Б. Замон ва адабиёт // Ўқитувчилар газетаси. – Тошкент, 1990. – 22,26,29 сентябрь ва 3, 6 октябрь.
118. Назаров Ў. Омон Мухтор романларида бадиий анъанавий хронотоп // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2011, №6, Б.160-162.
119. Норматов У. Ҳақиқат тақозаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1995. – 17 февраль.
120. Норматов У. Умидбахш тамойиллар // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2003. – №10-12. – Б. 181–189.
121. Норматов У. Ўтмишдан эртаклар ва абсурд // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2000. – 14 июль.
122. Норматов У., Болтабоев Ҳ. Янги назарий тамойиллар // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2008. № 3. – Б. 154-163
123. Норматов У., Очилов Э. Танқид, мунаққид ва ҳозирги адабий жараён // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2004. – № 4. – Б. 35–44.
124. Норматов У. Адолатнинг йўллари мashaққатли // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1997. – 14 ноябрь.
125. Норматов У. Бадиият кўзгусида миллат тақдири // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2011. -№3. –Б. 116-121.
126. Отабоев А. Шу кунлар нафаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1990. – 23 февраль.
127. Отабой А. Онг оқими // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1997. –№ 4.

128. Отабой А. Модернизм // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1996. – № 5.
129. Отахонов О. Мутолаа // Ёшлиқ. – Тошкент, 1989. – № 9. – Б. 14
130. Пардаева З. Бадиий тафаккур фалсафаси. //Фан ва тараққиёт. – Тошкент: Минҳож, 2005. Б.10-15.
131. Раҳимова Г. Мунозара – уйғониш даракчиси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1989. – 29 декабрь.
132. Раҳимжонов Н. Адабиётшуносликнинг янги босқичи // Шарқ юлдузи. –Тошкент, 2011. №5, Б - 159-165.
133. Ризаев Ш. Яхши “ёмон” одам ёхуд янгиланган реализм // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2011. №3. –Б. 162-166.
134. Рўзимуҳаммад Б. Танқид яхши нарса аммо... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.– Тошкент, 2004. – № 4.
135. Рўзимуҳаммад Б. Постмодернизмни нима деймиз? Ёхуд тақлидми таъсирланиш // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2004. – №8.
136. Солижонов Й. XXI аср насли манзаралари (мавзу, муаммо ва ечим) // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2011. -№4. –Б. 147-157.
137. Холбеков М. Етакчи жанрнинг тадрижий тамойиллари // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2011. №3. –Б. 122-131.
138. Шарафиддинов О. Адабиёт яшаса, миллат яшар // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1993. – № 9. – Б. 129–138.
139. Шарафиддинов О. Модернизм жўн ҳодиса эмас // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2002. – 7 июнь.
140. Шарафиддинов О. Кўнгилда қолғуси унинг бир изи // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1990. – №3. – Б. 191–201.
141. Эшонқул Н. Тобут // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1993. – №10.
142. Қаршибоев М. Мухит эркидаги тутқинлик // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1990. – №10. Б. 195-205
143. Қодиров Г. Маънавият, модернизм ва абсурд // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2004. – 26 март.

144. Қуров Д. Роман ҳақида айрим муроҳазалар // Шарқ юлдизи. – Тошкент, 2011.– № 5. – Б. 108–117.

145. Қўчқор Р. Қўш роман ва айрича қарашлар // Шарқ юлдизи. – Тошкент, 1988. – № 3.

#### **IV. ДИССЕРТАЦИЯ ВА АВТОРЕФЕРАТЛАР**

146. Каримов Н.Ф. XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиқлол мафкураси: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 1993.

147. Раҳимов З. О.Ёқубовнинг “Кўхна дунё” романи поэтикаси: Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 25 б.

148. Тожибоев Р.Қ. XX аср бошлари ўзбек адабиёти танқиди тарихидан: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент, 1993. – 159 б.

149. Содиқов С. Абдулла Қаҳҳор ижоди ва адабий танқид: Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 1997. – 312 б.

150. Салижонов Й. XX асрнинг 80-90 йиллари ўзбек насира бадиий нутқ поэтикаси: Филоло.фанлари д-ри... дисс. – Тошкент, 2002. – 303 б.

151. Қуров Д. Чўлпон поэтикаси (Насрий асарлари мисолида): Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 1998.

152. Йўлдошев Б. Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигига услуг ва маҳорат муаммолари: Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 2000. 340 б.

153. Расулов А. Ҳозирги ўзбек танқидчилигига таҳлил ва талқин муаммоси: Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 2002.

154. Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (Қодирийшунослик асосида): Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 2002. – 304 б.

155. Бобониёзов А.Ю. А.Қодирий “Ўткан кунлар” романида тасвирий воситалар ва тил бадиияти: Филол.фанлари номзоди дисс. – Т.:ЎзФА ТАИ, 1995.

156. Дониёрова Ш. Шукур Холмирзаев ҳикояларининг бадиий-услубий ўзига хослиги: Филол.фанлари номзоди дисс. -Т.: ЎзФА ТАИ, 2000.
157. Дўстмуҳаммедов X. Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигига бадиий тафаккурнинг янгиланиши. Филол.фанлари номзоди дисс. –Т.: ЎзР ФА ТАИ, 1995.
158. Жўраев Т. Онг оқими ва тасвирийлик: Филол. фанлари номзоди дисс. –Т.:ЎзФА ТАИ, 1994.
159. Имомова Г.М. Типик миллий характерлар яратишда бадиий нутқнинг роли: Филол. фанлари номзоди дисс. –Т.:ЎзФА ТАИ, 1994.
160. Имомкаримова М. Ў.Хошимов асарларида миллий қадриятлар талқини: Филол. фанлари номзоди дисс. –Т.:ЎзФА ТАИ, 2004.
161. Каримов Ҳ. Ҳозирги ўзбек насрода ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси: Филол. фанлари док. дисс. –Т.:ЎзФА ТАИ, 1994.
162. Мирзаев И. Янгича тафаккур ва ҳозирги ўзбек насрининг тараққиёт йўллари: Фил. фанлари номзоди дисс.-Т.:ЎзФА ТАИ, 1991.
163. Пирназарова М. Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар (О.Мухтор, X.Дўстмуҳаммад, У.Ҳамдам, Т.Рустам романлари мисолида). Фил.фанлари номзоди дисс. –Т.: ЎзФА ТАИ, 2005. -132 б.
164. Қурбонов Т. О.Ёқубовнинг портрет яратиш маҳорати: Филол. фанлари номзоди дисс. –Т.:ЎзФА ТАИ, 1997.
165. Мелиев С. Шеърий матннинг поэтик хусусиятлари. Филол. фанлари номзоди дисс. – Т.: ЎзФА ТАИ, 2001.
166. Жўракулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси. Фил. фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси автореферат. – Тошкент, 2017.
167. Жабборова Д. Истиқлол даври ўзбек адабиётшунослигига Чўлпон шеърияти ва насрий асарлари талқини: Фал. фанлари бўйича (PhD) фил.. фан. доктори диссертацияси автореферат. – Самарқанд, 2018.
168. Якубов И. Мустақиллик даври романлари поэтикаси. Филол. фанлари доктори (DSc) дисс. автореферати. – Т. ЎзТА ва ФИ, 2018.

169. Насиров А. Одил Ёқубов романлари поэтикаси. Филол.фналари доктори (DSc) дисс.автореферати. – Т.: ЎзТА ва ФИ, 2018.

170. Тулибаев Х. Ҳозирги ўзбек романчилигига бадиий услугуб ва жанрий-композицион яхлитлик синтези. Фал. фналари бўйича (PhD) фил.. фан. доктори диссертацияси автореферат. – Тошкент, 2018.

#### **IV. БАДИИЙ АДАБИЁТЛАР**

171. Улугбек Ҳамдам. «Ёлғизлик». Қисса ва ҳикоялар. – Тошкент: Қатортол-Камолат, 1998. 112 бет;

172. Улугбек Ҳамдам. «Исён ва итоат». Роман. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003, 140 бет;

173. Улугбек Ҳамдам. «Мувозанат». Роман. – Тошкент: Минҳож, 2004, 200 бет;

174. Улугбек Ҳамдам. «Сабо ва Самандар». Роман. – Тошкент: Мухаррир, 2009, 310 бет:

175. Улугбек Ҳамдам. «Узоқдаги Дилнур». Қисса ва ҳикоялар ва шеърлар. – Тошкент: Академнашр, 2010, 232 бет.

176. Жалолиддин Румий «Ичиндаги ичиндадур» Турк тилидан Улугбек Ҳамдам таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003, 200 бет.

177. Улугбек Ҳамдам. Ватан ҳақида қўшиқ. – Тошкент: Академнашр. 2014. – Б. 532.

#### **V. ИНТЕРНЕТ МАНЗИЛЛАРИ**

178. <http://www.sharqyulduzi.uz>

179. <http://www.ulugbekhamdam.uz>

180. <http://www.lgz.ru>

181. <http://www.quronov.narod.ru>

182. <http://www.uzaz.uz>

183. <http://www.literature.uz>

184. <http://www.ziyonet.uz>

185. <http://www.ziyouz.com>